

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI
BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
FILOLOGIYA FAKULTETI
O'ZBEK FILOLOGIYASI KAFEDRASI

Qo'lyozma huquqida

**ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ РОМАНЛАРИДА БОШ ҚАҲРАМОН
МУАММОСИ**
**(“Асрга татигулик кун”, “Қиёмат”, “Тоғлар қулаётган замон (Абадий
қаллик)” романлари асосида)**

Ilmiy rahbar: filologiya fanlari doktori,

Сафарова Х

BUXORO – 2014

Режа:

Кириш

Асосий қисм

I боб. “Асрга татиғулик кун” романида бош қаҳрамон муаммоси.

1.1. Чингиз айтматов романларидаги образлар тизими ва бош қаҳрамон муаммоси.

1.2. Асарда тасвирланган инсоният образлари.

1.3. Романдаги ҳайвонот образлари таҳлили.

I бобда билдирилган фикр-мулоҳазалар юзасидан хулоса.

II боб. “Қиёмат” – табиат ва жамиятнинг олтин мувозанати.

2.1. “Қиёмат”даги инсон образлари ва бош қаҳрамон.

2.2. Асардаги ҳайвонот олами тасвирида бош қаҳрамон муаммоси.

II бобда билдирилган фикр-мулоҳазалар юзасидан хулоса.

III боб. “Тоғлар қулаётган замон (Абадий қаллиқ)” ва бош қаҳрамон.

3.1. “Тоғлар қулаётган замон (Абадий қаллиқ)” даги башарият талқини.

3.2. Романдаги нореал олам ва ҳайвонот дунёси вакиллари образи.

III бобда билдирилган фикр-мулоҳазалар юзасидан хулоса.

Хулоса.

I БОБ. “АСРГА ТАТИГУЛИК КУН” РОМАНИДА БОШ ҚАҲРАМОН МУАММОСИ.

1.1. ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ РОМАНЛАРИДАГИ ОБРАЗЛАР ТИЗИМИ ВА БОШ ҚАҲРАМОН МУАММОСИ

Том маънодаги *интернасионал* ёзувчи дея таърифланган, инсоншунос, буюк ижодкор, қудратли тафаккур соҳиби Чингиз Айтматов бадиий ижод оламила ўзига хос айтматовча услубни ярата олган ва шу услуб билан бутун дунё китобхонлари кўнглидан муносиб жой эгаллаган адибдир.

Маҳоратли адибнинг деярли барча асарларида дунёвий муаммолар, табиат ва жамият, олам ва одам, улар ўртасидаги уйғунлигу зиддият ҳақида сўз боради. Бу эса роман қаҳрамонлари камровини ҳам кенгайтиради. Натижада сюжет воқеаларига инсонлардан ташқари ҳайвонот, наботот дунёси ва ҳатто нореал олам вакиллари образи ҳам кириб келади. Айтматов синчков ва билимдон ёзувчи сифатида ҳар бир образни у хоҳ инсон, хоҳ ҳайвон образи бўлсин, дақиқ маҳорат билан ўта жонли ва табиий тасвирлайди. Бундай табиий тасвир китобхонга образлар дарду *кечминмаларини*, изтиробу қувончларини яна-да ёрқин ҳис қилишига ёрдам беради. Биз Ч. Айтматовнинг тадқиқот мавзуси юзасидан танланган романлари (“Асрга татигулик кун”, “Қиёмат”, “Тоғлар қулаётган замон (Абадий қаллиқ)”) даги образлар тизимини юқоридаги фикрларга таяниб, уч гуруҳга ажратамиз:

1. Инсоният образлари.
2. Ҳайвонот образлари.
3. Нореал олам вакиллари образи.

Романларнинг бош қаҳрамонини аниқлаш ҳам шу уч гуруҳ таҳлили юзасидан амалга оширилади.

Маълумки, бадиий образга ижодкорнинг қалб кечинмалари, ҳиссиётлари, англаган ҳақиқатлари сингдирилган бўлиши керак. Шундагина у чинакам жонлилик, таъсирчанликка эриша олади. Бадиий образлар тизимидан бош қаҳрамонни муносиб танлаш учун эса, аввало, бош қаҳрамонга хос бўлган етакчи хусусиятларни аниқлаш лозим. Шу мақсад юзасидан бадиий образ ва бош қаҳрамон ҳақида билдирилган фикрлар билан танишамиз:

1. Бадиий адабиёт қаҳрамонсиз яшай олмайди, чунки ҳаётнинг ўзи ундаги ижобий (илғор) ва салбий (қолоқ, орқага тортувчи) кучларнинг курашидан иборатдир. Бу кураш уларнинг иш ва ўйларида ўз ифодасини топади (106).
2. Бадиий асар мазмунида асосий ўрин тутувчи персонаж қаҳрамон деб аталади (105).
3. Бадиий асарларда мазмун ва форманинг, тема ва ғоянинг бирлигини ўзида ифодаловчи асосий восита образдир (..).
4. Образ – санъат ва адабиётда турмушни ўзига хос бадиий шаклда кас эттирувчи ёрқин манзара ва характерлар (138).
5. Образ – воқеликни фақат санъатга хос усулда ўзлаштириб ва ўзгартириб, характерловчи эстетик категория (439).
6. Қаҳрамон – (форс-тожик). 1. Шижоати, довюраклиги, ботирлиги билан шуҳрат қозонган, жонбозлик, мардлик қилиб ўзини кўрсатган киши. 2.ад. Бадиий асарнинг бош иштирокчиси.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда **бош қаҳрамон** бу асар сюжет тармоқларига алоқадор, тасвирланаётган даврнинг сиёсий, маданий, маърифий, иқтисодий, ижтимоий манзаралари анализида ҳам иштирок қилувчи, ёзувчининг ўзак ғоясини илгари сурувчи образдир деб айта оламиз. Демак, асар бош қаҳрамони сифатида таҳлилга тортилувчи образларда, бизнингча, қуйидаги сифатлар бўлиши лозим:

1. Асарнинг бош ғоясини ҳаракатга келтирувчи, уни китобхонга етказувчи образ.
2. Асарнинг бошидан то охирига қадар иштирок қилувчи образ.
3. Асардаги бошқа образлар тақдирига ҳам маълум даражада дахлдор образ.
4. Воқеа - ҳодисалар ҳалқаси унинг атрофида айланувчи образ.
5. Асар сюжети яхлитлигини таъминловчи образ.

1.2. АСАРДА ТАСВИРЛАНГАН ИНСОНИЯТ ОБРАЗЛАРИ

Замин узра инсон зоти пайдо бўлибдики, бир лаҳзага *товсилламай* келажак сари, тафаккурнинг сарҳадсиз кенгликлари сари интилади, бетиним олам сирлари, борлиқ жумбоқларини очмоқни ўйлайди, билишни, яна ва янада кўпроқ билишни хоҳлайди. Айни шу сабаб инсоният тараққий этди, олам ичра ўз оламини яратди. Аммо бу тараққиёт бошқа ходисалар учун ҳам хизмат қилди. Она Ер устида табиатнинг изчил қонуниятларидан чекинмай яшаётган набототу хайвонот оламини ўз измига бўйсундиргач, Инсон учун гўё муносиб рақиб қолмади. Шунда инсон инсонга қарши кураша бошлади. Тафаккур тараққиёти инсониятнинг энг аянчли фожиасига сабаб бўлди. Бани башар ўз қўли билан ўзини қирғин қила бошади, бу йўлда юксак инсон даҳосидан фойдаланиб қирғинбарот қуроллар кашф қилинди. Уруш учун ўз тараққиёт пиллапояларида эгаллаган бор билимларини сарфлаб, турли баҳоналар: сиёсий, ижтимоий, диний, ирқий сабаблар қидирди. Дунё куррайи заминдаги энг олий хилқат – инсонлар кураши комида қолди. Бу курашлар ҳамон давом этмоқда. Биргина XX асрнинг ўзида иккита жаҳон уруши юз берди, қанчадан-қанча инсонлар қурбон бўлди, қолаверса, бу аянч кўргиликлар табиатдаги қурбонликларга ҳам сабаб бўлди. Наҳотки, инсон урушларсиз, хиёнатларсиз яшай олмаса? Буюк онг қудрати фақат жангу жадаллар учун хизмат қилса? Бу каби саволлар қалбида инсоний ўзлик яшаётган ҳар бир кишини оғир ўйларга толдириши табиий. Ёзувчи Чингиз Айтматовнинг "Асрга татиғулик кун" романи айни ана шундай ўйлар, изтироблар маҳсули бўлиб дунёга келди. Ушбу асарда Ч.Айтматов беадад бадий тафаккур оламининг, ижодий хаёлотининг ғоят ҳаётий, ўта долзарб ва асрий муаммолар тасвири учун нақадар серқирра жилоланишига гувоҳ бўлиш мумкин. Романнинг бош ғояси – тинчлик, заминий барқарорлик, инсоний баркамоллик. Асар воқеалари Инсон коинотнинг кўз илғамас уфқларини забт этишга қаратган тафаккур қудрати билан Ер юзида асрларнинг қонли манзарасига боис бўлаётган жангу жадалларни тўхтатиш фурсати етганлигини англамоғи лозим деган фикрга урғу беради. Муаллифнинг ўзи бу ҳақда асарга илова сифатида берилган кириш сўзда

шундай дейди: "XX аср сўнгидаги энг фожиавий зиддият – инсон даҳосининг чексизлигию, бундай поёнсиз инсоний даҳони империализм вужудга келтирган сиёсий, ғоявий, ирқий тўсиқлар туфайли амалда қўллаб бўлмасликдан иборатдир.

Коинотга мунтазам парвоз қилиб туриш учун техник имкониятлар ўз-ўзидан вужудга келибгина қолмай, балки инсониятнинг иқтисодий, экологик эҳтиёжлари ҳам ана шу имкониятлардан тезроқ фойдаланишни талаб қилиб турган ҳозирги шароитда халқлар ўртасида низо оловини кучайтириш, моддий ресурсларни ва ақл-идрок қудратини қуролланиш пойгасига сарфлаш одамзотга қарши қаратилган жиноятларнинг энг қабиҳидир" (Ш;9; 8).

Асрда миллийлик ҳислари билан йўғрилган дунёвий дардлар, олабий муаммолар бўй кўрсатади. "Асрга татигулик кун" роман 1980 йилда ёзилган, асар воқеалари ҳам айна шу йиллар атрофида, янаям аниқроғи, 1977 йил ёз фаслининг сўнги кунларидан бирида бўлиб ўтади. Бу ҳақда асарда ишоралар бор, бу ишоралар йиғиндиси эса юқоридаги хулосага келишимиз учун асос бўлди:

"Эдигей билан Казангап турмуш муаммолари ҳақида ... ақли етганча фаросат юргизиб, узоқ суҳбат қуришар, вақт ҳам бемалол эди унда. Ахир қирқ бешинчи йилдан бошланган эди бу суҳбатлар" (Ш;9;19).

"Эдигейнинг жаҳли чиқди:

- Мен сенга айтсам ҳеч балони тушунмас экансан?.. Сенинг бу ерга келганингга энди икки йил бўляпти, биз бўлсак у (Казангап – изоҳ бизники) билан ўттиз икки йил бирга ишлаганмиз" (Ш;9;20).

"Ўша кунлари куз яқинлашиб қолган, оқшомлари анча аёзли эди" (Ш;9;11).

Демак, 1945 йилга яна ўттиз икки йилни қўшсак, 1977 йил келиб чиқади. Кўриниб турибдики, роман айна ўз даври, замонасининг ёзувчи томонидан анланган кемтик ўринлари, ўша давр кишилари руҳияти ҳақидаги замонавий асардир.

"Асрга татигулик кун" романининг ўзига хослиги шундаки, бутун бошли бир умрнинг тўқис манзараси, шу умрга бир неча йил ёндош бўлган инсонларнинг талотўп тақдирлари, тарих қатларидан сабоқли садо бериб эзгуликка ундовчи ривояту афсоналарнинг пухта сюжети, қолаверса, олис коинот қўйнидаги сирли воқеалар – шуларнинг барчаси бир кун – эрталабдан то кечга қадар бўлган вақт оралиғи ипига жуда моҳирона тизилади. Асар номи ҳам шунга ишора қилади: "Асрга татигулик кун". Чиндан ҳам бу кун ўзида ҳаёт мазмуни, тириклик таянчи ҳақидаги залворли ўйлар, олам ва одам тўғрисидаги, инсониятнинг ҳатто ўзи кашф қилган кучли техникалар компютеру мослама билан ҳам барибир руҳият сирлари олдида ожизлиги борасидаги сўнгсиз изтиробларни жамлагани боис аср билан бўйлашгулик қиймат қасб этади. Роман таржимони Асил Рашидов айнан асарнинг сарлавҳасига сўз танлашда ғоят нозик бадиий дид билан ёндашганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Чингиз Айтматовнинг яна бир асари – қозоқ ёзувчиси Мухтор Шохонов билан суҳбат тарзида дунёга келган "Чўққида қолган овчининг оҳи зори (Аср адоғида айтилган истиғфор)" да ҳам "Асрга татигулик кун" ҳақида фикрлар бор. Аммо асар номи таржимонлар Набижон Боқий, Ёқубжон Хўжамбердилар томонидан "Асрни қаритган кун" тарзида берилган. Албатта, бу таржимонларнинг ўзига хос таржима услуби, маҳорати, сўзга ёндашиш иқтидоридан далолат. Негаки, ўзбек китобхонларига ўн йиллардан бери бир ном билан танишу қадрдон бўлган асарни бошқача ном билан аташ ўша таржимоннинг изланувчанлиги, индивидуал таржима услуби борлигини билдиради. Шу ўринда биз ҳам шу ном борасида ўз фикрларимизни айтиб ўтмоқни жоиз деб билдик.

Аввало, "Асрга татигулик кун" борасида. **"Татигулик"** сўзидаги -гулик келаси замон сифатдоши қўшимчасидир. -гулик эскирган, аммо истеъмолдан қолмаган қўшимча бўлиб, унинг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги варианты -(а)йдиган грамматик шаклидир:

татигулик - татийдиган.

Шу сўз таркибида айнан келаси замонга ишора қилувчи қўшимча борлиги сабаб ҳам биз "Асрга татигулик кун" номини маъқуллаймиз. Чунки бу номда нафақат Эдигей Бўрон ва унинг синовларга тўла ҳаёти аксланади, балки агар ҳар бир инсон Эдигей каби мардона, фақат инсоний ўй-хаёллар билан яшай олса, ўтаётган умри ҳақида ўзини бутун борлиққа алоқадор деб билиб, мушоҳада қила олса, асрларга тенглашадиган кунлар кўпаяверади деган илинж, умид яширин. Ёзувчининг асл нияти ҳам шу аслида. У инсониятдан асрга татийдиган кунларнинг кўпини кутади. Зотан, борлик жонзотлари ичра фақат инсонгина ўтмиши, бугунги, эртаси ҳақида ўйлашга, ўзни, ўзлигини, ҳаёт мазмунини англашга, тириклик ва ўлим ҳақида тафаккур қилишга қодирдир.

"Асрни қаритган кун" сарлавҳасида эса "қаритган" сўзидаги -ган ўтган замон сифатдоши қўшимчаси. Ўтган замон, бу дегани содир бўлган, ўтиб кетган. Демак, бу ном фақат Эдигей Бўрон ҳаётигагина тегишли бўлган кун борасида сўзлайди. "Асрга татигулик кун" - бу номда ҳар бир одамзот наслига бериладиган яшаш тилсимини англаш, ўзига ўзи баҳо бериш, инсон каби фикрлаб, инсоний тафаккур қилиш ва кунларида аср кудратини ҳис қилиш имконияти мавжуд.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, инсониятга, қалбларда ҳали тирик эзгуликка, виждонга умид билан қаралган "Асрга татигулик кун" номи "Асрни қаритган кун" сарлавҳасидан кўра асарнинг бош ғоясига кўпроқ мос тушади деб ўйлаймиз.

"Асрга татигулик кун" романига ёзувчи бошқа асарларидан фарқли ўлароқ эпиграф танлаган:

Бул китоб жисму фиғонимдир менинг,

Бу калом жону жаҳонимдир менинг.

Х асрда яшаган грузин шоири Григор Нарикацининг "Мусибатнома" асаридан олинган бу икки мисра романнинг бутун руҳиятига тўла мос тушган. Негаки роман воқеалар тизимидаги ҳар бир лавҳада инсон дарди, қисмат билан олишуви, изтиробу фиғонлари муросасиз тасвирланади. Гўё шу

икки мисра асар воқеалари теграсида парвоз қилгандай, қаҳрамонлар тилию дилида садолангандай бўлади. Бу эса асарнинг бадиий таъсир қудратини янада оширишга хизмат қилган. Ч.Айтматов ушбу романида ҳам ўзига хос ижод усулидан фойдаланган: "Олдинги асарларимда бўлгани каби бу гал ҳам ўтмиш аждодлардан бизга мерос қолган афсоналарга, эртақларга, ривоятларга таянган ҳолда иш тутдим" (III;9;8). Раймали оға ва Найман она ҳақидаги ривоятлар асосий сюжет чизиғига ғоят маҳорат билан уланадики, агар бу ривоятлар асар матнидан олиб ташланадиган бўлса, романнинг салобатли сюжет иморати кунпаякун бўлиши тайиндир. Чунки ёзувчи уларнинг асар ҳодисалари қатига сингдиришга, ўтмиш ва бугун ўртасидаги вобасталикни теран англашга эриша олган. Роман бош воқеалари билан омухталаниб кетган ўтмиш ривоятларнинг мантиғи, таъсир кучи бугунги ҳодисалар фонида янада ортиқроқ аҳамият касб этади.

"Асрга татиғулик кун" романида Ч. Айтматов ўзининг одатий ижод услубидан бир қадар чекинганлигига, янгилик қилганига гувоҳ бўламиз: ".. ёзувчилик тажрибамда биринчи марта фантастик сюжетдан фойдаланишга уриндим" (III;9;8) Асарда Сариўзак, Невада космодромлари, "Паритет" фазовий кемаси, инсоният эришган тараққиётдан анча илгариланган коинотнинг олис бурчагидаги Тўқайтўш сайёраси билан боғлиқ тасвирлар алоҳида сюжет – фантастик воқеликка бирлаштирилган. Албатта, ёзувчининг асосий мақсади фантастик тўқимадан фойдаланиш эмас, балки шу ҳаётий бўлмаган воқеалар орқали заминдаги чинакам аҳволни кўрсатишдан иборат эди. Чингиз Айтматов гарчи бундай сюжет яратишга биринчи бор уринган бўлса ҳам, дебют ҳодиса сифатида ҳеч қандай камчиликка йўл қўйилмаган. Ёзувчи ўз фантастик тўқималарини шу қадар жонли тасвирлайдики, китобхон уларга асл ҳақиқат каби ишонади. Бу эса китобхоннинг асар тасвирларининг бирон ўрнида қоқилмаслигига, романнинг енгил ўқилишига сабаб бўлади.

"Асрга татиғулик кун" романининг асосий воқеалари Сариўзак даштидаги Бўронли бекатда содир бўлади. Бу бекатда Сариўзак даштининг

бор инжиқликларига матонат билан чидаб яшаётган саккизта хонадондан иборат темир йўл ишчиларининг мўжазгина Бўронли қишлоқчаси бор. Асар қаҳрамонлари шу бекатга тақдир тақозоси, қисмат машаққатлари сабаб келиб қолган оддий темир йўл меҳнаткашлари. Уларни шу темир излар бирлаштиради ва шу темир излар ажратади. Ёзувчи яна воқеалар тасвирини баён қилишда ўзига хос бетакрор усулдан фойдаланади, яъни ҳар бир бош лавҳа муқаддимасида қуйидаги жумлаларни келтиради:

"Бу ўлкаларда поездлар машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради..."

Темир йўлнинг иккала томонидан ёвшанзор билан қоплаплан ҳайҳотдай даштлик – Сариўзак, ўртачўл ястаниб ётади". Асарнинг бошидан то охирига қадар 12 ўринда таъкидланган (III;9 :12 , 26 , 54 , 76 , 92 , 105, 116, 186, 202, 241, 261, 282) бу жумлалар роман оҳангини пайдо қилади гўё. Бу оҳангда поезднинг бир маромдаги тарақ-турун ва Сариўзак даштида эсаётган кучли шамолнинг темир изларга уриниб, бўғиқ инграши уйғунлашади. Ва "Асрга татиғулик кун"нинг мунгли мусиқаси пайдо бўлади. Бу куй асарнинг ҳар саҳифасида, ҳар мисрасида, ҳар сўзида садоланиб туради ва китобхон руҳиятини асардаги қаҳрамонлар руҳиятига яқинлаштиради. Бу эса романнинг ўқувчи қалбидан чуқур жой олишига, ундаги ғояларнинг ўқувчи дунёқарашига осон сингишига ва ижодкор туйғуларини тўла англашига ёрдам беради.

Ушбу романнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки, ёзувчи асарни кириш сўз (III;9;7-9) билан бошлаган. "Муаллифдан" номи остида келтирилган бу кириш сўзда Ч.Айтматов ўз асарининг бош ғояси, муаммолар қамрови ва энг муҳими бош қаҳрамон билан таништиради: "Эдигей Бўронни давримизнинг чарки олам меҳварига – ўзимни ҳаяжонга солаётган муаммоларнинг марказига қўйиб тасвирлашга интилдим" (III;9;7). Кўриб турганимиздек, муаллиф асар бош қаҳрамони сифатида Эдигей Бўрон образини таъкидлаган. Биз эса бош қаҳрамонга қўйилган талаблар доирасида бу таъкиднинг нечоғлик тўғри эканлигини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Эдигей Бўрон образи. Донишмандлар чинакам бахтга элтувчи йўл битта, у ҳам бўлса, меҳнат йўли эканлигини таъкидлашган. "Асрга татигулик кун"да ана шу меҳнат йўлининг захматкаш йўловчилари кадр-киммат, бахт изловчилари бўлган инсонлар тақдири ёритилган. Жумладан, Эдигей Жонгелдин. Асарнинг дастлабки тасвирларида олтмиш бир ёшга кирган бўлса ҳам, хали анча бардам, умрининг ўттиз икки йили, ўттиз икки баҳору қиш билан яйдоқ дашту темир излар ҳукмрон бекатга аччиғу ширин хотиралар билан боғланган, ҳаётини меҳнатдан айро тасаввур қилолмайдиган оддий темир йўл ишчиси сифатида бўй кўрсатади. Китобхон бу ўринда "ёзувчи олтмишдан ошган чол билан нима каромат кўрсатмоқчи" деган ўйга бориши ҳам мумкин. Аммо ёзувчи каромат кўрсата олади. Бу каромат олтмиш бир ёшли чолнинг хотиралари, ўтмиш сабоқлари, бошдан кечирган кечмишни китобхон кўз олдида гавдалантириш, хулосани ўқувчи ҳаддида қолдиришда эди. Воқеалар ибтидосидаёқ Эдигей тақдир тухфа қилган ноёб инсон – ҳақиқий, чин маънодаги дўсти, қалбини, фикрларини тушуна оладиган, дунёқарашини ҳурмат қиладиган маслакдоши Казангапдан доим музаффар ўлим сабаб ажралади. У то ўлим ажратмагунча дўстлик садоқатини доғ туширмай сақлаган бебаҳо дўст эди. Эдигей Казангапни васиятига кўра Она Байит қабристонига дафн қилмоқчи бўлади. Дафн маросими сабаб Она Байитга томон бошланган йўл – Эдигейнинг хотира йўлига айланади. Чунки у йўл давомида бутун умрини, изтиробу қувончларини эсга олади. Айни шу хотиралар сабаб асар сюжети тикланади. Эдигей олтмиш йиллик хотирани ағдар-тўнтар қилиб, топганлари ва йўқотганлари ҳақида ҳосил қилган хулосалари асар мағзининг тўқлашишига олиб келади. Ўқувчи бу кечмиш лавҳаларидан зерикмайди, балки инсон ҳаётидаги ҳар бир ҳодиса олий мақсад - ўзикни англаш сари берилган тақдир турткиси эканлигини англайди. Эдигей Бўрон характериға хотиралар турфа чизгилар тортади. Унда виждонли ватанпарвар, ишчи, жангчи, меҳрибон эр, қуюнчак ота, муносиб дўст, таъмасиз ошиқ ва эътиқодида собит шахс характерлари умумлашадию, китобхон кўз олдида ҳақиқий Инсон сиймоси гавдаланади.

Денгиз билан сирлашиб, тўлқинлар билан тиллашиб, Орол бўйида улғайган Эдигей Жонгелдин урушга кетиб, фронтдан контузия касалига учраб қайтади. Қадрдон заминида тақдир уни иккинчи зарба фарзанд доғи билан кутиб олади. Урушнинг ҳақиқий даҳшатини жанггоҳда эмас, ундан анча олис уйда туяди. Ҳам жисми, ҳам қалби хасталанган Эдигей хотини Уккубола билан Оролдан кетишади. Қисмат уларни Казангап билан тўкнаштирадию олис Сариўзак сари бошлайди. Улар ҳаётини яйдоқ даштда синовларга қасама-қасд қайта қуришади, яшаш учун кураш йўлида бир қадам ҳам ортга чекинишмайди. Эдигей баъзилар бир йил ҳам бардош беролмайдиган Сариўзакнинг аёвсиз жазирамасию шафқатсиз қаҳратонида бахтини топади, умр мазмунини англайди, ўзини инсон сифатида қайта кашф этади. Қозоғистоннинг олис бурчагидаги биёбонда, шамолу бўронлар ҳукмрон бекатда поездларнинг батартиб катновини таъминлаётганидан, айнан у сабаб темир ғилдираклар манзил сари бир маромда йўл олаётганидан фахрланади. Бу ишни дунёдаги энг олижаноб, шу билан бирга энг заҳматли иш деб билади. Негаки, "Сариўзак даштларида ишлайдиган одамнинг жони мингта бўлиши керак. Бўлмаса шўри қурийди" (Ш;9;16). Эдигей эса жонини мингта қилолган, даштга, унинг бор инжиқликларига кўника олган инсон эди. Шу сабаб у Бўронлини ватан қилди, шу ерга илдиз отди. У ўз ишини шунчаки эмас, балки виждонан амалга оширадиган ўта ҳалол темир йўл ишчиси эди. Меҳнатдан қочмагани, тирикликни таъминловчи қудратни меҳнатда деб билгани учун у оддий ишчи Эдигей Жонгелдиндан Эдигей Бўронга айланади. Бу ном унга, биринчидан, табиатининг бўрондек бўйсунмас, танлаган йўлида, дунёқарашда ғоятда собит эканлиги учун , иккинчидан эса Бўронли бекатига содиқ қолгани учун берилган эди.

Эдигей образига хос характернинг тўла намоён бўлишини Абутолиб Қуттибоев ва унинг оиласи билан боғлиқ воқеалар силсиласида кўриш мумкин. Уруш йиллари асирга тушиб, ягона бир имкон эвазига концлагердан қочишга эришган ва то уруш якунига қадар югослав партизанлари сафида жанг қилгани учун ватанига қайтган Абутолибни совет ҳукумати урушда

асир тушган аскар сифатидагина қабул қилди, холос. Натижада, у собиқ касби муаллимликни ҳам давом эттиролмади. Урушнинг ўзи тугаган бўлса ҳам, унинг совуқ нафаси ҳамон ҳукмрон эди. Шу совуқ нафасдан қочиб у хотини, икки боласи билан Бўронлига келади. Абутолиб тақдири қанчалар машаққатли бўлмасин оғринмаслиги, ўзини оиласидан айро мутлақо тасаввур қилолмаслиги, болаларининг лаҳзалик қувончи учун жониданда кечишга тайёрлиги билан Эдигей дунёқарашларига таъсир кўрсатади. У Эдигей учун чинакам оилапарвар инсон эди. Аммо тақдирнинг узун қўллари Сариўзак даштига ҳам етди. Болаларининг маърифатли, миллий анъаналар руҳида тарбияланиши учун қозоқ фольклорига оид ривоятлар афсоналарни, қўшиғу эртакларни йиғган, бундан ташқари бошидан кечирган бор воқеаларни асл рангича қоғозга кўчираётган Абдутолиб бошига шу ёзувлар бало бўлади. Уни шу хотиралари учун қамоққа олиб кетишади. Асарда Эдигейнинг Абутолибни ҳимоя қилиш учун терговчига қарата айтган гаплари Эдигей руҳий оламини англашда муҳим аҳамиятга эга: ".. Сен айтяпсанки душманлик руҳидаги хотиралар деб. Буни қандай тушунса бўлади? Хотира душманлик ёки нодушманлик руҳида ҳам бўлиши мумкинми? Менимча, одам аллақачон ўтиб кетган воқеаларни қаерда, қачон, қандай содир бўлганлигини хотирлайди. Ёки бундан чиқди, яхши нарсаларни эслаш керагу ёмон, нохуш нарсаларни эса унутиш керак демоқчимисан. Бунақаси ҳеч қачон бўлмаган бўлса керак" (III;9;156) Бу виждон тафти билан ёнган жумлалар Эдигейнинг ўша давр сиёсати, шахсга, шахс хотирасига қаратилган жирканч сиёсати ва "ана бу кунингни эслашинг мумкин, мана кунингни эса унутасан" деган беъмани, ақлга малол талабларига қарши исёни эди. Демак, Эдигей тузум талаби билан эмас, балки виждон, эътиқод талаби билан яшайдиган инсондир.

Эдигей Бўрон характерининг ёрқин чизиқларидан бири одамларга бўлган ҳаётга, тирикликка бўлган муҳаббатдир. Ундаги шу олий севгининг оташга айланишида эса Зарифага нисбатан қалбида илдиз отиб, руҳияти қадар кўтарилган чинакам севги боис бўлди. Эдигей Зарифани, унинг

болаларини жони қадар яхши кўриб қолгани учун виждони қийналади. Чунки у севиб қолган аёл ўз дўсти, ҳамкасбининг беваси эди. Аммо "асл муҳаббат оғир келади" (Ш;11;227). Ҳа, Эдигей қалбидаги ишқ чин мушкулот эди. У "Зарифага ҳам дардини очиқ-ойдин айтолмас, Уккуболани ҳам ташлаб кетолмасди?" (Ш;9;204) Эдигей ошиқ дарди ва эрлик бурчи, оталик масъулияти оловининг ўртасида изтироб чекади: "Ўшанда ўзини-ўзи энг охирги сўзлар билан *сўха* бошлади: Ҳайвонсан! Туянг ҳам, ўзинг ҳам ҳайвонсан! Аблах! Ит! Мияси айниган!" (Ш;9;204) Лекин у Эдигей эди. Ҳаётга шунчаки юзаки қарайдиган инсон эмас эди. Китобхонга Эдигейнинг оилали, хотини, болалари бор эрнинг, отанинг бошқа бир аёлга кўнгил боғлаши, севги азобида ўртаниши эриш туюлар, эҳтимол. Аммо бу севгининг мақсади ўзгача эди. Эдигей ўз муҳаббати билан етим қолган болаларнинг ўксик қалбини қувнатмоқчи, уларга шодликларини қайтармоқчи, маъсум, бегуноҳ бир аёлга тиргак бўлмоқчи, шу билан тақдир азоблаган бир оиланинг бахтини асраб қолмоқчи эди. Шу сабаб Эдигейнинг Зарифага бўлган муҳаббати аслида ҳаётга, яшашга, бахту саодатга бўлган севги эди деб айта оламиз. Шундай муҳаббатни ҳис қилган қалб эса инсонийликнинг теран туйғуларини туймоққа қодир олижаноб қалбдир.

Эдигей миллатини, халқини, миллий анъанаю урф-одатларни, асрий қадриятларни бениҳоя ҳурмат қиладиган, улар билан фахрланадиган ҳақиқий юрт фарзанди. У ватанини жаннатмакон гўшаларда эмас, балки олис, инсон яшаши мумкин бўлмаган – ёзда куйдириб жизғанақ қилувчи жазирама, қишда эса бешафқат қаҳратон совуқ, қорли бўронлар ҳукмронлик қилган темир йўл бекати – Бўронлида яшаб, поездларгина тинчини бузмоққа қодир поёнсиз Сариўзак дашти тимсолида севарди, беғубор бетаъма севарди. У учун ватаннинг ўзи мавжуд бўлган бугунигина эмас, балки ривояту афсоналарнинг сирли қатларида яшаб келаётган ўтмиши, кечмиш-кечирмиши ҳам ғоят қадрли эди. Шу сабаб у юрт тарихининг бир бўлаги бўлган Она Байит қабристонини тақдирдан чинакамига ташвишга тушади. Узоқ йўл юриб, Казангапнинг сўнгги васиятини адо қилиш истагида Она

Байит томон келган Эдигейни баланд симтўсиқлар қарши олади. Бизнингча, симтўсиқ – бу рамз, миллатни мингйиллик тарихидан, миллий ўзлик асоси бўлган кадрияту маросимлардан мосуво қилиш, ажратиш рамзи. Шўро ҳукумати ўз мустабидона сиёсатининг кутилган натижага эришиши учун танлаган энг қабих усули маҳаллий аҳолини тарихи, дини, муқаддас қадамжолари, эътиқод қўйган бари-бари нарсасидан маҳрум қилиш билан замонавий манқуртларни тарбияламоқни кўзлаган эди. Эдигей эса Она Байит қабристонининг шунчаки янги микрорайон қурилиши учун тугатилмаётгани (аждоқлар хоки, хотираси узра авлоқларнинг ўз машиатлари учун бино солмоқлари – қандайин даҳшат, қиёссиз қиёмат бу!), балки ўша сиёсат кўзда тутганларининг амалга ошиши учун изчил ҳаракат эканини тушунади. Она Байитдан ажралиш, дўстини васият қилган мазорига эмас, Малақумдичоп жарлигидаги бир тепаликка дафн қилишгани уни изтиробга солади: "Найман Она ором олаётган табаррук қабристонимиздан бундан буён маҳрум этилганимиз учун суягим қакшайди" (Ш;9;273). Аммо у таслим бўлмади, Қазангап руҳига сўз беради: "Сени Она Байитга дафн этолмаганимиз учун биз айбдор эмасмиз. Аммо хафа бўлма, бу ишни мен шундайлигича қолдирмайман. Қаерга бориш лозим бўлса, бораман. Кўзим тирик экан, жим турмайман. Айтадиганимни айтаман уларга!" (Ш;9;275) Асарнинг бутун руҳияти мана шу сўзлар туфайли кўтарилади. Китобхон миллатни асраш, унинг сабоқбергич тарихини авайлашга қодир инсон борлигидан, демакки, ҳаммаси яхши бўлиши учун умид устғончанидан ёруғлик туяди. Эдигей Бўронга ўхшаш эътиқодида собит, сўзда эмас, амалда ватанпарвар ҳақиқий Инсонлар бор экан, миллат ҳам, тарих ҳам яшайди – уни ҳеч ким, ҳеч қандай куч йўқотиб ташлолмайди – асар ана шундай ёруғ ишонч, сўнмас умид билан ниҳояланади.

Бадиий адабиёт – кўркам сўз санъати буюк бир қудратга эгаки, қирғинбарот урушнинг бор даҳшати, бор изтиробию алами, кечиш йўсинини оддий бир жангчи тимсолида (қўмондон, генерал ёки давлат бошлиғи эмас) бенуқсон тасвирлай олади. Адабиётнинг айни шу қудрати "Асрга татигулик

кун" романида ҳам намоён бўлади. Ёзувчи Ч. Айтматов асардаги турфа муаммолар – коинотнинг чексиз сарҳадларидаги ғайризаминий тараққиётнинг кашф этилиши, заминдаги чек-чекарасиз худбинликлар, хиёнатлар, урушлару қирғинлар, инсоннинг инсон томонидан маҳв этилиши (Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди, аммо одам одамга чоҳ қазийди – қарғачалик оқибат қолмадимикан инсониятда?!), инсоний курашларда нафақат инсон умри, ҳаёти, балки хотираси, ўзлиги ҳам қурбон бўлаётганлиги - умуман бутун Ер курраси титраётган барқарорлик ва баркамолликка қарши зиддиятларни дунёнинг овлоқ бурчагидаги оддий темир йўл ишчиси Эдигей Бўрон образи орқали тасвирлайди. Асарда тилга олинган барча заминий ва самовий муаммолар шу образ тақдирига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади:

II жаҳон уруши – уни тўнғич фарзанди – ўғлидан ажратди, контузия касалига дучор қилиб, қисматини олис Сариўзакка етаклади.

Урушдан кейинги 50-йилларда Ўрта Осиё зиёлилари тақдирида қиёмат кўптирган иккинчи қатағон даври – Эдигей дўсти, ҳавас қилган инсони Абутолибдан ажралди. Бурч, масъулият ва меҳр сабаб яралган севгисини армон билан қалбига кўмди.

Совет -Америка давлатларининг қўшма лойиҳаси бўлган "Паритет" фазовий кемаси, "Сариўзак-I" космодроми – олам ва одам ҳақидаги дунёқарашини кенгайтди. Космодром сабаб тугатилган лойиҳага тушган Ватан тарихининг бир саҳифаси – Она Байит қабристонини ва Найман Она билан боғлиқ ривоятни асраб қолиш ва эътиқодидан тоймаслик учун курашга чоғланади.

Ёзувчи бу орқали заминдаги ҳар бир ҳодисанинг бошқаси билан узвий боғлиқлиги, тасодиф деб ўйланган ҳар қандай нарсанинг ўз сабаб, важи борлигини, дунёнинг у бурчагида содир бўлган бир воқеа дунёнинг бу бурчагидаги инсон тақдирини кескин ўзгартириб юбориши мумкинлигини исботлаб берган. Шундай экан, ҳар бир инсон ўзини бутун замин тақдирига

дахлдор ҳис қилмоғи, қилаётган иши ва ўйлаган ўйида шу дахлдорлик масъулияти аксланиши даркор.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирадиган бўлсак Эдигей Бўрон образи асарнинг бош қаҳрамони даражасига муносиб эканлигига ишонч ҳосил қиламиз:

Биринчидан, Эдигей Бўрон "Асрга татиғулик кун" романида воқеаларида бошдан охирига қадар иштирок қилади.

Иккинчидан, асарнинг бош ғояси айна шу образ воситасида ҳаракат қилади.

Учинчидан, Эдигей Бўрон романдаги бошқа образлар тақдирига дахлдор образ.

Тўртинчидан, у асардаги сюжет чизиқлари боғлиқлигини, яхлитлигини таъминловчи образ.

Бешинчидан, романнинг асосий воқеалари айнан Эдигей Бўрон иштирокида содир бўлади.

Демак, бош қаҳрамонга қўйилган талабларни тўла қонли бажара олгани учун ҳам Эдигей Бўрон образини "Асрга татиғулик кун" романининг бош қаҳрамони сифатида эътироф қилишга ҳақлимиз.

Казангап образи. "Асрга татиғулик кун" романининг ибтидо саҳифаларидаёқ китобхон "бечора Казангап чол" (III;9;13)нинг вафот этгани ҳақидаги сатрларни ўқийди. Асарга вафоти муносабати билан кириб келган бу образ кейинги саҳифалардаги воқеалар – хотиралар силсиласида романнинг ғояси, асосий сюжет чизиғи учун ғоят муҳим аҳамият касб қилади. Буни Эдигейнинг ўлим хабарини олиб келган аёли Уккуболага тайинлаган гапларидан ҳам илғаш мумкин: "Ҳаммани бирма-бир уйғотиб чик. Деразаларини тақиллат. У ёғи-у ёғи – саккиз хонадонмиз – бармоқ билан санарли.. Ҳаммасини уйғот. Бунақа одам ўлганда зеч ким ухламаслиги керак. Ҳаммани оёққа турғаз" (III;9;14). Демак, Казангап ёруғ дунёга шунчаки келиб кетган эмас. Ўлимнинг ким учундир оғир жудоликка айланиши бу оламда ўз ўрнинга эга бўлганидан далолатдир. Казангап Эдигей Бўрон

учун ғоят кадрли, қалбини сўзсиз тушуна олгувчи чинакам кадрдон дўст эди. Улар фақат туялар яшашинигина тасаввур қилиб бўладиган ёвшанзор, хайхотдек даштлик Сариўзақда инсоннинг чексиз матонати, жасорати тимсоли бўлиб, ўттиз икки йил бирга баҳамжихат яшашди, темир йўл ишчиси сифатида вазибаларини ҳалол, виждонан бажаришди, хаёт мазмуни, тириклик асоси, олам ва одам ҳақида фикр юритишди, суҳбатлашишди. Ана шу суҳбатлар асносида бир-бирини қайта кашф қилишди, руҳан, фикран яқин бўлиб қолишди. Шу сабаб Казангап Эдигей учун “ўнта одамга алишмас” даражада қимматли эди. Казангап табиатнинг бор инжиқликларини бағрига яширган Бўронли бекатида қирқ тўрт йил ишлаган ягона инсон эди. Одамлар икки-уч , ошиб борса тўрт йил яшаб, ишлай оладиган серғазаб Бўронлида қирқ тўрт йил муқим, ҳеч нимадан нолимай яшагани, оғир захматдан қочмай ишлагани учун унга ҳеч ким миннатдорчилик билдирмади, давлат эса унинг ҳақиқий хизматларини мукофотламади. Қирқ тўрт йил бутун жамиятдаги инсонларнинг равон сафари учун темир билан тиллашиб ишлаган, поездлар бир лаҳзага бўлсин тўхтаб қолмасин, манзилига омон - эсон етиб олсин деб хизмат қилган чинакам меҳнаткаш одам вафотини фақат саккиз хонадон – Бўронлининг мўжаз қишлоқча аҳлигина мотам деб қабул қилди. Шу кичик жамоа ичида ҳам биргина Эдигей учун бу мотам ҳақиқий қайғу, аччиқ жудолик эди. Поездлар эса темир ғилдирақларининг туртинмай, қоқинмай ҳаракат қилиши учун жонини жабборга бериб, тун-кун меҳнат қилган темир йўл ишчисининг бу ёруғ оламини тарк этиши улар учун ҳеч нимани ўзгартирмаслигини билдираётгандек мағрибдан машриққа, машриқдан-мағрибга судралар эди. Бунда қандайдир адолатсизлик бордек. Ахир, бутун бир қисмат йўқликка юз тутмоқда. У нима учун, ким учун шунчалар азоб чекиб, дунёнинг роҳатларидан, салқин жой, мевазор боғларидан воз кечиб ишлади?! Масаланинг моҳияти ҳам шунда. Казангап обрў учун, мавқе учун, мукофоту ташаккурномалар учун ишламади. У ўзи учун, виждони учун, ўзлигини англаши учун ёзда кумқайнар даштда меҳнат қилди. Чунки, "сиртдан қараганда, Казангапнинг бошқалардан фарқланадиган ортиқ жойи

йўқ, аксинча, оддий киши эди; бу оддийлик замирида эса оғир ҳаёт тажрибаси – донолик мужассамлашган" (III;9;62) эди.

Казангап ўз ҳаётий эътиқодларидан тоймайдиган, собит характерга эга образ. Айни шу собитлик сабаб у Сариўзак даштини ватан тутди – шўро тузумининг халқ тақдирида оғир из бўлиб қолган қулоқлаштириш сиёсати туфайли сургун қилинган отасини синфий душман деб таъкидлашни ва бу отадан воз кечишни талаб қилишади, Казангап эса ўз отасини душман деб билиб, юз ўгиришдек иснодга қолмаслик учун туғилган макони – Орол бўйини тарк этади. У виждонига, эътиқодига хиёнат қилмайди. Кейинчалик ҳаммаси изига тушганда ҳам отасини сотган, ўзини хўрлаган кимсалар билан бир овулда яшаб, юз кўришиб юришни ўзига эп кўрмай қайтмайди. У йўқотган бахти, тинчлиги, ҳурмат-эътибори учун шамоллар дайдигап, куп-қуруқ даштда курашади. Уни Бўронли бекатига тушовлаб қўйган ягона сабаб шу эди.

Казангап ўз дунёқараши, тафаккури билан Эдигей тақдирида муҳим рол ўйнайди. Эдигейни Бўронлига ишга таклиф қилгани учун унинг қисматига ўзини масъул деб билади. Бу унинг инсоний қиёфасини кўрсатувчи яна бир исботдир. Казангап Эдигейга соғин бия Оқбош ва унинг бўғалоғини ҳадя қилади. Казангап шу ҳадяси билан Эдигейнинг урушда орттирган дардига малҳам бўлади. Йиллар ўтиб ўша бўталок Сариўзакнинг донгдор туяси – машҳур Қоранор бўлиб етишади. Қоранорнинг суратини олиш учун пойтахтдан келган меҳмонлар – фотомухбирлар доврасида Эдигей ноҳос бир гап айтади: "Ростини айтиб қўя қол, Казаке, Қоранорни бўталоклигида менга тортиқ қилганингга роса ичинг ачишаётган бўлса керак-а?"

Казангап унга қараб, мийиғида кулиб қўйди. Афтидан бу гапни кутмаган эди. Бир оз сукут сақлаб деди:

- Ҳаммамиз ҳам инсонмиз-ку. Билсанг агар, ота-бободан қолган бир удум бор: Мол эгаси худойдан, дейишган. Буюрганники бўлади. Қоранор

сенга буюрган экан... Худо ёрлақаб, юз йил хизматингни этсин. Бироқ ҳалиги гапингни иккинчи маротаба тилга олма..." (Ш;9;75)

Казангапнинг ҳеч қандай жимжималарсиз оддий сўзларида соф ҳасаду иккиюзламачиликларга бегона қалби аксланади. Ёзувчи Казангап образи орқали содда қозоқ халқининг, кўйингки, умумтуркий менталитетнинг ўзига хос қиёфасини яратган. Бу образ ҳам содда, ҳам беғубор, ҳам доно, чинакам ҳаёт билимдони, ҳам қалбшунос инсон характерини ўзида мужассамлаштиради. Эдигейнинг энг оғир дамларида – Зарифа Сарийўзакни тарк этганида биргина инсон – Казангапгина унга одил йўлни кўрсатади, ўзини ўзи бошқаришни ўргатади. Чунки Казингапнинг ўзи ўзлигини англаган инсон эди. У қозоқ миллатининг чин фарзанди сифатида миллат тарихини яхши билар, ўтмишдан сўзловчи афсонаю ривоятларни миллий кадрият намуналари дея кадрлар эди. Умуман олганда, Казангап миллатнинг бор ижобий хислатларини ўзида жам эттира олган миллий образ сифатида таҳсинга лойиқдир.

Хўш, у шу қадар ёрқин тасвирга эга экан, нега асар бошида ўқувчига бечора "Казангап чол" дея таништирилди? Чунки у ҳам ўз қисмати олдида ожиз. Унинг бечоралиги сабаби фарзандларини ўзи орзу қилган даражада кўра олмаганидир, ўғли Собитжонни "ўқисин, ўргансин, одам бўлсин" деб жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Аммо "тиргак бўлади" деган умид билан улғайтирилган ўғил ота дунёқарашларини тушунмади, эътиқодини ҳурмат қилмади, англамади. Қизи Ойзода эса ароқхўр эри билан бахтсиз ҳаёт кечиряпти. Ана шу эди доно, ҳалол, виждонли ишчи Казангапнинг бечоралиги. У дўст сифатида, темир йўл ишчиси сифатида, инсон сифатида ҳурматга лойиқ, аммо ота сифатида бахтиёр эмас. Бу чорадаги фикрларимизни Собитжон образи таҳлили мобайнида давом эттирамиз.

Казангап образининг юқорида келтирилган умумий таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, уни "Асрга татигулик кун" романининг асосий образларидан бири деб баҳолаймиз. Аммо унга бош қаҳрамон даражасини бера олмаймиз. Гарчи унинг асар воқеаларидаги иштироки салмоқли даражада бўлса ҳам,

роман ҳодисалари унинг атрофида юз бермайди. Романдаги бошқа образлар тақдирига ҳам бевосита алоқадор эмас. Ва асар композицияси яхлитлигини ҳам таъминлай олмайди. Романнинг бош ғояси ўзак фикри ҳам у билан эмас, балки Эдигей Бўрон орқали ҳаракатланди. Демак, Казангап роман воқеалари ва бош қаҳрамон тақтирида муҳим ўрин тутувчи иккинчи даражали образдир.

Уккубола образи. "Асрга татиғулик кун" романида Эдигей Бўроннинг хотини сифатида тасвирланган бу образда эрининг саломатлиги учун ўзидан кечган вафодор жуфт, ҳаётнинг қанчадан-қанча аччиқ-чучукларини чурк этмай бирга тотиб келган захматкаш аёл тимсоли гавдаланади. Романнинг бошида Казангапнинг вафоти хабарини эрига етказиш учун шошиб-пишиб келган Уккуболанинг Эдигей назари билан портрети чизилади: "..кўкариб-қорайиб кетган юзларидаги чуқур ажинлар яққол кўзга ташланади (илгари қанақа эди – қорамағиз юзлари буғдой рангида товланар, қоп-қора кўзлари чакнаб турар эди), яна бунинг устига гуручдай тишлари тушиб кетибди, ҳар қанча ёшини яшаб, ошини ошаган бўлса ҳам, аёл кишининг тишсиз қолиши ярашмас экан.., булар ҳам етмагандай рўмоли елкасига сирғалиб тушган бояқишнинг оппоқ оқариб, тўзиб кетган сочлари Эдигей қалбини ўртаб юборди" (III;9;13). Бу тасвирда эрининг, бутун борлигини атаган инсоннинг соғ-саломат ёнида юриши учун мингта жони бўлганларгина яшаб кетиши мумкин бўлган қаҳри қаттиқ Сариўзак даштида ўттиз икки йилдан бери бир бора нолимай захмат чекиб келаётган матонат соҳибасини кўриш мумкин. Уккубола чинакам рафиқа, ҳақиқий турмуш ўртоқ эди. Ҳаётнинг барча аччиқ, аёвсиз синовларига бардош берган, тўнғич дилбандидан айрилиб қолган, урушнинг бор машаққатини ҳис қилиб, садоқат билан эрини кутган, урушдан контузия дардига мубтало бўлиб, яримжонга айланиб қайтган эрининг соғайиб кетиши учун жонини жабборга бериб, аёл эканлигини – табиатнинг гулдан нозик хилқати эканлигини унутиб меҳнат қилган, шу азоблари сабаб, азобли меҳнатлари сабаб Оролда дарз кетган оиласини олис Сариўзақда, Бўронли бекатда қайта қурган, бахтини қайта йўргаклаган чин оилапарвар аёл эди. Эдигей эса аёлидаги матонатни, сабру қаноатни кўриб

хайратга тушар, фақат уни дея тер тўкаётган аёли олдида ўзини жудаям бурчли ҳис қиларди. Уккубола ўз кучи, қалби билан оиласи кўрғонини бутлай олган аёлдир. Бу образ тасвирида ёзувчи Ч.Айтматовнинг аёл психологияси, аёл қалби, аёл дардини қанчалар чуқур билгани ва уни ўз холича, ортиқча бўёқларсиз, табиий етказиб берганини кўриш мумкин. Айниқса, эрининг, умр йўлдошининг бошқа бир аёлга кўнгил қўйиб қолганини сезган эса-да, сир бой бермай, бир оғиз гапирмай дардини ичга юта олган Уккубола характери ғоят бетакрордир. Адиб бирон ўринда Уккуболанинг Эдигей Зарифани яхши кўриб қолганини сезганига очик ишора қилмайди, фақат воқеаларни шундай тасвир қиладики, ўқувчи Уккубола бу сирни билганига шубҳаланмайди. Негаки, эрининг қандай ўйлашигача олдиндан айта олишга қодир, жуфтини, унинг кўнглини жуда яхши ҳис қилган Уккуболанинг бу ҳолдан хабар топмаслиги мумкин ҳам эмас эди. Аммо у шунчалар вазмин ҳаракат қиладики, натижада ҳеч нима ўз жойини ўзгартирмайди. Гулдай ёшлигини бағишлаган, кимсасиз даштда эрини деб қора меҳнат қилган аёлнинг ўзи ўрнида бошқа биров пайдо бўлганини сезиши ва шу сезим билан яшаши қанчалар оғриқли, қанчалар мудҳиш?! Аммо Уккубола барини жимгина ичга ютади, сабр қилади, тақдирнинг бунчалар улкан сабрга кучи етмай, унга фақат ўзигагина тегишли бўлган бахтини қайтиб беради. Зотан, бундан ўзгача бўлса, адолат мезони бузилар, вафою садоқат чўпчакка айланар эди. Уккубола ҳақида асарнинг бир ўрнида Казангап Зарифанинг қишлоқчадан кетиб қолганини эшитиб, тумтайган Эдигейга шундай дейди: "Уккуболадай аёлни бир умр излаб тополмайсан. Унинг ўрнида бошқа биров бўлганда таъзирингни шундай бериб қўярдики, Қоранордан олдинроқ дунёнинг нариги бурчагига бош олиб кетишга мажбур бўлардинг.." (III;9;225). Уккуболага берилган бу соддагина таъриф унинг характериға тўла мос тушади. Уккубола образида сайқалланган аёл характери ифодаланади. Бу образнинг она сифатидаги акси ҳам таъриф талқинларда эмас, шунчаки ҳаракат ва сўзларда жонли ифода қилинади.

Мана, бир мисол: "Уккубола югуриб уйдан чикди, у болалари билан кучоклашиб, йиглаб, ўпишиб кўришаркан, тинмай жаврарди:

- Ўзингга шукр, эгам! Айни вақтида келдиларинг! Оталаринг қанчалар хурсанд бўлади. Қандай яхши, ҳаммаларинг йиғилиб келибсизлар! Оталаринг қанчалар хурсанд бўлади!" (Ш;9;282) Мана шу лавҳанинг ўзидаёқ она меҳрини, она қувончию она бахтини тўла ҳис қилиш мумкин. Умуман олганда, Уккубола образи ҳақиқий аёл, рафиқа, она характерларининг омухта аксидир.

Уккубола образига бош қаҳрамон муаммоси юзасидан ёндашадиган бўлсак, гарчи у асарнинг бошидан охирига қадар иштирок қилган эса-да, воқеалар суръати унга боғлиқ эмас. Қолаверса, бу образ асарнинг бош ғояси ҳаракатида фаол эмас. Шу сабабларга кўра уни Эдигей Бўрон қисматида муҳим ўрин тутган иккинчи даражали образ сифатида баҳоладик.

Зарифа образи. Бу образ романга Абутолиб Қуттибоев сюжет тармоқчасида унинг рафиқаси сифатида кириб келади. Зарифа образида ҳам ўзига хос характер намоён бўлади. У авваламбор журъатли аёл. Негаки, дунёни даҳшатга солиб, тинч ҳаётни изидан чиқарган II жаҳон урушида биринчилар қатори қатнашган, аммо омади келмай душман кўлига асирга тушган, кейинчалик концлагердан қочиб, Югославия партизанлари сафида жанг қилиб, мукофотланиб, ватанига қайтган йигитга турмушга чиқиш учун қатъият керак эди. Нега, ахир, шундай инсон рафиқасига айланиш бахт-ку, деб ўйлаш мумкин. Аммо Абутолиб қаттол жангда жон олиб, жон бериб юрт учун курашган бўлса ҳам, у асирга тушган, душман лагерида бўлган эди. Ўша пайтда Сталиннинг "Асирга тушган аскар биздан эмас" деган мазмундаги фармонига кўра асирликдан қайтганларга совуқ муносабатда бўлишар, доимий шубҳа, кузатув остида қарашар, қулай фурсат бўлганда қамоққа ҳукм қилишарди. Уларнинг бор-йўқ айби шу ватан деб жангда бўлгани ва ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда асирга тушгани, энг ёмони, асирликдан омон қайтгани эди. Зарифа эса ана шулардан кўркмай Абутолибни танлади. Бу қарори учун қариндошлари ундан воз кечишади.

Икковлари ҳам муаллим эди, улар бахтли ҳаёт бошлаган эдилар. Аммо бу бахт замона сиёсатининг совуқ елига мубтало бўлади. Абутолиб муаллимликдан ҳайдалади. Бошқа жойга ишга кирганда ҳам шу ҳол такрорланаверади. Абутолиб ўтмиш учун жазоланаётган эди. Эрини ҳар қандай вазиятда қўллаб-қувватлаган Зарифа далдаси билан бу ёш оила Сариўзак даштидаги Бўронли бекатига келиб қолишади. Бу ернинг оғир шароити ҳам, сабр косани тўлдирувчи меҳнати ҳам садоқатли эр-хотинни ҳайқитирмайди. Чунки "иккаласи жабру жафоларга бардош берган ҳолда турмуш маъносини бир-бирларига меҳрибонлик қилишда, ардоқлашда, тотувликда ва ғамхўрликда кўрдилар. Улар ана шу биргина туйғу билан яшаб, шу туйғу туфайли бир-бирларини ва фарзандларини ҳаёт қуюнларидан ҳимоя қилиб, жон сақлаб келган эдилар" (III;9;94).

Зарифа – матонатли аёл. У эри ва болалари – жонажон оиласи учун ҳар қандай машаққатга тайёр, улар учун ҳатто жонини ҳам аямас эди. Чунки эри унга уйлангани учун, дарбадар умр кечираётганлари учун, сокин, бежавотир ҳаёт бера олмагани учун виждони қийиналишини асло истамайди. Шу сабаб хотин эрини, эр хотинини аяйди. Уларнинг оиласидаги ҳавас қилгулик тотувлик айниқса "Сариўзакка бахт кулиб боққан" (III;9;128) кун – жала қуйган кун тасвирида ифодаланади. Бутун оила кутилмаган совға сифат ёғиб берган ёмғир остида шодланишиб, қўл ушлашиб қувнашар, қийқиришар эди. Оиласига чегараланган фурсатга бўлса-да бахт, саодат олиб келган ёмғир остида Зарифа йиғлайди. Бу кўзёшлар муштипар аёлнинг бахтга шукронаси эди. Аммо бу бахт ҳам, бу қувонч ҳам ўткинчи эди. Адиб шу ўринда асарга туш – Эдигейнинг туши лавҳасини олиб киради. Эдигей тушида урҳо-ур жанг манзарасини ва ёмғир остида тинмай кулаётган Зарифани кўради. Шу туш орқали ёзувчи китобхонни фожиага бир қадар тайёрлайди. Тушдаги кулгу таъбири ёмон бўлгани боис ҳам ўқувчи воқеалар ривожининг кескинлашишини ҳис қилади. Рўй бериши кутилган фожиа бу Абутолибнинг қамоққа олиб кетилиши ва ўлими эди. Зарифа эрига содиқ аёл сифатида бу чўнг қайғудан куйиб адо бўлса ҳам, болалари тақдирига масъул жонкуяр она

сифатида бу ғамни енгмоқ, яна яшамоқ, фарзандлари учун яшамоқ учун ўзида куч топа олади. Эрининг вафоти ҳақидаги хабарни эшитган Зарифа асарда куйидагича тасвирланган: "Ранг-рўйи мурдадай оқариб кетган, худди атрофда ҳеч нарса йўқдек, даштликда ўзи ёлғиз юриб бораётгандай эди. Кўзлари ожизларники сингари юмилган, бошини тик тутиб, ғам-ғуссасини ичига ютиб, лабларини қаттиқ қимтиб олганча келарди. .. кўллари билан юзини беркитиб, гўё боши танасидан қулаб тушиб, тарс ёрилиб кетгудай қаттиқ сикқанча, бутун вужуди билан дард-алам ва жудоликдан зор-зор йиғлай бошлади. Йиғлаганда ҳам жон азобида ларзага келиб, ўзига эрк бериб йиғлар, чексиз қайғуга берилганидан чўкиб борарди" (III;9;181). Айрилиқ захрини бундан ортиқ табиий тасвирлашни тасаввур қилиш қийин. Зарифа ёрини мангуга йўқотган бева сифатида ҳижроннинг аччиқ таъмини татиган бўлса ҳам, енгилмайди, чунки уни ҳаётга боғлаб турган кучли сабаблар – фарзандлари бор эди. Шуларни ўйлаб, у хулоса қилади: "Аччиқ ва оғир бўлса ҳам, ҳаёт давом этади" (III;9;184). Бу сўзлар унинг матонатидан бир исботдир.

Зарифа – мулоҳазали, фаҳм-фаросатли аёл. У Эдигейнинг ўзи ва болаларига қаттиқ боғланиб бораётганлигини кўриб, бунинг охири бахайр бўлмаслигини тушунади. Чунки Зарифа ундан ва болаларидан меҳр-муҳаббатини, кўмагини дариг тутмаган Уккуболанинг заҳматлар билан эришган бахтини тортиб оларлик даражада худбин эмас эди. Эдигейни Зарифага кўнгил қўйиб қолишига сабаб ҳам бу оила тақдирига, жонидан ортиқ кўрувчи болалар – Довул ва Эрмакларнинг тақдирига бефарқ қарай олмаганида эди. Бу муҳаббат инсоний фазилатлар замирида униб-ўсган эди. Аммо Зарифа Эдигейни Абутолибнинг дўсти, фарзандларининг суюкли амакиси сифатида кўрар, бундан бошқача муносабатни тасаввур ҳам қилолмас эди. Шу учун ҳам у бу бекатдан, Сарийўзак даштидан кетишга қарор қилади. Кетганда ҳам Эдигей йўғида, уни шу ерда қолдиришга кўндира олувчи, кўндирмаганда ҳам кетишига ўла қолса йўл қўймагувчи инсоннинг бекатда йўқ пайтини пойлаб кетади. Бу қарор тўғри қабул қилинган эди.

Зарифанинг бу ерда колиши Эдигей ва унинг оиласи бутунлиги учун раҳна солар эди. Қолаверса, янги ҳаёт бошлаш учун ўтмиш хотираларидан, жилла қурса, ўша воқеалар содир бўлган жойдан узоқлашиш керак. Шуларни инобатга олган Зарифа болалари билан унга бахт ва бахтсизлик келтирган Бўронли бекатидан кетишади. Аммо кетишидан олдин, шуни ният қилиб юрган кезде Зарифа Эдигейга оиласи учун қилган барча яхшиликлари, куйиб-пишишлари учун тўқима шарф совға қилади. Бу шарф Эдигей учун Зарифа ва болаларини эсга солиб турувчи қадрли буюмга айланади. Зарифанинг қейинги тақдири ҳақида асарнинг сўнггига яқин саҳифаларда ўқиш мумкин. Елизаровнинг Эдигейга мактубида бу борада унинг қайта турмуш қургани, оиласи билан олис Павлодарда яшаётгани, ўзи муаллималик қилаётгани айтилади. Зарифа ўз матонати, сабру қаноати, фаҳм-фаросати ва журъати билан қайта бахт топишга лойиқ аёл эди. Шу сабаб бу образ характери тасвирида фақат табиийликни, жонликни ҳис қилиш мумкин.

Зарифа образи Абутолиб ва Эдигей қисматида муҳим рол ўйнайди. Бироқ бу образни бош қаҳрамон деб айта олмаймиз. Биринчидан, у асарда тўла тўқис иштирок этмайди. Иккинчидан, у образ асарнинг бош ғояси ҳаракатида ҳам фаол эмас. Учинчидан, Зарифа образи асардаги сюжетлар яхлитлигини, воқеалар изчиллигини таъминлай олмайди. Тўртинчидан, асар воқеалари унинг атрофида содир бўлмайди ва, бешинчидан, бу образни асардаги барча образлар тақдирига дахлдор сифатида ҳам баҳолаб бўлмайди. Кўриб турганингиздек, Зарифа образи бош қаҳрамон талабларига жавоб бера олмайди. Демак, бу образ асар бош қаҳрамони Эдигей тақдирида аҳамиятга эга бўлган иккинчи даражали образдир.

Найман она образи. Асарнинг асосий воқеалар чизиғини халқ донолигининг турли кўринишлари, шакллари билан бойитиш Чингиз Айтматовнинг ҳамиша содиқ қолган ижодий усулидир. Аналитик фольклоризм сифатида "Асрга татиғулик кун" романи таркибига киритилган Сариўзак афсонаси ҳам айна шу ижодий ўзига хосликнинг исботидир. Ушбу афсона романдаги бош воқеалар ва жанрий хусусиятлар билан синтезлашиб,

сингишиб кетмаган, балки алоҳида ҳодиса сифатида кўзга ташланиб туради. Шу сабаб ҳам уни аналитик фольклоризм кўриниши дея баҳоладик. Афсона асарга Эдигей Бўроннинг Она Байит қабристони билан боғлиқ ўй-фикрлари оқимида кириб келади. Янаям аниқроғи, бир пайтлар Казангап айтиб берган қайғули она ҳақидаги афсонани эслайди. Негаки бу афсона Казангап сўнги манзилим бўлсин деб васият қилган Она Байит қабристонининг пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. Қозоқ халқ оғзаки ижодининг ушбу намунаси Инсонни ёруғ оламнинг бошқа мавжудотларидан фарқлаб турувчи ундаги идрок, хотира эканлиги, хотирадан, ўтмишидан айрилиш мудҳиш ҳоллиги, хотирага тажовуз энг қабих, энг разил жиноят эканлигини таъкидловчи ғоялари билан асар миқёсида салмоқли мавқе эгаллайди.

Афсонанинг бош қаҳрамони Найман она. Ёзувчи бу образда ёлғиз ўғлини тенгсиз жангга юрт шаъни учун, оила ор-номуси учун юборган ҳақиқий миллат аёли, жигарбандини "ўлди" деганларга ишонмаган, фақат оналаргагина тегишли тийрак бир сезим билан унинг тириклигига ишонган, кун келиб ягона умиди ушалган, аммо бу рўёбда қалбни ўртовчи янада чўнг қайғу кўланкасини кўрган бахтсиз ғамзада Она қиёфаларини яратган. Найман она образи шу қадар жонли ва табиий тасвирланганки, китобхон ўқимайди, гўёки воқеалар тасаввурда жонланадию, китобхон уни кўради, томоша қилади. Шу сабаб ҳам бу афсона қатидаги ғоялар қалбларни ларзага солади, шуурда одамийлик чироғини ёқади. Афсонада тасвирланган воқеа қадим тарихда юз берган бўлиб, босқинчи жунгжангларнинг Сариўзак даштларидаги маҳаллий қабилаларга хужуми ҳақида ҳикоя қилади. Бу хужумлар қайта-қайта содир бўлар, она ерини, ота маконини ёвлардан асрамоқ учун Сариўзак қабилалари ҳам жон-жаҳди билан қурашар эди. Шундай жангларнинг бирига Найман онанинг ёшгина ўғли ҳам шаҳид отаси ўчини олиш ва юртни ҳимоя қилиш мақсадида отланади. Аммо тақдир ёш жангчини аямади, у урушдан қайтмайди. Сафдошлари жанг пайти ёш жангчини оти ҳуркиб ғаним томон судраб олиб қочганини кўриб қолишади, холос. Найман қабиласи жанг таомилига кўра ҳалок бўлган жангчининг

жасади уруш майдонида қолмаслиги керак эди. Шу сабаб найманлар бир неча кун жангчининг – Найман она ўғлининг жасадини қидиришади. Бироқ ҳеч бир нишон топишолмайди. Шу ўринда Найман она чинакам матонат сохибаси сифатида гавдаланади. У ўғлининг урушда ҳалок бўлганидан аламда эмас, Ватан учун курашиб ҳалок бўлган ўғлидан фахрланади. Унинг қалбини ўғлининг жасади кимсасиз биёбонда кўмилмай қолиб кетгани ҳақидаги изтиробли ўйлар тирнайди. Она кўнглида дилбандининг жасадини ўз кўзи билан кўрмагани, тупроққа кўймагани, сўнгги бор видолашмагани учун ҳам яширин бир илинж бор эди. Бу илинж уни ўғлим тирик бўлса-чи, деган гумону шубҳалар гирдобига ғарқ қилар эди. Ёзувчи бу образ орқали она руҳияти, она дарди, она қалбини жонли ифодалайди. Фақат оналаргина жони жонига туташ фарзандининг аҳволи ҳақида кўрмай, эшитмай, билмай туриб ҳам, энг ишончли башоратни айта олишади. Найман она ҳам ички бир ҳиссиёт сабаб ўғлининг тириклигига ишонар, жилла курса, шундай бўлишига умид қилар эди. Кўноқ савдогарларнинг Сариўзак даштидаги ёш манқурт туябоқар ҳақидаги гап-сўзлари бу суҳбатни ногаҳон эшитган Найман онанинг оромини ўғирлайди. Ҳасрат ёнган юрагининг тафтини босиш, қалбини кемириб, тунлари уйқу бермаётган шубҳалардан ҳалос бўлиш учун ғамзада Она ўша туячини қидириб, кадрдон Оқмояси – келбатли бебаҳо туяси билан Сариўзак даштига йўлга тушади. Она қалби адашмаган эди: туяларни боқиб юрган ёш, жуссаси келишгангина йигит унинг ўғли эди. Найман она чексиз қувонч, ҳадсиз шукроналик оғушида ўғли томон талпинади. Бироқ.. инсоннинг инсонлигини асослайдиган, уни савобу гуноҳлар бирга тафаккур қилиб яшашга ундайдиган, виждонини тозартирадиган, кўз ёш тўкишга, афсусланишга мажбур қиладиган, инсонга хос неки сезим бўлса бошқариб турадиган олий неъмат – хотирани йўқотишдек, одамни ўзлигидан маҳрум қилишдек жирканч қабоҳатга қўл ўрган, одамийлик таомилларини оёқости қилган бешафқат жунгжанглар ўғлини манқуртга – хотирасиз, ўтмишсиз, идроксиз вужудга айлантириб улгуришган эди. Манқурт ўғил онасини – унинг ҳасратида куйиб адо бўлган

муштипар волидасини танимайди. Ёзувчи ўғлининг тирик дийдори ва туйғусиз, хиссиз вужуди – икки ўт: қувончу қайғу оташида аланга олаётган чорасиз Она қалбининг ёниқ изтиробларини ғоят бетакрор тасвирлайди: "Ердан маҳрум этиш мумкин, мол-дунёдан маҳрум этиш мумкин, ҳатто инсонни яшашдан маҳрум этиш ҳам мумкин, бироқ одамни хотирасидан маҳрум этишни ким ўйлаб топди экан, бунга кимнинг қўли борди экан?! Ё раббий, агар оламда бор бўлсанг, бандаларингга бу ёвузликни қандай раво кўрдинг? Ер юзида усиз ҳам ёвузлик каммиди?" (Ш;9;119)

Бу аламли оҳ-фарёдлар дунёдаги бор жонзотлар ичра энг ваҳшийси, энг қаттоли дея инсонни кўрсатади. Ҳа, бу аччиқ ҳақиқат. Шу ўринда Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг қуйидаги мисраларини келтирмоқликни жоиз топдик:

Коинот гултожи инсондир азал,
Ундадир энг олий тафаккур, амал.
Ҳатто у тубанлик ичра ҳам танҳо,
Ё фалак, ижодинг бунча мукаммал.

Олий хилқат дея улуғланмиш Инсон тубанликлар, разолату қабоҳатлар борасида ҳам биринчиликни ҳеч нимага бергиси йўқ. Чинданам мукаммал ва мураккаб яратилган Инсон шахсияти. Шу сабаб ҳам Инсон бошқа бир инсонни ўзига тоабат қул қилмоқликнинг ғайриинсоний, ваҳшиёна янги усулини ўйлаб топади: ҳадсиз азоб, беўлчов қийноқ, чидаб бўлмас оғриқлар исқанжасида хотирасидан айириш, руҳиятини мажруҳ қилиш. Асарни ўқир экансиз, шундай қабоҳатни ўйлаб топган разил жунгжанглар нега ваҳший даҳшатли бир махлуқ кўринишида эмас, инсон қиёфасида эканлигидан нафратланиб кетасиз. Эҳтимол, ёзувчи айни шу афсона билан бугунги кун одамларини огоҳликка, хушёрликка, атроф-теграфа содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмасликка, жунгжангларнинг янги авлодлари пайдо бўлишига йўл қўймасликка даъват қилаётган бўлса, ажаб эмас. Ахир, Ер куррасини титратган, инсоният бошида қиёмат кўптирган жаҳон урушлари, шу урушлар сабаб яратилган турли қирғин қуроллари, бугунги кунда ҳам

дунё аҳлига хавф солаётган терроризм, ирқчилик, экстремизм кабилар ўша қадим афсонадаги ваҳшийликнинг янги, ўзгача технология билан қайта ишланган замонавий кўринишлари эмасми! Агар шундай бўлса, инсониятни бу ваҳшониятдан ким, қандай куч қутқаради? Қизиғи шундаки, халоскор ҳам одамизотнинг ўзидир. Қабоҳат ботқоғига ботган инсонга фақат эзгулик ва комиллик йўлини танлаган инсонгина қарши чиқмоғи мумкин. Ёзувчи китобхонни ана шундай инсон бўлишга инсониятни қутқаришга ундовчи ғоялар фикрлар билан ошно қилади.

Ҳар қандай афсона қатида ўтмиш садоси акслангани каби бу афсона асосида ҳам тарихий ҳақиқат мавжуд. Чингиз Айтматов қозоқ ижодкори Мухтор Шохонов билан суҳбати асосида яратилган "Чўққида қолган овчининг охи зори" асарида бу борада қуйидаги фикрларни келтиради:

“...“Асрни қаритган кун” романимни ёзишдан аввал манқуртчилик мавзусини жуда синчковлик билан ўргандим. Болалигимизда бирор ишни нотўғри бажарсак ёки ножўя хатти- ҳаракат қилсак: «Нима бало, манқуртмисан?!» деган танбеҳни кўп эшитардик. Тўғри, қайси чегарадан сўнг инсон бевосита манқуртга айланишини аниқ билмасдик. Лекин, ич-ичимиздан ҳис этардикки, бу сўз жуда ёмон ҳақорат ҳисобланарди. Бундан ўн аср муқаддам қуйланган ва ўшандан буён қаҳрамонлик, ватанпарварлик қомуси бўлиб келаётган қирғизларнинг «Манас» эпосида илк бора манқуртчилик тўғрисида гувоҳлик берилган. Эпосда шундай парча бор: кичкинтой Манас асов кучга эга, жангари бўлади. Бундан ташвишга тушиб қолган маҳаллий ҳокимлар пинҳона тил бириктирадилар. Яъни, келажакда Манас халқ йўлбошчиси бўлмаслиги учун уни ёшлигида манқуртга айлантириб қўймоқчи бўладилар:

Болани асирга олайлик,
бошига хом терини ёпиштирайлик.
Сўнг, юртимизга элтиб қурғурни
олти аймақ қалмиқ бир бўлиб,
боплаб адабини берайлик!

Қадим замонларда иродаси кучли, жисмонан бақувват инсонлар бошга кийдирилган чамбарак воситасида ақл-идрокидан, маънавий дунёсидан маҳрум этилади, синдирилади. Бу — жузъий ходиса. Бир-бирини маҳв этишга тайёр турган икки тузум мафкуравий пойга натижасида коинотга чиқиб борсаю ким-кимдан зўрлигини намойиш этиш мақсадида Ер юзига чамбарак кийдириб қўйишса, нима бўлади? Қандайдир бир кишининг шахсий фожиаси ҳаммани ёппасига ўз қомига тортиб кетадиган кун яқин қолмадими? Мусибатнинг бегонаси бўлмайди. Фожиа камровидан, узоқ-яқинлигидан қатъи назар ҳар доим фожиа бўлиб қолаверади. Инсониятга хавф солиб турган ҳалокатдан огоҳ этиб қўйишни истардим. Шу истак туфайли асар ёзилди". (Ш;11;74-75)

Демак, ёзувчининг бу афсонани роман таркибига киритишига асосли сабаби бор. У ҳам бўлса, инсониятни огоҳликка чорлаш ва ўзликни, асл инсоний қиёфани йўқотмасликка ундашдир. Чунки манқурт бўлса-да, ҳеч нимани эслаб олмас, шикастаруҳ бўлса ҳам, барибир, жигарбандидан дил узолмаган Онани фақат хўжайинини ва ўзига бериладиган топшириқни тан оладиган манқурт ўғил қўли билан ўлдиришга эришган, ўғилни ўз онаизорининг қотилига айлантирган манфур жунгжанглар бугун ҳам янги қиёфада, янги номда, янги қуроллар билан жирканч жинойтлар қилмоқ учун қулай пайт пойлаб юрибди. Афсона охирида жон талвасасида йиқилган Найман Онанинг оппоқ рўмоли осмонга учиб кетадию, қушга айланади ва худди одамдай овоз чиқариб, нола қилади: "Кимнинг фарзандисан, эслаб кўр! Отинг нима? Отангнинг оти Дўнанбой! Дўнанбой! Дўнанбой!" (Ш;9;124) Афсонадаги мана шу қуш ўшандан бери Сариўзак даштида ҳар кеч дуч келган йўловчига юқоридаги насабни айтиб чинқирар экан. Бу қуш ўзликка қайтишнинг, инсоний таомилда яшамоқликнинг рамзи сифатида ҳар бир инсоннинг онгида тафаккурида унга аслида кимлигини эслатиб, хотирлатиб садо бериб туриши керак. Шундагина ер юзида тинчлик бўлади, шундагина инсон инсонни қирғин қилишдан тўхтайдди. Афсонада илгари сурилган бу

ғоялар асарнинг умумий манзарасига, бош ғоясига ҳамоҳангдир, шу ҳамоҳанглик асосида роман бош ғояси янада қуюқ ранг тортади.

Афсона сюжетида ягона фаол образ бу биргина Найман она образидир. Шу сабаб уни афсона бош қаҳрамони сифатида баҳолаш мумкин. Аммо бу образ "Асрга татиғулик кун" романи миқёсида бош қаҳрамон талабларига жавоб бера олмайди. Чунки у фақат Сариўзак афсонаси сюжетидагина иштирок қилиб, фақат шу афсона персонажлари тақдирига боғлиқ тасвирланади. Асарнинг бошқа қаҳрамонлари тақдирига умуман дахл қилмайди. Бу афсона романнинг бош сюжет чизиғига туташувчи ва уни мустаҳкамловчи алоҳида тармоқдир. Бироқ уни романдан алоҳида ҳодиса дея олмаймиз, чунки афсонадаги кўтарилган ғоя асарнинг ўзак ғояси билан чамбарчас боғлиқ ва омуктадир. Айни шу сабаблар юзасидан Найман она образи "Асрга татиғулик кун" романида бош қаҳрамон эмас, балки иккинчи даражали образ – персонаж мақомида қолади.

Собитжон образи. "Асрга татиғулик кун" романида Сариўзак афсонаси – Она Байит қабристонининг пайдо бўлиши ҳақидаги афсона келтирилади. Бу афсонада (юқорида таҳлилга тортдик) хотирасидан ажратилиб, маънавий қиёфаси чилпарчин қилинган манқурт образи келтирилади. Роман таркибига бу афсонанинг киритилишидан мақсад, бизнингча, айни шу манқурт образи орқали Собитжон характери тўлароқ очиб беришдан иборатдир. Собитжон – Казангап чолнинг яккаю ёлғиз ўғли. Казангап меҳрибон ота сифатида ўғлини не-не эзгу умид ва истаклар билан парваришлаб ўстирган, ўқиб одам бўлсин, илм эгаллаб ҳаётни англасин, мендай дунёдан узилган хароб бир темир йўл бекатида қора ишчи бўлиб яшамасин деб бирмунча олис мактаб - интернатга ўқишга қўйган, аёзу изғиринларда пўстинига ўраб олиб бориб, олиб келган; бир ота фарзанди келажаги учун қилиши керак бўлган, қилиши мумкин бўлган барча ишни қилган эди. Собитжон отаси истаганидай ўқиди, илмли, билимли бўлди, шаҳардаги нуфузли идорага ишга кирди, аммо отаси истагани каби одам бўла олмади. Собитжон билан китобхонни ёзувчи биринчи марта Казангапнинг таъзиясида юзлаштиради ва унинг ташқи

қиёфасини чизади: "...қиёфасидан ёшлик даври аранг сезиладиган укки кўзли, доим кулиб турувчи каттагина киши.. Кўзойнак тақиб олган, бошида тепаси букиб қўйилган шляпа, бўйнида уриниб қолган бўйинбоғ.." (III;9;27) Шу илк лавҳадаёқ китобхон Собитжон характеридаги худбинлик ва манманликни сезиб қолади. Собитжон Эдигей билан суҳбат пайтида отасини нобоп, ёмон ота дея тилга олади. Бунга сабаб эса ўзининг амалу мансаб эгаллаши учун обрўли отага эмас, "аллақандай Казангап"га ўғил эканлигидир. Отани, инсонга тириклик неъматини бахш этган зотни мансабдор бўлмагани учун , бой-бадавлат яшамагани туфайли нобоп отага чиқариш, "ёмон ота" деб аташ учун қанчалар разил ва манфур фарзанд бўлиш керак! Собитжон ана шундай фарзанд эди. У дафн маросимига ҳам елкасидаги қарздан тезроқ қутулиш учун келган эди. Шу сабаб Эдигейнинг Казангапни ўз васиятига кўра Она Байит қабристонига дафн қилиш борасидаги фикрига қатъий қарши чиқади: "... ўладиган одамнинг ўлгани яхши, кетадиган одамнинг кетгани яхши. Ўлган одамга нима фарқи бор қаерга кўмилади? Бундай маҳалда иш қанча тез битирилса, шунча яхши!" (III;9;28) Ахир, у ишли одам. Ана, фарзандлик масъулияти! Ота -бола ўртасидаги меҳр-оқибат риштасини аллоқачон узиб ташлаган Собитжон учун энг муҳими бу идорасига кеч қолмаслик эди. Казангапдай содда, ақли теран, қалбида инсонларга аталган туганмас эзгулик хазинаси бор бўлган олижаноб инсонга фарзанд аталмоққа номуносиб эди у. Ваҳоланки, отаси тирик ва мол-қолга эга пайти керак эди, борини сотиб, уни шаҳарга олиб кетади, баҳонада машинали бўлиб олади. Шаҳарга тоқат қилолмай қайтган бечора ота кейин унгаям, хотиную болаларига ҳам керак бўлмай қолади. Таъзияга на хотини, на болаларини олиб келади: хотинининг муҳим конференцияси бор, болалари эса давомат учун курашишади, дарс қолдиришга ҳақлари йўқ. Шу ўринда ёзувчи Эдигей хаёллари сифатида бир фикрни келтиради: "Модомики, уларга ўлим аҳамиятсиз экан, демак, улар ҳаётнинг ҳам кадр-қимматига етишмайди. Ундай бўлса, яшашдан мақсад нима, улар нима учун яшашптилар?" (III;9;30) Демак, Собитжон ҳатто нега яшаётганлигини ҳам, ҳаётнинг асл моҳиятини ҳам англамайди. Отасининг

таъзиясида бемалол, ҳеч нимани йўқотмагандай парвойи фалак ароқ ичиб ўтираверади. У чинакам замонавий манқурт эди, обрў-эътибор, мансабу донгдорлик учун ҳар қандай қабоҳатга тайёр, ўзлигини унутган, инсон қиёфасидаги ғайриинсон эди. Романнинг ниҳоя лавҳаларида Она Байит қабристонига борар йўл симтўсиқлар билан гир тўсиб қўйилгани ва қабристоннинг тугатилиши ҳақидаги хабарни эшитишгани Собитжоннинг яна бир бор фош бўлишига олиб келади: "Қалай? Дарвозага етганда орқаларингга тепишдими? Шундай бўлиши ҳам керак эди! Она Байит, Она Байит, деб роса учиб-қўндиларинг! Мана сизларга Она Байит! Мана энди калтакланган итдек бўлдиларингми?" (III;9;266) Собитжон учун Она Байитнинг ҳам, қабристондаги марҳумлар руҳи ҳам, ўтмиш аждодлар хотираси ҳам бир чақалик қийматга эга эмас. Эдигей ундан, бизга тиргак бўлади деб улғайтиришган Собитжондан Она Байит борасида ёрдам беришни сўрайди, чунки унинг саводи бор, шаҳарда танишлари кўп. Аммо Собитжон учун Эдигейнинг мазор борасидаги қайғуси аҳамиятсиз эди: "Лойиҳа лойиҳада. Уни лойиҳа бўйича йўқ қилишади.. Бу бемаъни гапингни қўй, қария. Мендан эса умид қилма. Шахсан менга бунинг ҳеч қандай кераги йўқ... Бу ердан қилинган битта қўнғироқ туфайли орқамга бир тепиб ишдан ҳайдасинларми?.. Бизлар орқамиз учун яшаймиз. Оғзимизга ширинроқ лўкма тушсин деб шундай яшаймиз!" (III;9;277) Ана шу гаплари билан у бутунлай ўз разил, тубан қиёфасини фош қилади. У фақат орқасига тепиб, ишдан ҳайдамасликлари учун ялтоқланиб яшайди, унинг бор - йўқ хавотири шунда. У учун миллат тарихи, миллий қадриятлар абас нарсалар эди. Совет ҳукумати эллик йиллик сиёсатининг меваси эди Собитжон. У ўзлигини унутиб, ўзи ҳам тўла тушунмайдиган қандайдир манфаатлар учун яшар эди. Эдигей ундан, унинг Казангапга ўғил эканидан нафратланаркан, Собитжонни "ҳақиқий манқурт" (III;9;278) деб атади. Айни шу атов Собитжон дунёқараши тафаккури, фақат аллақандай идораларгагина хизмат қилувчи билимини, умуман, бутун характерини тўқис намоён қилади. Собитжон образи орқали ёзувчи ўзлигидан кечган, анъаналаридан юз ўгирган

инсоннинг жамият учун, миллат эртаси учун қанчалар хавф туғдириши борасидаги ташвишларини ифодалайди. Зотан, мухтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, ".. Бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир" (I;7;124). Чунки шу бепарволик сабаб жиноятлар, хиёнатлар, йўқотишлар, тузатилмас хатолар содир бўлаверади. Демак, Собитжон характери орқали илгари сурилган ғоя бугунги кун учун, глобаллашув ва оммавий маданият тўғрисида остида қолаётган давр учун ғоят муҳим аҳамият касб қилади.

Бу образ борасидаги таҳлиллардан хулоса қилиб, айтадиган бўлсак, Собитжон роман бош қаҳрамони даражасига кўтарила олмайди. Чунки у асарнинг асосий воқеалари тасвирида учрамайди, воқеалар изчиллигини бутунлигини таъминламайди, асардаги бошқа тақдирларга ҳам боғланмайди. Собитжон образи Эдигей фикрларининг эзгулигини исботлаш учун ҳамда маънавий манқуртлик хавфидан огоҳ қилиш мақсадида тасвирга олинган. Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда, Собитжонни бош қаҳрамон дунёқарашини илғашга кўмаклашувчи ёрдамчи образ деб баҳолаймиз.

Раймали оға образи. "Асрга татиғулик кун" романи таркибига азалий ва абадий ишқ-муҳаббат туйғусини тараннум қилувчи бир ривоят ҳам киритилган. Раймали оға хусусидаги бу ривоят ҳақида китобхон гарчи асарнинг бошроғида – Абутолиб Қуттибоевни қамоққа олиб кетаётган терговчи унинг қоғозлари орасидан топган шу ривоят матни борасида Эдигей билан сўзлашган ўринда (VIII боб) таништирилса-да аммо ривоятнинг матни анча кейин – асар воқеалари унинг мазмуни доирасида ҳаракатланган кездегина келтирилади (X боб). Ривоят қалбдаги ўткир ҳиссиётлар ёш танламаслиги ҳақида бўлиб, ундаги бош қаҳрамон Раймали оға образидир. Ривоятда келтирилишича, у хушовоз оқин, ғоят маҳоратли сўз устаси бўлган. Ёшлигидан дўмбирага ошно бўлиб, халқ орасида шуҳрат топган бу жирловчининг ёруғ оламда орттиргани биргина дўмбирасию, садоқатли йўрға оти Сарала эди. Халқининг яхши кунларида соҳир овози билан куйлаб, хурсандчиликка яна қувонч қўшган оқиннинг ёшлик, йигитлик умри шундай ўтади. Умрнинг қиши – қарилик чоғи етиб келади. Қўшиқлари мавзусини

охират, дунё моҳияти, кексалик кабилар банд қилаётган, шўх куйлар ўрнига хазин, мунгли, дардчил оҳанглар яратаётган Раймали оғанинг сокин ҳаётини бир воқеа ағдар-тўнтар қилиб ташлайди: ёши қайтиб, соч-соқолини қиров қоплаган оқин севиб қолади! Тағинам ўзидан анчагина ёш бир қизни! Аслини олганда қизнинг ўзи – ўн тўққиз ёшга энди тўлган гўзал бахши Бегимой уни ёшлигидан севар эди, фақат изҳори дил учун вақтдан ютқазिश керак эди. Ниҳоят, вояга етган Бегимой бир тўйда Раймали оғага юзлашиб, дўмбира навоси билан илк муҳаббати, илк устози дея билган Раймали оғага муҳаббатини изҳор қилади. Ва шу изҳор тафти билан кекса оқин қалбида ҳам оташин муҳаббат оловини ёқади. Бегимой Раймали оғанинг умр шомиди нур таратган ёруғ бир юлдуз эди. Шундай ўктам, журъатли (ахир, халқ ичида қиз бола боши билан қалб туйғуларини баён қилмоқ учун қанчалар қатъият керак?!) ва гўзал қизнинг ёниқ севгиси Раймали оға учун Оллоҳ инъом қилган энг олий неъмат эди. Кекса оқин ниҳоят умри сўнгида бўлса-да севмоқ, севилмоқ бахтига муяссар бўлган, севгининг ширин дардини ҳис қила олган эди. Севги шундай илоҳий қудратки, у на уруғ, на қавм, на эътиқод, на ёш ва на макон танлайди, у булардан устун ва улуғ туйғу. Раймали оға бахтиёр эди. Аммо унинг бир умр кутган муҳаббатини ҳамма ҳам хуш қабул қилмади. Оқиннинг қабиладошлари – Бароқбой уруғи вакиллари “қариганда эсини еб ёш қизга ошиқ бўлган қари кўппак” (Ш;9;234) нинг бутун уруғ обрўсини тўкиб, шармисор қилаётганидан ғазабга минишади. Оқиннинг укаси Абдилхонни гиж-гижлашади. Муҳаббатнинг қанчалар буюқлигини тушунмас эди бу инсонлар, ишқ инсон учун – ёшми , қарими, кексами – инсон учун эканлигини англамас эди бу сўқир қалблар. Тўйдаги илк учрашув ва то оқшомга қадар давом қилган айтишув – ошиқ - маъшук дардлашуви сўнгида сарбозорда учрашиб, куйлашишга ваъда қилишади. Бироқ овулга қайтган Раймали оғани уруғнинг улуғлари тергов қилишади (севги, кимнидир севиб қолиш инсоннинг ўзига боғлиқ эмас, бу қисматнинг кори, шундай экан севиб қолгани учун ошиқни жазолаш адолатсизлик эмасми?!). Уларга қарата бахтиёр оқин шундай дейди:

"Ахир, куй куйилиб келса, куйламоқнинг нима айби бор? Ҳаёт менга умр шомиди севги ҳадыя этган бўлса, севмоқнинг нима уяти бор?" (III;9;238). Аммо унинг сўзлари, қалбдаги оташдан узилиб чиққан оташпарча сўзлари ишқсизларга таъсир этмайди. Оғасининг қалбини тушунмаган ини Абдилхон оқиннинг сеҳрли тароналар билан одамлар кўнглини овлаб, руҳиятига севинч бағишлаган дўмбирасини синдириб ташлайди, бу ҳам етмагандек, кекса жирловчининг ягона садоқатли дўсти, умр бўйи ҳамроҳлик қилган, қариб қолган оти Саралани ҳам бўғизлаб ташлайди. Кекса ошиқнинг ўзини эса дарахтга чирмаб боғлаб кўяди. Аммо боғланган кўйида ҳам Раймали оға кўшиқ айтишдан тўхтамади. Унинг сўнгги кўшиғи иниси Абдилхоннинг ваҳший қилмишларидан озорланиш, аммо буларнинг бари бекорлиги, бу ерда фақат жисми бандлиги, руҳи эса дилдорининг ҳузурида эканлиги ҳақида янгради:

"Рухдай енгил фалакка учиб кетгум,

Сени суйиб васлингга қачон етгум..?" (III;9;240)

Ривоят ана шундай интиҳо топади. Хўш, бу ривоят қай мақсад талаби билан роман таркибига киритилган? Бунга сабаб Эдигей Бўрон руҳиятини янаям ёрқинроқ, равшанроқ тасвирлаш эди. Чунки Эдигей ҳам ёши ўтганда, бунинг устига оиласи бўла туриб, севиб қолган эди. У ёниқ муҳаббат билан севган ва умр бўйи унутмаган аёл эса Абутолибнинг беваси Зарифа эди. Эдигей Зарифани яхши кўриб қолгани учун ўзидан нафратланар ва айна дамда шу севги сабаб қувонар эди: унинг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам шу муҳаббати эди. Муаллиф Эдигей қалбида курашаётган туйғулар кураши, ожиз шуури, кўнгил изтиробларига мос ифода қидиради ва ўтмиш садосини ўзида жам этган ривоятни айна Эдигей руҳияти чизгиларини тўла тасаввур қилиш учун роман таркибига киритади. Ва бу ҳолни асарнинг ўзида кўрсатиб ўтади: "Юз йиллар чамаси муқаддам Раймали оғанинг бошидан кечмиш савдолар эндиликда Сариўзак саҳроларида яшамиш Эдигейнинг қалбида аксадо бериб турибди" (III;9;217). Ҳа, Раймали оғанинг муҳаббат саргузашти билан Эдигейнинг туйғулари, ҳиссиётлари ўртасида қандайдир уйғунлик,

хамоҳанг бир дард бор. Негаки, уларнинг иккови ҳақиқий муҳаббатини умр ўтиб бўлганда топишди. Бироқ яна бир ҳақиқат: чинакам севган бахтга, висолга етишолмайди. Икки тақдир узра ҳам ана шу ҳақиқат ҳукми ўқилди. Муҳаббат улар учун чиқиб бўлмайдиган сермашаққат чўкки, етиб бўлмайдиган олис манзил, ушлаб бўлмайдиган шуълага айланди. Аммо ҳар икковининг тақдирида, ҳаётий қарашларида, эътиқодида, ўзини ва ўзгаларни англашида катта аҳамият касб қилди.

Ривоят асарга худди Сариўзак афсонаси каби аналитик фольклоризм – кўзга ташланиб турувчи халқ оғзаки ижоди намунаси сифатида киритилган. Юқорида таъкидлаганимиздек, бундан мақсад Эдигей Бўрон туйғуларини теран англашда ўқувчига кўмак бериш, вазиятга бир томонлама баҳо бериш қусуридан халос қилишдан иборатдир. Ривоятда бош қаҳрамон Раймали оға образи бўлиб, ривоятнинг бутун сюжетида у фаол ҳаракат қилади. Аммо, бу образ ҳам "Асрга татигулик кун" – бутун бир роман миқёсида бош қаҳрамон эмас, балки адабий персонаж мавқеини эгаллайди. Чунки Раймали оға образи ривоят сюжетидагина мавжуд бўлиб асарнинг бошқа воқеалари оқимида мутлақо иштирок қилмайди, демакки, роман қаҳрамонлари тақдирига ҳам дахл қила олмайди. Шулар сабаб ҳам Раймали оға образини Эдигей руҳияти ифодасини тиниқ тасвирлашга ёрдам берувчи персонаж деб баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Фазогирлар образи. Ч.Айтматовнинг "Асрга татигулик кун" романи ўзига хос сюжет қурилиши ва композицияси билан адибнинг бошқа асарларидан ажралиб туради. Ушбу романнинг яна бир алоҳидалик хусусияти унда ёзувчининг бутун ижодий жараён мобайнида биринчи марта фантастик сюжетдан фойдаланганлигидир. Фантастикага мурожаат қилиш Ч.Айтматов ижодида дебют ҳодиса эди. Аммо ижодкорнинг ўзи таъкидлаганидек, фантастик воқеалардан фойдаланиш "... мен учун асосий мақсад эмас, балки фақат тафаккур тарзи, воқеликни тадқиқ ва талқин қилиш усулларидан биридир" (III;9;9). Демак, адиб ижодий лабораториясидаги бу янгилик бадиий тафаккур тарзининг ўзгариши, воқеликка ёндашувнинг

ўзгача кўринишидир. Хўш, унда асосий мақсад нима? Бу саволга ҳам романнинг кириш қисмидан жавоб топиш мумкин: "Барча фазовий кечмиш воқеалар тасвиридан муддао – Ер куррасидаги одамларга хавф-хатар туғдириши мумкин бўлган вазиятни фавкултабий ва муболағадор формада кескинлаштириб кўрсатишдан иборатдир" (III;9;9). Ёзувчининг бош мақсади фантастик тўқима борасида маҳоратини синаш эмас, балки асарнинг ўзак ғояси – заминдаги тинчлик ва осойишталик ғоясига китобхоннинг бутун диққат-эътиборини қаратиш ва бу мавзунинг қанчалар муҳим, қанчалар долзарб эканлигига урғу беришдир. Шу мақсад учун хизмат қилган асардаги яна бир сюжет тармоғи бу "Паритет" ҳикояси (шартли равишда шундай номлади). Романнинг асосий воқеаларидан бошқа бир йўсинда юз берувчи мазкур фантастик сюжет ҳодисалари аслини олганда мустақил бир асар яратиш учун татиғулик. Аммо бу ҳодисалар чизиғи роман бўйлаб шундай нозик ҳаракат қиладики, китобхон айна шу чизиқнинг бўлишини зарурат деб баҳолаб, уни асардан айро тасаввур қилолмайди. Бутун роман бўйлаб сочиб юборилган "Паритет" фантастик ҳикояси романнинг бошидан то охирига қадар ана шу сочимлар орқали ўз вазифасини бажаради. Бу парчалар асар воқеалари оҳангига мос гоҳ сокинлик, гоҳ кескинлик касб этади ҳамда яхлит бир манзара чизилишида муҳим рол ўйнайди.

"Паритет" ҳикояси "Совет ва Америка давлатларининг "Демидург" қўшма программасига мувофиқ фазога учирилган ва бир ярим йилдан бери шартли номланган "Трамплин" орбитасида турли фазовий тадқиқотлар олиб бораётган "Паритет" самовий бекатида юз берган воқеалар ҳақидадир. Бу космик бекатнинг назорат космодромлари ҳар икки томон манфаатлари юзасидан дунёнинг икки бурчагида қурилган эди. Бири Қозоғистоннинг яйдоқ даштликларидаги "I-Сариўзак" космодроми бўлса, иккинчиси олис қитъа Америкада жойлашган "Невада" космодроми эди. Ҳикоянинг биринчи парчасида ўн икки соатдан бери Ерда сигнал юбормаётган ва Ердан узатилган сигналларга жавоб ҳам қайтармаётган "Паритет" самовий бекатидаги умумий аҳволни аниқлаш, шу қаторда бекат фазогирларига нима бўлганини билиш

мақсадида ҳар иккала космодромдан бир вақтда фазога иккита ракета учирилади. Ҳикоянинг айнаи шу ўрнида Эдигей Бўрон тасвирланади. Ягона яқин дўсти Казангапнинг жанозасини қонун-қоидалар, расм-русумлар таомилига кўра ўтказиш ҳақида ўйлаб, мўъжаз қишлоқчаси томон шошилаётган Эдигейнинг хаёлларини даҳшатли овоз тўзитиб юборади. У бу овозни ёруғ оламда ўзи билан энг ваҳшатли бомба овозига ўхшатади. Беихтиёр осмонга қараган Эдигей умрида биринчи бор само кенгликлари сари илгарилаётган ракета ва унинг ортидаги оловли қуюнга кўзи тушади. Ҳайратланарли манзарани узоқ кузатган Эдигей бир неча соатлардан сўнг шундай манзара ижодкори бўлган космодром ва унга бириктирилган янги лойиҳа сабаб дўстининг сўнгги васиятини – Она Байит қабристонига дафн қилишни амалга оширолмаслигини, бу ҳам етмагандек, мозий садолари кезган кўҳна қабристоннинг тугатилиши ҳақидаги мудҳиш хабар эшитишини билмас эди. Само кенгликлари узра содир бўлаётган воқеалар Эдигей тақдири, дунёқарашада табиий аксланади. Айнаи шу моҳиятга кўра ҳам "Паритет" ҳикояси романнинг асосий мазмунидан тўла узилиб, алоҳидалик касб этолмайди.

Ҳикоянинг иккинчи парчаси III бобда келтирилган бўлиб, бутун бобда фақат самовий воқеалар ёритилади. "Паритет" самовий бекатнинг асл вазифаси "Демиург" кўшма дастурига кўра яқинда кашф қилинган "Номаълум" сайёрасини ўзлаштиришдан иборат эди. Чунки "Номаълум" сайёраси беқиёс фойдали қазилмаларга ва коинотдаги бошқа бирор юлдузда учрамайдиган сув захирасига эгаллиги билан ерликлар эътиборини тортган эди. Замин бағридаги табиий бойликларни талашиб-тортишиб эгаллаб бўлишган, ҳатто суву ҳавогача чегара ўрнатишган, ҳеч қачон нафси қонмайдиган инсоният энди олис коинотда ҳам бойлик ва шухрат учун ҳаракат бошлаган эди. Бироқ шундай паллада "Паритет"даги фазогирлар йўқолиб қолди. Бу жимжитликнинг сабабини аниқлаш учун махсус учирилган ракеталар бекатга бориб қўнишади ва назоратчи фазогирлар "Паритет" фазогирларининг "Ерликларга мактуб" ("Тушунтириш хати")

сарлавҳали хатини топишади. Хатда уларнинг йўқолиш сири баён этилган эди: "Паритет" фазогирлари коинотнинг кўз илғамас кенгликлари узра айнан уларнинг самовий бекатига юборилган бегона радиосигнални қабул қилишган ва жавоб сигнал юборишганда қувончли хабар билан табрик сигналлари келади. Галактикамиздан ташқарида ҳам ҳаёт бор эди. Инсоният дунёда ёлғиз эмас, чексиз оламнинг чексиз сарҳадларида ғайризаминий тараққиёт мавжуд эди. Бир неча ахборот алмашинувидан маълум бўладики, ўзга тараққиёт вақиллари заминдаги инсоний тамаддундан анча илгариланган, улар нур тезлигига эга ракетапар соҳиби. Фазогирлар бу ўзга сайёрани Тўқайтўш деб номлашади ва тўқайтўшликлар таклифига кўра уларнинг сайёрасига меҳмонга боришга қарор қилишади. Улар бу қарорнинг қалтислигини ҳам билишади, аммо номаълум билимларни эгаллаш, ўзга бир тамаддунни кашф қилиш, инсоний заковатни янги заковат билан бойитиш истаги устун эди. Ушбу мактубда фазогирлар тилидан келтирилган шундай сўзлар бор: “Ғайризаминий тараққиёт билан алоқа боғланадиган бўлса, ерликлар орасида жаҳон уруши бошланишига яна бир баҳона топилмасликин?” (Ш;9;52) Ёзувчи бу билан инсоният ҳатто янги оламларни кашф қилганда ҳам, бу кашфиёт тараққиёт учун эмас, балки янги урушлар учун баҳона бўлиши мумкинлигидан хавотирда эканини билдиради. Осмоний кашфиёт учун Ер курраси узра қонли кураш олиб бориш инсонга ярашмайдиган жаҳолат эканини уқтиради. Бу эса келажак авлодлар учун – коинот кашфиётчилари учун эслатма кабидир.

Воқеанинг кейинги парчаси V боб охирида келтирилади. Ҳикоя воқеаси дафн маросими учун йўлга чиққан Қоранорга минган Эдигей бошчилигидаги митти қарвоннинг манзилга етгунича давом этади. Чунки фазовий воқеалар ва бу дафн қарвони манзили ўртасида боғлиқлик бор эди – бу Она Байит қабристонини эди. Буни юқорида таъкидлаб ўтдик. V бобдаги парчада Тўқайтўш сайёрасига қадам қўйган фазогирларнинг ҳадсиз ҳаёжонга тўла хабарлари келтирилади. Ўзга сайёраликлар қадди - басти худди одам каби, фақат уларнинг сочлари мовий, кўзлари яшил, киприклари оппоқ эди.

Уларнинг сайёраси Эга ёриткичи галактикасида бўлиб, тўқайтўшликлар ниҳоятда ҳайратомуз тараққиётга эга эдилар. Улар узоқ умр кўришар, иқлимни бошқара олишар ва энг ажойиби – бу сайёрада ҳар қандай зиддият урушсиз ҳал этилар эди. Фазогирларни айни шундай ҳаёт қойил қолдиради, улар Ер ва Тўқайтўшни қиёслаб кўришадию, тирик мавжудот сифатида, заминий тараққиёт соҳиби Инсон сифатида курашу жангсиз яшамаганликлари учун бутун бани қашар вакиллари хижолат бўлишади. Шундай ҳаётга умид боғлашади: "Кези келиб биз ерликлар ҳам шундай юксак тараққиётга эришармиз.. мабодо тарихни урушлар тарихидан иборат дея Ер юзидаги инсоният фожиавий янглишиш билан яшамаяптимикин? Мабодо шундай бўлса, биз унда қаёққа қараб кетяпмиз ва бу қандай оқибатларга олиб келади? Мабодо шундай бўлса, инсоният буни тан олиш учун ўзида журъат топишга ва ялпи уруш хавфидан ўзини олиб қочишга улгурармикан?! Мана шу жамият бизга ўрناк бўларли эмасми?!" (Ш;9;88-89)

Тўқайтўш сайёрасида тартиб қилинган урушсиз жамият – бу ёзувчининг эзгу истаги. У она заминдаги ҳаётни ана шундай: ҳеч қандай урушларсиз, ҳеч қандай низоларсиз кўришни орзу қилади. Чингиз Айтматов инсонпарвар, тинчликпарвар адиб сифатида ўз орзу-умидларини ҳеч қачон мавжуд бўлмаган ҳаёлий бир сайёра тимсолида ифодалашга ҳаракат қилади. Агар инсоният ҳам ўзаро низоларга, урушлар-у келишмовчиликларга барҳам бера олса, ўз-ўзини қирғин қилишдек бемаъни курашлардан воз кеча олса, Ердаги тараққиёт балки бундан-да илгарилаб кетар, тафаккурнинг кўз илғамас сарҳадлари забт этилиб, янги бахтли дунё саҳифаси очилар, табиат ва жамият бир бутун бўлиб, фаровон ҳаёт кечиришармиди? Ахир, аслида ҳам шундай бўлиши, инсон инсондек яшаши керак эмасми? Адиб ўзи орзу қилган жамиятни башариятга ўрнак қилиб кўрсатади, уни шундай яшашга чорлайди. Ҳатто ақлий тараққиётнинг юксак даражасига эришган, низолардан воз кечган мовий сочлилар сайёраси ҳам номаълум ички куйиш сабаб емирилишга юз тутаётган экан масалани ҳал қилишининг оддий ва самарали усули сифатида урушу жанжалларсиз бир кунга – бахтиёр ва обод бир кунга

эга бўлмаган Ер куррасининг тақдири нима бўлади дея изтироб чекади. Ёзувчи қалбини ўртаган шу аламу изтироблар ўқувчига ҳам "юқади" ва у ҳам заминнинг онгли вакили сифатида бу ҳодисалар моҳиятини теранроқ англайди.

Ҳикоя сюжети VI-VII бобларда давом этади. Бу парчаларда Қуёш системасидан ташқаридаги 1-2 ва 2-1 паритет - фазогирлар тақдирини ва ўзга сайёраликларнинг ўзаро ҳамкорлик борасидаги тақлифларини муҳокама қилаётган Марказий кўшма бошқарма вакиллари фаолияти ҳақида сўз боради. IX бобда эса муҳокама хулосалари баён қилинади. Унга кўра замин тақдирига, бутун Қуёш галактикаси тақдирига ўзларини масъул деб билган Қўшмарбош вакиллари 1-2 ва 2-1 паритет-фазогирларининг "Паритет" самовий бекатига ва шу билан Ерга қайтишларини таъқиқлашади. Тўқайтўш сайёрасидаги ғайризаминий тараққиёт билан ҳамкорликдан воз кечилади. Улар билан алоқадор барча кодлар, маълумотлар йўқ қилинади. Инсоният ўзигагина хос худбинлик билан осуда ва тинч ҳаётга эришиш борасидаги самовий имкониятни ҳам йўққа чиқаради. Бу ҳам камлик қилгандай чексиз фазовий кенгликларда ягона ҳамкорликни, тараққиётлар алмашинуви, шу эвазда юксак тамаддунга эришиш ниятидаги олис кўшничиликни тақлиф қилган ўзга сайёраликларнинг беғараз истагига номуносиб бутун Ер шари атрофини қуршаб олувчи "Чамбарак" системаси космосга учирилиши ҳақида фавқулудда қарор қабул қилинади. Романнинг сўнгги XII бобида эса "Чамбарак" транскосмик операцияси амалга оширилгани ҳақида айтилади. Бу бобда Тўқайтўш сайёрасидаги фазогирларнинг сўнгги гаплари ҳам келтирилади. Улар "Чамбарак" операциясини тўхтатиш лозимлиги, Ер куррасини қуролланган ракеталар ҳалқаси билан ўраб олиш инсониятнинг ўзи учун, унинг келажак тамаддуни учун зиён эканлиги, ғайризаминий цивилизация моҳиятини англаш, ундан ибрат олиш замин аҳолиси учун фақат эзгуликка хизмат қилиши ҳақида самовий бекатга хабар юборишар, бироқ кодлари янгиланган бекат радиоканаллари бу хабарларни қабул қилмасди. Бу фантастик ҳикоя ана шундай қайғули яқун топади. Инсоният ўз

худбинлиги ва майдалашган манфаатини кўзлаб олиш фазодан у томон чўзилган дўстона кўллар тафтидан воз кечади. Ҳикояни ўқир экансиз, башар авлодининг қанчалар нотавон, ожиз эканлигини ҳис қиласиз, юксак тараққиёт учун, урушларсиз жамият учун эса ҳали инсон тайёр эмас. Бундай олий саодатга эришмоқ учун одамзот анча ўзгариши, комилликка эришиши, ҳар дақиқа, ҳар сония ўзини Замин тақдирига масъул ва дахлдор ҳис қилиб яшашни ўрганиши керак. Ч.Айтматов бу фантастик ҳикоя орқали айтиши шу ғояни илгари суради. Ҳикоядаги 1-2 ва 2-1 паритет-фазогирлар образида чинакам инсонлар қиёфаси гавдаланади. Улар фақат ўз тақдири билан эмас, балки Ер курраси тақдири билан яшайдиган, заминий курашлари ихтилофлардан қайғуга туша оладиган, шундай тафаккур тарзи сабаб Ердан абадий қувғин қилинган қондан, кўз ёшдан тўйган заминнинг тинч ҳаётга эришиш йўлида коинотдаги сўнгги имкони эдилар. Бу имкон йўқ қилинди, йўқотилди, олиш коинотнинг олиш сарҳадларидаги ўзга бир сайёрада абадий қолдирилди. Демак, ҳали инсоният низоларсиз яшашга тайёр эмас. Урушларсиз янги олам, янги ҳаёт тарзига ҳали муносиб эмас. Бундай олий тамаддунга эришиш учун эса машаққатли покланиш, жирканч ўйу фикрлардан, қабих-хаёллардан, ўзлигидаги шайтондан воз кечмоқ керак. Инсоният бунга қодирми? Заминдаги асрий тузумларнинг ёзилгану ёзилмаган қонун-қоидаларини ўзгартира олармикин? Шунга қодир авлод қачон, қачон улғаяди? Фантастик ҳикоя мазмунидан ана шу каби изтиробли ва айтишда долзарб саволлар пайдо бўлаверади. Гарчи ёзувчи фантастика борасида илк марта қалам юритган бўлса ҳам, ҳикоя юксак маҳоратни намоиш этади. Китобхон воқеаларни "барибир бундай бўлмайди, бу шунчаки фантастика-ку" деб эмас, балки "агар шундай бўлса-чи" деган ўй билан ўқийди. Бу эса ёзувчи ҳадигини, хавотирини ҳис қилишга ёрдам беради. Ҳикоя воқеаларининг бошида ушбу сюжетга Эдигей бир бора киритилган бўлса, ҳодисалар сўнгида ҳам яна Эдигей билан боғланади. "Чамбарак" операциясига старт берилган вақтда Эдигей Бўрон ташвишли хаёллари билан туясию ити ҳамроҳлигида Сариўзак даштида Она Байит

қабристонини қандай асраб қолиш борасида чора излаётган эди. Шу пайт кетма-кет тўққизта ҳарбий ракета-роботлар даҳшатли олов, ваҳимали овоз ичида кўкка парвоз қилади. Дунёни пайхон қилгулик гумбур-гумбурлар ваҳимасидан одам, туя, ит – ҳеч қандай хўжайинлигу итоаткорликни ҳис қилмай, бирваракай ожиз жонзотлар ҳолида қочиб боришаркан, Эдигейнинг ёнида оққуш – афсонавий Дўнанбой қуши пайдо бўлади ва одамга ўхшаб қичқира бошлайди: "Кимнинг ўғлисан? Сенинг исминг нима? Исмингни эсла? Сенинг отанг Дўнанбой, Дўнанбой.." (Ш;9;281) Ёзувчи нега бу ҳикоя сўнгини афсона билан боғлади? Негаки, бутун Ер шари устида чамбараксимон ҳалка ҳосил қилган "Чамбарак" операцияси Ернинг манқуртлашишига сабаб бўлади. Ўша космик операция сабаб ҳар қандай галактикалараро тараққиётдан мосуво бўлган Ер ва ердагилар яна билганларича ҳеч нимага ҳавас қилмай, ўрганмай қобиқда яшашга маҳкум қилинади. Бу эса таназзулнинг бош илдизига айланади. Афсонавий Дўнанбой қуши – Найман онанинг манқурт ўғли қўлидан ҳалок бўлганда оқ рўмолидан яралган ўша оқ қушнинг аламли қичқириғи, ўзликни англашга чорлови бутун замин устидагиларга – инсоният аҳлига қаратилган чорловдир. Агар башарият инсоний ҳаёт тарзига қайтмаса, ўзлигини англамаса, урашлару ихтилофлардан, ҳалокатли тўқнашувлардан онгли тарзда воз кечиб, тинчликни қадрламаса, у ҳолда Ердаги ҳаёт йўқликка маҳкум бўлади. Ҳикоя сюжети асарнинг умумий мазмуни билан боғланиб, ана шундай қатъий фикр, огоҳлантириш билан тугайди.

"Паритет" фантастик ҳикоясида воқеалар асар бош воқеаларидан алоҳида ҳолда баён қилинса ҳам барибир Эдигей образи воситасида асосий сюжетга боғланади. Ҳикоядаги воқеалар қатида заминдаги ҳар бир инсон тақдири турганлиги реал тасаввур учун имкон яратади. Бу ҳикояда заминий тинчлик барқарорлик, осойишта фаровон ҳаёт ғоялари илгари сурилган бўлиб, романнинг умумий манзарасида катта ҳамият касб этади. "Асрга татиғулик кун" романи таркибидан бу фантастик сюжетни чиқариш асар бадииятига ҳам, ғоявай тиниқлигига ҳам, демакки, бадий-ғоявий

яхлитлигига ҳам жиддий путур етказди. Шундан келиб чиқиб бу ҳикояни алоҳида сюжет чизиғига эга бўлган, ғоявий мазмуни билан асарнинг бош ғояси ифодасини максимал кўринишда тасвирлашга ёрдам берган ҳикоя сифатида баҳолай оламиз. Ҳикоядаги фаол образлар – 1-2 ва 2-1 паритет-фазогирлари эса "Асрга татиғулик кун" романи юзасидан таҳлил қилинганда асар умумий ғояси учун хизмат қилувчи ёрдамчи образлар даражасида қолади.

1.3. РОМАНДАГИ ҲАЙВОНОТ ОБРАЗЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Қоранор Бўрон образи. Бетакрор услуб соҳиби Чингиз Айтматов ўз асарларида жамият ва табиатни ажиб бир уйғунликда тасвирлайдики, натижада асардаги ҳар бир гиёҳ, ҳар бир жонзот ёзувчи дунёқарашини, мақсад ва истакларини ифодалашда етакчи хусусият касб этади. Жумладан, "Асрга татигулик кун" романидаги Қоранор Бўрон – Эдигей Бўроннинг салобатли туяси образини эслайлик. Қоранор асарда шунчаки ҳайвон сифатида эмас, балки Эдигейнинг Сариўзакда бошдан кечирганларига гувоҳ бўлган, унга ҳамиша ҳароҳ, ўзига хос характерга эга туя образи сифатида гавдаланади. Эдигейнинг Сариўзак даштларидаги ҳаёти айнан Қоранор билан биргаликда бошланади. Қолаверса, бу туя билан унинг ўртасида нозик бир боғлиқлик бор. Бу ҳақда Эдигей шундай дейди: "Иккаламиз эмикдошимиз, оға-инимиз. Оқбошнинг сутини эмиб, сен қанақа катта бўп кетдинг, мен бўлсам контузия балосидан қутулдим чоғи. Худоё худованда, бир умрга қутулганим рост бўлсин. Фарқимиз шундаки, сен онангни эмдинг, мен бўлсам, онангнинг сутини соғиб, шубат ичдим.." (73 Ш;9;)

Урушда орттирган контузия дарди деб ишга ярамай қолган Эдигейнинг жонига туя сутидан махсус тайёрланадиган ичимлик – шубат оро киради, касалликдан халос бўлади. Бунга сабабчи бўлган олижаноб инсон эса Казангап эди. Чунки у Бўронлига янги келган Эдигейга ўзининг соғин туяларидан бири Оқбошни бўталоғи Қорабош билан бирга тортиқ қилади. Қорабош Оқбошни эмиб Қоранорга айланди, Эдигей эса Оқбош сутини ичиб, Эдигей Бўронга айланди. Уларнинг икковига ҳам куч-қудрат берган, қувватини тиклаган манба бир эди. Шу сабаб Эдигей ўзига Қоранорни оға-инидек яқин тутди, меҳр билан парваришлаб, вояга етказди. Қоранор ҳам ўз навбатида хўжайинининг содиқ ҳамроҳига айланади. Ёзувчи Қоранор тасвирини худди даштдаги туя билимдонлари каби жонли чизади: "Қоранор" деб уни бежиз айтишмайди. Жингалак юнгдор калласи қоп-қора, бўйин остидан тиззасигача ўсиб осилиб турган қалин ва дағал ёллари – бу

нортуянинг асосий беаги ҳисобланади – минора сингари юқорига кўтарилиб турган эгилувчан кўш ўркакларининг чўққиси коп-қора, ва ниҳоят, калтагина думчасининг учи ҳам коп-қора. Қолган ҳамма қисми – устки лаби, тўши, ён томонлари, оёқлари, қорни, аксинча, оқимтир тусда, оч каштан рангда эди. Шунинг учун ҳам Қоранор Бўрон маълум ва машҳур эди. У энди ўттиз ёшларга яқинлаб, қадди қомаги келишган, айнаи кучга тўлиб етилган пайти эди" (30 б). Қоранор Сарийўзак даштидаги энг бақувват ва келишган, чакқон туя бўлганидан унга ҳам эгасига ўхшаб "Бўрон" номи берилади. Бу ном унинг қадди-бастига ҳам, ўжар табиатига ҳам ғоят мос тушар эди. Романда Эдигейнинг Қоранорга жабдуқ уриш тасаври учрайди. Бу ўзига хос этнографик расм-русум лавҳасида Эдигей ўз туясини ғоят кадрлаши ва у билан фахрланиши кўзга ташланади: "... туясига завқ билан қараб қўйди, туяси қурмағур, ўзиям баҳайбат ва келишимли эди (Ш;9;30)... Қоранор Бўронга жабдуқ уриб бўлгач, Эдигей ўрнидан турғазди ва келбатини кўриб мамнун бўлди" (Ш;9;31). Эдигейнинг фахрланса арзигулик туяси бор эди, ахир бу туяни суратга олиш учун, дунёда Бўронли бекат деган жой борлигини билмайдиган фотомухбирлар атайин келишган Сарийўзак даштига. Улар Қоранорга "бактерианнинг, туяларнинг қадимий зотларининг классик намунаси" деб баҳо беришади, унинг суратини туячиликка бағишланган дарслик муқовасида чоп эттиришади. Туясининг мақтов ва эътирофларга сазовор бўлгани Эдигей учун чексиз қувонч бағишлайди. Чунки Эдигей Қоранорга шунчаки оддий хўжайин эмас, балки уни бўталоклигидан ўзгача илиқлик билан парвариш қилиб ўстирган, дардларини айтган ҳамроҳи, ўттиз йиллик қадрдони эди.

Қоранор асарда келтирилган Сарийўзак афсонасига ҳам бир қадар дахлдор. Негаки, Қайғули она – Найман онанинг машҳур туяси Оқмоя унинг аждоди эди. Чунки сарийўзакликлар, хусусан, Казангап оқбош туядан қорабош туя туғилса, у Оқмоянинг наслидан эканлигига қаттиқ ишониларди. Қоранорни ҳам ривоятга афсоналар қатида бардавом келаётган ишонч билан ўша зотдор Оқмоянинг авлоди деб билиларди. Қоранор образининг

афсонадаги туя билан боғлиқ тасвирланишида Сариўзак афсонаси ва роман воқеаларини туташтирувчи риштани кўриш мумкин. Албатта, афсона айнан Қоранор аждодини аниқлаш учун киритилган эмас, у ўз замирида роман бош ғоясига – тинчлик, инсонийлик, ўзликни англаш кабиларга боғлиқ, уларни таъкидловчи мазмун моҳиятни акс эттиради. Адиб ана шу бош мақсаддан чекинмаган ҳолда Қоранорнинг асл зотини ҳам афсона билан боғлаб кетади. Бу эса Қоранорнинг асар воқеалари тасвиридаги аҳамияти ортишига сабаб бўлади. Буни, айниқса, Зарифанинг болаларини олиб бекатдан кетиб қолиш воқеасида кўриш мумкин. Сариўзакка қор тушиб, чилла совуғи бошланиши билан, ахта қилинмаган Қоранорнинг норлиги тутиб, қутура бошлайди. Туясининг даҳшатли бўкириқларига тоқат қилолмаган Эдигей уни қўрадан бўшатиб юборади. Озодликка чиққан Қоранор бутун дашт бўйлаб қутурганча бебошлик қила бошлайди. Ваҳший туяси ҳақида турли жойлардан турли хабарлар эшитиб, хуноби ошаётган Эдигей энг ташвишли хабарни Оқмўйноқ бекатидаги Коспан деган кишининг унга ёзган хати орқали билади. Қоранор у ерда бир нечта нор туяларни майиб қилиб, ваҳшат қўптиргувчи овози билан қишлоқ аҳлига ваҳима солаётган эди. Туясини тушовлаб, қайтариб олиб келиш учун Оқмўйноққа кетган Эдигейнинг йўқлигида Зарифа қишлоқчадан кетиб қолади. Зарифага бўлган пинҳон муҳаббати сабаб қалбида кўчкилар кўчаётган, оила ва ишқ ўртасида ўзи ёққан оловда жони азобланаётган Эдигей учун ҳам, жуфтини деб ўзидан кечиб, жонсарак бўлган, оғир меҳнатдан ҳам тап тортмай ишлаган, садоқатли Уккибола учун ҳам, бир оила саодатига раҳна солмаслик ниятида ўзини тақдир измига ташлаган Зарифа учун ҳам энг тўғри қарор оқилона йўл эди бу. Оқмўйноқдан Қоранорни тушовлаб миниб қайтган Эдигей совуқ хабар эштади. Сариўзакнинг қаҳратон қиши захри ҳам қор қилмаган Эдигейни Зарифанинг кетиб қолгани ҳақидаги хабарнинг жон олгувчи совуғи музлатиб қўяди. Ҳаётнинг аччиқ зарбаларини тотганда ҳам кўзига ёш олмаган инсон кўнгилнинг оғриқли савдоси деб ҳасратга тўлиб йиғлайди. Бу воқеанинг содир бўлишида ёлғиз Қоранорда катта айбни кўради, ахир, у мана шу туяни деб бекатдан

кетмаганда эди Зарифа ҳам бу ерлардан оёқ узолмасди, бунга Эдигей ўла қолса йўл қўймас эди. Шу сабаб у туясини жазолашга, бор аламини шу забонсиз жонзотдан олишга аҳд қилади: ".. Сўнг қамчинини икки қўллаб ушлаб олгунча Қоранорни савалашга тушди. Ўзи ҳам туядан беш баттар бақириб, сўкиниб саваларди:

- Мана, сенга! Мана! Ҳаром ўлгур! Ҳайвон! Буларнинг бари сенинг касофатингдан! Ҳа, ҳаммасига сен сабабчисан. Энди сени ўз эркингга қўйиб юбораман, бошинг оққан ёққа кетаверасан, лекин аввал сени мулла қилиб қўяман! Мана сенга, очофат! Бари сенга озлик қилади! Овлоқ жойларга илиқиб югуришинг шартмиди? У эса болаларини олиб кетиб бўлди! Не кунларга қолганим билан ҳеч бирингизнинг ишингиз йўқ! Энди мен қандай яшайман? Қандай яшайман? Сизларга бари бир бўлса, менга ҳам бари бир! Мана сенга, ит!" (III;9;223)

Қоранор шу ўринда Эдигейнинг, дунёларга сиғмай бораётган ҳасратли ошиқнинг урилиб, саваланиб, аламларини енгиллатишга, ҳовурини босишга ёрдам беради, гарчи буни ўзи ҳис қилмаса ҳам. Умуман, Қоранор – Эдигей Бўронга ўттиз йилдан буён хизмат қилиб келаётган туя образи – Эдигейнинг ўттиз йиллик тақдиридаги воқеаларга, кечган кечмиш лавҳаларига боғлиқ ҳолда тасвирланади. Асар воқеаларининг интиҳоси, Казангапни дафн қилиш маросимида ҳам Эдигей Қоранори билан бирга эди. Бу инсон руҳи олдидаги масъулиятни туяси ҳам билиши (!) учун уни обдон сидқидилдан жабдуқлаб, йўлга – қабристон сафарига ҳозирлайди. Ахир, Қоранорнинг биринчи хўжайини шу Казангап эди. Эдигей Қоранорни авайлаб, меҳр билан катта қилгани учун ўз олдида туясини қанчалар бурчли деб билса, Казангап учун ҳам шунчалар бурчли деб ўйлар эди ("бурч" сўзи эҳтимол ғализ туюлаётгандир, аммо тан олиш керакки, инсондан ташқари барча жонзотлар ўз бурчларини имкон қадар тўқис, оғишмай бажаришади). Шу сабаб Казангапни сўнгги манзилга кузатиш йўлида Эдигейнинг Қоранордан бошқа туяда ёки бошқа бир уловда бўлиши мумкин эмас эди. У бир маромда қадам ташлаётган Қоранор устида йўл бўйи ўтган умрини, кечмишда қолган яхши

ёмон кунларини эслайди. Бу хотираларини изтиробу қувончларига гувоҳ бўлган Қоранори билангина бўлиша оларди. Демак, Қоранор образи Эдигейнинг бевосита тақдирига дахлдор образ. Айтматов ушбу романида Қоранор туя образини "Қиёмат" даги Акбара, Тошчайнар "Оқ кема"даги Шохдор она буғу образлари каби ички руҳият таҳлилига тортмайди. Воқеалар мобайнида Қоранор иштироки тавсирланса ҳам, бу воқеаларнинг Қоранорга таъсири, рухий таъсири ифодаланмайди. Ходисалар орқали Қоранорга хос ўжарлик мағрурлик, содиқлик характерлари кўзга ташланади.

Қоранор образи борасида юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, ғурурли, эгасига содиқ, куч-қувватда илдамликда тенги йўқ, етарлича қайсар ва хўжайинига чорак асрдан кўпроқ вақт хамроҳлик қилиб, оғирини енгил этган, айни чоғда унинг ҳеч кимсага айтмаган туйғуларига гувоҳ бўлган туя образи дейиш мумкин. Гарчи асарда тасвирланган бошқа ҳайвон образларига қараганда Қоранор воқеалар ривожига фаол иштирок қилган бўлса ҳам, у борадаги сўнгги хулосани Эдигей ҳаётида худди яқин инсонлари каби муҳим ўрин тутувчи ёрдамчи адабий персонаж деб беришни маъқул топдик.

Тулки образи. "Асрга татиғулик кун" романининг илк тасвирларидаёқ кўзга ташланадиган жонзот бу тулкидир: "Қақраб кетган жарликлару суви қуриган сойликларда ризқ илинжида хўрак излаб чиққан тулкининг жонига тўзим берсин". Ёзувчи нима сабаб романнинг ибтидо эпизодини тулки иштирокида тасвирлади экан? Бизнингча, инсоният фан ва техника оламидаги қўлга киритаётган мислсиз ютуқларининг табиатга, жонзотларга қандай таъсир қилишини кўрсатиб бериш учун хизмат қилган бу лавҳа. Оч қорнини тўқлаш ниятида емиш излаб дашт кезаётган тулки санғий-санғий темир йўлга яқинлашиб қолади. Тулки, бу ерга фақат иложсиз қолган, ови юришмай, тинкаси қуриган пайтлардагина келарди. Чунки тулки даҳшатли темир махлуқ оламини бузғулик овоз билан тарақлаб ўтиб кетгандан сўнг ейишга арзирли бир нималар пайдо бўлишини яхши биларди. Бу сафар ҳам шу илинжда келган эди. Аммо у кутган емишини топилмади. Ердаги чиқиндиларни ҳидлаб, озиқ излаётган тулки оғзи очик юмалаб ётган

шишаларга дуч келади, улардан бадбўй ҳид келарди: ".. Тулкининг икки марта боши айланиб, кўзи тингач, спиртли ҳавони ҳидлашдан воз кечди. Шунақа ҳидни сезгунча дарҳол бурун қоқиб, сакраганча ўзини четга оладиган бўлди" (III;9;11). Ёзувчи табиий кўрсата олган бу кичкинагина лавҳада инсонлар бемалол ичиб, завқ оладиган, мастлик бағишлаган қувват, жасорат ва жоҳиллик билан турли жинояту хиёнатлар содир қиладиган шу бадбўй ичимликдан, хаттоки, онг қудратию забон неъматидан маҳрум бўлган ҳайвон – тулки ҳам жирканишини жонли бир йўсинда тасвирлайди. Хўрак қидириб санғиётган тулкининг кейинги бир ҳолати инсоний тараққиёт ва ҳайвонот олами учрашуви билан боғлиқ. Тулки емиш топиш илинжи билан гулдираб келаётган хавфни сезса ҳам темир йўлдан нари кетмайди. Ва шу пайт ўзини ҳамиша кўрқувга солган даҳшат билан юзлашади: "Тулки шитоб билан ўзини четга отди, у даҳшатли кўрқувдан ер бағирлаб қочар экан, ахён-ахёнда орқасига қараб қўяр эди. Шокосадай кўзларидан ўт балқитиб келаётган ҳалиги махлуқ эса узоқ ватқтгача гумбурлаб, ғилдиракларини тарақлатиб ўтиб турди" (III;9;12). Инсониятнинг эзгу кашфиётларидан бири бўлган, узоғини яқин қилган поезд ҳайвонотга шунчалар даҳшат солади, унинг тинчини бузади, йўлларини манзилу маконларини тортиб олади. Яхшилик ниятида юзага келган поезд-ку ҳайвонлар ичра, уларнинг осуда ҳаётлари узра шунча ваҳима қўптираётган экан, ёвуз ниятлар, ёмон мақсадлар йўлида ясалган, ясалаётган кашфиёт намуналари – қуроллар, турли техникалар ҳақида гапиришга ҳам ҳожат қолмайди. Инсон зоти ўз истаклари йўлида ҳеч нимани аямайди, бу эса табиатнинг озор чекишига сабаб бўлмоқда. Тулки образи орқали адиб ана шу ўй-фикрларини китобхон билан ўртоқлашади. Шу ўринда Чингиз Айтматовнинг истеъдодли шоир Мухтор Шохонов билан суҳбати чоғида айтиб берган қуйидаги воқеани келтиришни лозим топдик:

“Брюссель — Люксембург — Триер — Ковпец — Франкфурт йўналиши бўйича ўтадиган тезюарар автойўл ёқасига бордик. Бу йўлдан кечасию кундузи ҳар томонга олти қатордан тизилишиб олган турли туман

автомобиллар ўқдай учиб ўтадилар. Йўлнинг ҳар икки ёқасига юзлаб чақирим масофаларга мустаҳкам темир тўсиқлар тортилган. Тасмадек бетон йўл тоғларни, далаларни, ўрмонларни, кўлларни кесиб ўтади. Йўлнинг икки томонида қолган ҳайвонлар бир-бирлари билан учрашиш имкониятидан маҳрум бўлганлар. Табиатнинг яхлитлик қонуни бузилган. Мана шу муаммони ҳал этиш учун одамлар нималарни ўйлаб топганлар? Йўлнинг ҳар ўн чақиримига биттадан махсус кўприк қурилган: бундан кийиклар, қобонлар, қуёнлар, чаёнлар, илонлар ўтади. Бизнинг мамлакатимизда эса, ҳайвонларни-ку қўя турайлик, ҳатто одамлар ўтиши учун чиройли осма кўприклар қуриш — ушалмайдиган орзу. Киночилар билан бирга ўшандай ғаройиб кўприклардан бирининг ёнига борганимиздан сўнг:

— Худбинлик устидан инсонийлик ғолиб келган ёрқин мисол ана шу, — дедим. — Табиатни шундай эъзозлаш керак” (III;11;139).

Ёзувчи тулки образини асар бош қаҳрамони Эдигей билан дўсти Казангапнинг вафоти сабаб қайғуланган бир дамда учраштиради. Бекатни бошқа назоратчига топшириб, тезроқ уйга шошилаётган Эдигей бирдан яқингинасидаги телеграф устуни тагида ўзига маънос термулиб турган тулкини кўриб қолади. Бақириб кўрқитганидан ҳам ҳайикмай турган бу тулки унга ғалати туюлади. Тош отмоқчи бўладию, фикридан қайтади. Бир пайтлар Собитжон ҳикоя қилиб берган одам ўлгандан сўнг руҳи бирор жонивор танига кўчиб ўтишига эътиқод қилувчи ҳиндистонликлар ҳақидаги гап эсига тушади: "Эҳтимол, Казангап ўлганидан сўнг кимсасиз, хувиллаган кулбасида ёлғиз қолгани зерикиб, тулкига айланган ва қадрдон дўсти Эдигейни кўргани келгандир?.." (III;9;22) Бу ўринда ана шу эътиқоднинг мўъжиза учун эмас, балки ҳайвонларни, жонзотларни авайлаш учун хизмат қилганини кўриш мумкин. Чунки Эдигей ҳам шундай хаёл қилгани учун тулкини урмади, ўлдирмади, унга йўл кўрсатиб қўйди: ".. фақат анови ёққа, йўлай кўрма, у ёқда итлар бор. Худонинг махлуғи, далага жўна" (III;9;22).

Асарда бор-йўғи икки мартаба тасвирланган тулки образи орқали ёзувчи табиатни, унда яшовчи ҳар бир тирик вужудни асраш, авайлаш

инсоннинг энг олий бурчи эканини таъкидлайди. Шу сабабга кўра ҳам бу образни адабий персонаж деб аташ мумкин.

Калхат образи. Асарнинг хотима лавҳаларида тасвирланган калхат образида айти шу қушга хос бўлган мағрурлик, синчковлик, ҳукмронлик жиҳатлари уйғунлашган. У Малақумдичоп жарлигини макон қилган, шу сабаб бу атроф-теваракнинг якка ҳокимидек ҳис қиларди ўзини. Бироқ юксак парвоз соҳиби бўлган шу жонзот ҳам инсон қилмишлари олдида ожиз. Унга қарашли чўл ҳудудининг анча қисми симтўсиқлар билан тўсиб қўйилади. Тиканли симлар азобидан беҳабар қуш ов иштиёқида тўсиқларга тасодифан уриладию, яхшигина жароҳат олади. Шундан сўнг бу ерга яқин йўлолмайди. Симтўсиқлар ҳатто осмондаги қуш ҳаётига ҳам таъсир кўрсатган эди. Бу тиканли ғов ҳайвонлар учун ҳам, инсон учун (Эдигей!) ҳам даҳшатли тўсиқ эди. У жонзотларни ўз маконидан, инларидан айирган бўлса, инсонни ўтмишдан, мозий қатидаги ҳақиқатлардан юз ўгиришга, воз кечишга мажбурлаётган эди. Тўсиқ олдида ожиз турган Эдигей осмонга қараб, оққуйруқ калхатни кўради ва орзу қилади: "..Эҳ, қани калхатга айланиб қолсам, ким йўлимни тўса оларди, бемалол учиб бориб Она Байит мақбарасига қўнардим!.." (Ш;9;262) Эдигей учун калхат имконият рамзи, қудрату шижоат рамзидир. Шу учун калхатга айланишни истайди. Бу истак Қазапган қабри устида Яратганга қилган таваллосида ҳам акс этади: "Одам ўлгандан сўнг руҳи нимагадир айланиши рост бўлса, унда мен чумолига эмас, балки оққуйруқ калхатга айлана қолайин. Негаки, ҳув осмондаги калхатдек Сариўзак узра қанот қоқиб парвоз қилиб, юксаклардан қадрдон заминимизга суқланиб қарайин" (Ш;9;274). Қуруқ сайҳонликлардан иборат Сариўзакни ватан тутиб, умрини ўтказган Эдигей учун бу даштнинг ҳар бир қаричи қадрдон эди. Шу сабаб ҳам руҳи қушга айланиб, муқаддас замини узра парвоз қилишини истайди. Бу ўринда калхат образи орқали Эдигей Бўрон шахсиятидаги юксак ватанпарварлик туйғуси очиб берилади.

Калхат билан боғлиқ лавҳаларда Сариўзак самоси ҳукмдорининг олти кишидан иборат, трактор, экскаватор ва туя ҳамроҳлигидаги ғалати тўдани

тинмай-эринмай кузатиши, уларни зийрак нигоҳ билан таъқиб қилиши тасвирланади. Оққуйруқ калхатни симтўсиққача бориб сўнг орқага қайтишган, сўнг эса Малақумдичоп жарлиги атрофидаги тепаликлардан бирида куймаланаётган одамлардан ҳам кўпроқ улар орасида ўралашиб юрган пахмоқ малла ит қизиқтиради: "Итни бу одамларга нима боғлаб турган экан? Нега у ўзича овини қилиб юравермасдан, ўз иши билан банд бу одамлар ортидан думини ликиллатиб чопгани-чопган? Бундай яшашнинг унга нимаси яхшийкин? " (Ш;9;268)

II БОБ. “ҚИЁМАТ” – ТАБИАТ ВА ЖАМИЯТНИНГ ОЛТИН МУВОЗАНАТИ.

2.1. “ҚИЁМАТ”ДАГИ ИНСОН ОБРАЗЛАРИ ВА БОШ ҚАХРАМОН.

Табиат ва жамият. Олам ва одам . Аслида бир бутунликдан иборат, танҳо бир қудрат маҳсули бўлган борлиқни шу тартиб иккига ажратган куч бу Инсондир. Шу табиатнинг ажралмас бўлаги, шу оламнинг кичик бир зарраси бўла туриб, табиат ичра ўз жамиятини, олам аро ўз оламини яратди. Шу билан кифояланмади Ҳазрати Инсон: борлиқ қонунлари устидан ҳукмронлик қилувчи башарият қонунларини кашф қилмоққа тутинди. Баайни шу нуқтада оламнинг олтин мезонлари бузила бошлади. Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносибликка путур етди. Уйғунлик бузилган жойда эса адоқсиз фожиалар рўй беради.

Мураккаб бадиий тафаккур соҳиби Чингиз Айтматовнинг "Қиёмат" романида худди шу фожиалар асл ҳолича тасвирланган. Асар ифода марказида ўткир умумбашарий ғоялар - инсонийлик, ватанпарварлик, эътиқодда собитлик, меҳр-шафқат қабилар ҳаракат қилади. Асарнинг дунёвий қиймати ҳам аслида шудир.

Негаки, асардаги қаҳрамонлар айна бир миллат доирасидан умумий инсоният доирасига олиб чиқилган. Шу сабаб "Қиёмат" ни қайси халқ ,қайси миллат ўқимасин, унда ўзини, ўз фожиаларини кўргандай бўлаверади. "Қиёмат" романининг бош ғояси мантиғида тараққий қилаётган жамиятизнинг фожиаларини, уларнинг илдизларини кўрсатиб бериш ва шу билан инсониятни хабардор қилиш, огоҳликка чорлаш ётибди. Адиб инсоният ўз қўли билан ўзини ҳалокат сари етаклаётгани, инсоний қиёфанинг йўқолаётгани, энг ачинарлиси, бу барчамизнинг шундоқ кўз ўнгимизда, иштирокимизда бўлаётган эса-да, қаршилик кўрсатмоққа куч топилмаётганидан изтиробга тушади. Ч. Айтматов файласуф ёзувчи сифатида оламдаги ҳар қандай фожиа замирида табиат ва жамиятдаги азалий муносибликнинг дарз кетиши бош сабаб бўлиб турганлигини ёки, бошқача айтганда, ҳар қандай ғайримутаносиблик фожиага сабаб бўлишини бор бўй-баста билан тасвирлайди. Бу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, асарга танланган ном ундаги бош ғоянинг илк ифодасидир. Асар сарлавҳасига кўзи

тушган ҳар қандай инсонда бу асар фожиали қисматлар ҳақида эканлиги борасида тасаввур уйғонади. Қиёмат - Ч.Айтматов нега илоҳий мазмун касб этувчи бу сўзни сарлавҳа мавқеига кўтарди? Аввало, “қиёмат” сўзининг “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да изоҳланган маъносига диққатни қаратсак:

“Қиёмат – арабча сўз бўлиб, диний эътиқодларга кўра гўё бу дунё тугагач, у дунёда ҳамма тирилиб, сўроққа тўпланадиган кун, охират, маҳшар. Кўчма маънода : кий-чув, тўполоң, ур-йикит”. (569 б)

Демак, бу сўз барча башар авлоди қилган қилмишлари учун олий қудрат олдида жавоб берадиган кун, маъносини ифодалайди. Бундан кўриниб турибдики, фақат шу сўзгина роман воқеалари тасвирига, қаҳрамонлар қисматига мосдир. Аввало, таъкидлаш жоизки, асарнинг асл русча матнида сарлавҳа бутунлай бошқа сўз билан ифодаланган: “Плаха”. Бу сўз русчадан таржима қилинганда, “мақтал, кунда (қадимда ўлимга ҳукм этилганлар боши чопиладиган ёғоч кунда)” деган маънони англатади. Асарнинг ўзбек мутаржими Иброҳим Ғафуров эса сарлавҳа учун тўғридан-тўғри, сўзма-сўз таржима берувчи “Кунда” сўзи ёки “Қатл кундаси” бирикмасини эмас, балки мутлақо бошқа “Қиёмат” сўзини танлайди. Негаки, фақат шу сўздагина асарнинг бутун матнида аксланувчи садони сезиш мумкин. Шу сабаб китобхон асар номини ўқибоқ сергак тортади ва романни бошдан охир қиёматни англаш ҳушёрлиги билан ўқийди. Бу эса асар бош ғоясининг ўқувчи томонидан тезроқ идрок қилинишига туртки беради. Бу борада асарнинг ўзбек тилидаги жарангини сайқаллаган таржимон И.Ғафуровнинг сўз танлаш борасидаги инжиқ табиатига таҳсин айтмоқ жоиз. "Қиёмат"да тасвирланган фожиалар, ҳалокатлар бу дунёдаги - тириклар оламидаги қиёмат кўринишлари, лавҳаларидир. Асардаги Исо Масиҳ образи тилида бу ғоя қуйидагича ифода топади: "Яхшиликка қарши, одам табиатига қарши олам яратилгандан буён Ер юзида рўй берган барча даҳшатли гуноҳи азимлар нима, буларнинг қаери Қиёмат кун сўроғидан кам?" (Ш;9;413) Инсоният нега у дунёдаги қиёмат кунидан кўрқа туриб, ўз оламида қиёматлар қилади? Ўзи сабаб кўпаётган қиёматларнинг олдини олиш, тўхтатиш, жилла курса,

бунинг Ер юзидаги қиёмат эканини тушунмоққа ожизлик қилаётган Бани башар ягона Илоҳнинг қудратли қиёматини тасаввур қилмоғи маҳол эмасми? Нега фақат инсонгагина бахшида этилган онг қудрати илоҳий қиёмат учун аслида заминий қиёмат сабаб бўлишини тушунмайди? Асар бошидан то сўнг, нуктасига қадар китобхон тафаккурини ана шундай саволлар тинч қўймайди, жавоб талаб қилаверади. Санокли ўриндагина тилга олинган “қиёмат” сўзининг қудратли оҳанги асар бошдан охирига қадар ҳар саҳифа, ҳар мисра қатида жаранглайверади. Чунки бу роман тақдирида қиёматлар қўпганлар ҳақида. Афсуски, бу қиёматга Халлоқнинг нодир хилқати – инсон қилмишлари сабабдир. Асарда борлиқ фожиалари сабаблари сифатида одамзот талқин қилинади ва бу сабабкорлик инсониятнинг асл фожиаси эканлиги очиб берилади.

"Қиёмат" асаридаги алоҳидалик хусусияти кишилик жамиятининг 2000 йиллик тарихига дахлдорлигидадир. Романдаги воқеаларнинг реал майдони XX аср охирларига тўғри келади. Ёзувчи асарнинг бир ўрнида бунга айнан ишора қилган: "Ушбу ҳодисот рўй бергандан буён 1950 йил ўтганига қарамай, сира буни ақлига сиғдиролмас.." (III;9;423) Агар "ушбу ҳодисот" деганда Иисус Христоснинг хочга тортилиш воқеаси назарда тутилаётгани ва бунда пайғамбарнинг 33 ёшда бўлганини, бугунги тақвим асоси Иисус Христос – Исо Масихнинг таваллуд йили эканини инобатга олсак, $33 + 1950 = 1983$ йил келиб чиқади. Демак, асарнинг бош воқеалари айни шу йил атрофларида юз беради. Аммо ёзувчи қисмат фожиалари сирини анча олис даврлардан – Исо Масих яшаган йиллар сабоғидан қидиради. Бошқа бир ўринда совет ҳокимиятига қарши курашган Гурам Жўҳадзе тақдирини тафтиш қилади. Бироқ китобхон макон ва замон узра қоқилмасдан, сурунмасдан, ортиқча ҳайратга тушмасдан тафаккур қилаверади. Тарих воқеалари оқимининг кириб келиши унга халал бермайди, балки асар моҳиятини, ёзувчи дилсўзини янада теранроқ англайди.

"Қиёмат" романидаги воқеалар табиатдан – жамиятга, жамиятдан – табиатга йўналишида ривожланади. Бу эса бу икки тушунчанинг аслида бир

бутун эканлиги, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмаслигига урғу беради. "Қиёмат" романини ёзишда ҳам адиб ўз услубига содиқ қолади. Хилма-хил макон ва замонда бир-биридан айро бўлган турфа тақдирлардан ранго-ранг сюжет иплари тузади. Ва бу иплардан шу қадар уста моҳирлик билан тенгсиз шакл – яхлитлик ҳосил қиладики, ўқувчи рангли манзара жозибасидан ҳайратга тушади. "Қиёмат"даги Акбара, Тошчайнар, Авдий Каллистратов, Исо Масих, Бўстон Ўркунчиев, Гурам Жўхадзе билан боғлиқ сюжет, воқеа - ҳодисалар аслида алоҳида бир асарга татигуликдир. Уларни бир роман доирасида уйғунлаштира олиш эса Айтматов даҳосининг ўзигагини хослигидан далолатдир. Турфа тақдирлар тасвирига бағишланган "Қиёмат" романида ёзувчи Ч.Айтматовнинг олам ва одам ҳақидаги фалсафий қарашлари зоҳир этган. Хусусан, асардаги инсоний образлар ва уларнинг турли характерлари ифодасида айти шу қарашларни илғаш мумкин. Романда Авдий Каллистратов, Инга Фёдоровна, Ота Дмитрий, Исо Масих, Понтий Пилат, Гурам Жўхадзе, Сандро, Обер Кандалов, Гришан, Ленъка, Петр, Виктор Никифорович каби инсон образлари ҳаракатланади. Аммо уларнинг ҳар бири ўзига хос характер билан асарда қандайдир ўрин тутаяди. Уларнинг асардаги мавқеини аниқлаш ва бош қаҳрамон муаммоси ечимини топиш учун бевосита таҳлилга юзланамиз.

Авдий Каллистратов образи. Муаллиф "Қиёмат" романидаги воқеалар томонидан III қисмга ажратилган. Дастлабки II қисм доирасида энг фаол ҳаракат қилувчи образ бу Авдий Каллистратовдир.

Авдий образи билан китобхон биринчи марта асарнинг I қисм учинчи бобида учрашади. Авдий билан боғлиқ воқеалар "охирдан бошга" типиди, яъни ҳаётининг сўнгги лаҳзаларини кечирган ҳолда умр хотираларини ёдлаш шаклида ифодаланган. Хотира усулидан фойдаланиб сюжет яратиш Ч.Айтматовнинг ижодий ўзига хослигидир. Зотан, бу ўқувчини воқеа охири нима билан тугагини кутишга эмас, балки нега шундай яқун топгани учун сабаб қидиришга ўргатади. Шунчаки маъқулловчи эмас, мулоҳазакор бўлишга даъват этади. Авдий Каллистратов образида ҳам ёзувчи шу тасвир

йўлидан боради. Бу образ китобхонга кўп асарлардаги қахрамонлар каби келишган, пўрим, салобатли қиёфада эмас, балки хўрланган, таҳқирланган қўл-оёқлари худди “асир олингандай боғлаб қўйилган бир одам” (III;9;308) қиёфасида таништирилади. Шундан кейин (аслида вақтга нисбатан олдин) юз берадиган воқеалар эса шу таҳқирнинг сабабини кўрсатмоққа хизмат қилади. Авдий Каллистратов – оташин художўй, черков дьякони Иннокентий Каллистратовнинг ўғли. Отасининг такводорлиги, черковга бўлган чексиз ҳурмати, албатта, ёш Авдий тарбиясига ҳам таъсир қилади. Отаси ҳатто унинг исмини ҳам муқаддас китоб Инжилдан (3-Мулк битигидан) олиб қўйган. Художўй падари вафот этгач, у диний семинарияга ўқишга киради. Черков таҳсили ёш Авдий дунёқарашида ўзга бир олам, янги бир саҳифа очади. Фақат бу саҳифада черков анъаналарига садоқат ғояси эмас, балки янгича тафаккур тарзи аксланади. Авдий Каллистратов янги дин ва жамиятнинг ўзгармас қонун - қоидаларига қарши янги ақида яратади: “Инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида ва унга боғлиқ ҳолда Худо категориясининг вақтга кўра ривожланиши”. Авдий бу ғояси билан “нега энди жамиятнинг ҳар бир жабҳаси, илмнинг ҳар соҳаси ривожланиш йўлида ва уларнинг тараққий қилишга ҳеч ким тўсқинлик қилмайди, билъақс, бу тараққиёт тарихий зарурият деб баҳоланадию, диний таълимот борасидаги ҳар қандай янги фикр қатағонга маҳкум бўлиши керак” деган саволга жавоб қидиради. Дин инсоният учун керак экан, унда не сабабдан инсоният тараққиётидан ортда қолиши, ҳеч ўзгармаслиги керак? Шу сабабдан Авдий ўз хулосасини ясайди: "...Ер юзининг одамларида фикр билишдан яна билишга томон ўсиб боради. Бундан бир хулоса келиб чиқади: Худо ҳам ўсиши керак" (348 III;9;). У Худо ҳақидаги ўзгармас ақидалар тош қотган фикрларнинг ҳаракатга келишини, бугунги кунга мослашиши ва Худо Замондош, яъни биз билган эмас, бугунимиз билан мос Худо таълимотини яратишни, буни диндаги инқилоб эмас, диний дунёқарашдаги тараққиёт деб билишларини истади. Табиат ҳақида бир марталик ҳақиқат йўқ экан, ҳақиқатлар асрлар ана тўлдирилиб, камолотга етказилиб борилаётган экан,

шу табиатнинг яратувчиси борасида қандай қилиб бир мартада тўла ҳақиқатни айтиб бўлади? Авдий фикрича, "Ҳақиқатни бир марта ва бирваракай билиб етган таълимотнинг, ҳатто илоҳий таълимотнинг бўлиши мумкин эмас. Мабодо шундай бўлиб қолса у ўлик таълимотдир" (III;9;352). Авдийнинг тафаккурида сайқал топган ғоя моҳияти шу эди. У ўз ғоясининг чинлигига ишонади, вақти келиб уни бутун башарият қўллаб-қувватлашларига ҳам имони комил. Зеро, даҳоларни даҳо қилган куч бу уларнинг ғояси эмас, балки ўз эътиқодига бўлган собит ишончдир. Авдий айтиши шу ишонч сабаб кун келиб инсоният ўзига "Нега Худони англашни чегаралаб қўйганмиз? Нега биз бугунги лаҳзамиз билан уни англамаслигимиз керак?" деган саволлар бера бошлайди. Ана ўшанда Авдий Каллистратов ғояси куфроният эмас, ҳақиқат эканлигини ҳамма тушунади. У ўша кун келишини кутади. Ҳатто Координатор ота Дмитрий ҳам уни бу йўлдан, бу эътиқоддан қайтара олмади, натижада ундан черков юз ўғирди, семинариядан ҳайдалди. Авдий Каллистратовнинг диний онг таракқиёти билан боғлиқ ғояси икки томонлама хужумга учради: черковнинг қатъий, ҳар қандай янгиликка қарши ақидалари ва мутлақо диннинг ўзига қарши илм – атеизм. Унинг ғояси дин борасида ҳам, илм борасида ҳам ҳалокатга учраши муқаррар эди. Аммо эътиқод, эътиқод. "Агар бизнинг замонамизда инквизиция бўлганда ва мабодо, эртага бидъат учун ўтда ёнишга тўғри келганда, мен барибир ўз сўзимдан қайтмас эдим" (III;9;346). Ана Авдий эътиқодининг кучи! Умуман олганда, Айтматов қаҳрамонларидаги китобхонни ҳайратга солувчи умумий бир жиҳатни, ўхшашликни кўриш мумкин. Бу ўз эътиқодига сўнг нафасгача содиқлик ғояси "Асрга татиғулик кун" даги Эдигей, Абутолий Қуттибоев, "Тоғлар қулаётган замон"даги Арсен Саманчин, "Оқ кема"даги бола образларида ҳам аксланади. Эҳтимол, ёзувчи шахсиятида мавжуддир бу садоқат. Шу сабаб асарларида табиий ифодалангандир эътиқоднинг кучи. Нима бўлганда ҳам бу кучда инсоннинг инсоний қиёфаси акс топади, ҳаттоки бу унинг фожиасига сабаб бўлса ҳам. Авдий Каллистратов дунёвий ҳаётга қадам қўйгандан сўнг ҳам ҳаёти

давомида қила оладиган ягона улуғ иш – инсониятга "ҳақиқат ва яхшилик сўзини ўзи билган , англаган даражада етказиш" (III;9;357) деб билар эди. Шу сабаб у газетага мухбир сифатида ишга киради. Ва ёшлар ўртасида гиёҳвандлик қандай усул, қай восита ёрдамида тарқалаётганлигини ўрганиш ва изоҳлаб беришни ният қилади. Аммо у инсониятнинг ўз-ўзини емириб, адо қилишига сабаб бўлувчи бу офатни шунчаки юзаки ўрганишни истамайди. Авдий айти шу офатга чалинганлар, уни бутун дунё бўйлаб тарқатаётганлар ичида турибгина, улар орасида худди улар каби бўлибгина, масаланинг барча қирраларини кўриш, кузатиш мумкин деб билади. Ва шу қарорини амалга оширади: бир тўда наша йиғувчилар – чопарлар гуруҳига қўшилиб, Ўрта Осиё Қозоғистоннинг Мўйинқум саҳросига – наша маконига сафар қилади. У гуруҳдаги Петр, Лъёнка каби чопарларга жиноятчи сифатида эмас, инсон – бири йигирмага энди кирган, иккинчиси ўн олтидаги ёш йигитлар сифатида қарайди ва уларнинг аччиқ қисматидан, ўз қўли билан абгор бўлаётган ҳаётдан қайғуради. Ахир, улар ўз қобилиятларини эзгулик йўлига сарф қилсалар, дунё сал тоза нафас олармиди, гиёҳвандлик офатидан озроқ кимсалар жабр тортармиди, деб ўйлайди. Ёзувчи гарчи бу ўринда тарбия борасида гапирмаса ҳам, аммо зукко китобхон бу балойи азим остида тарбия турганлигини сезади. Негаки, оиладаги тарбия шахсни шахс сифатида камолга етазувчи руҳий жисмоний воситадир. Петр ва Лъёнка. Улар-чи? Бу йўлга киргани учун айб ёлғиз улардамикин? Йўқ, уларнинг ҳар иккаласида аввало, баҳамжиҳат оила, демакки, тарбия йўқ. Инсоншунос адиб ҳодиса моҳиятини ғоят аниқ кўрсатиб берадики, биз Петруха ва Лъёнкани ҳатто айблай олмай қоламиз, уларга ачинамиз. Худди Авдий Каллистратов сингари. Китобхон Авдий Каллистратовни англай бошлайди, у билан бирга изтиробга туша бошлайди. Авдий Каллистратовга бир нарса далда бўлади, нажот йўли топилгандай кўринади: бу болаларга сўз билан таъсир қилиш мумкин. Мўйинқумга етиб келган Авдий илк бор нашани кўради: жаҳолат ва залолат оғуси оддий бир ўсимлик каби чексиз далаларда гуллаб ётибди. Инсонга ажал уруғини сочувчи бу ўт ғоят қизиқки, инсон қўли билан йиғиб

олиарди. У нашани йиғишда ҳам худди чопарлар каби тутуди ўзини. Наша йиғиш тугагач, минглаб ақча ишлаганидан хурсанд болалар ортга қайтишди. Айни шу сафарда эътиқод ва ҳодисот ўртасидаги кураш бўлиб ўтади. Авдий поездда чопар болалар – қилмишини жиноят деб тан олмайдиган жиноятчиларни бу йўлдан – ўзини ва ўзига ўхшаш инсонларни оғулаш фикридан қайтармоқчи бўлади. Уларни тавба қилишга, покланишга чорлайди. Оқибат.. оқибат эса уни эзгуликка қилган даъвати учун ўласи қилиб уриб, тепкилаб, яримжон ҳолда вагондан итқитиб юборишади. Авдий улар учун, атайин улар учун келган нажот, қутулға эди. Аммо бу нажотни улар оёқлари остида эзгилаб, сўнг чирпирак қилишди. Ҳа, энди улар учун Нажот йўқ эди. Китобхонда шу ўринда турли оғриқли саволлар туғилиши табиий: нега эзгулик йўлини танлаган Авдий бунча кўп азоб чекапти? Инсоннинг ҳаёти, бахти учун курашаётган бу ёш мухбир нега ўша инсонларнинг ўзи томонидан аёвсиз жазоланди, қувғин қилинди? Айби нима унинг? Моҳир, руҳшунос ёзувчи Ч.Айтматов асари ўзида бу саволларга жавоб берган: "Дунё ўз фарзандларини уларнинг энг покиза ғоялари ва руҳий интилишлари учун ҳаммадан кўпроқ жазолайди" (Ш;9;345). Тескари дунёнинг телба ҳақиқати бу. Авдий Каллистратов эътиқоди юз тутган биринчи фожиа шу эди. Кейинги иккинчи фожиа эса бундан-да даҳшатли кўриниш касб этди.

Тақдир ҳукми ила омон қолган Авдий Каллистратов Москвага қайтиб келади. Не-не машаққатлар натижаси ўлароқ қоғоз юзини кўрган Мўйинкум воқеалари ҳақидаги очеркларни газетага топширади. Дастлаб кучоқ очиб кутиб олинган туркум мақолалар орадан ой ўтса ҳамки нашрга берилмайди. Муҳаррир кўрсатган сабаб эса жуда кулгили: мамлакат обрўйи. Авдий ва жамият ўртасидаги англашилмовчилик тугуни шу ўринда қайта тугилади. Авдий ҳақ эди: гиёҳвандлик яширадиган эмас, балки тезда даволаниши керак бўлган дард, ижтимоий фалокат эди. Чунки бу фалокат мамлакатнинг эртаси бўлган ёшларни тузоғига илинтирмоқда эди. Бу кимдир ёки қайсидир давлат ташкилоти орқали ҳал қилинадиган муаммо эмас. Бу башарият муаммоси.

Шундай экан, бу муаммо ечимида барча бирдай масъулдир. Аммо буни Авдий яшаётган мухит, атрофидаги жамият англамади, англашни хохламади. Бу Авдий карашларининг иккинчи бор рад этилиши, англомаслик фожиасига юз тутиши эди. Аммо икки карра раддийлик ҳам Авдий иродасини, ғояларидаги собитликни синдира олгани йўқ. Учинчи синов эса тақдир ҳукми билан яна Мўйинқум саҳроларида юз берди. Сўнгги фожиа олдидан Авдий ҳаётини ёритган муҳаббати ҳақида. Чунки унинг Мўйинқумга қайта ташрифига сабаб севгисидир. Асардаги ёруғ саҳифаларнинг кўпи Авдий муҳаббати билан боғлиқдир. Авдий гарчи жамият томонидан рад этилса-да, у муҳаббат бобида ўзига мос, уни тушуна оладиган аёлга – Инга Фёдоровнага дуч келгани аччиқ қисматининг ширин совғасидир. Бу эса китобхонни бир қадар қониқтиради. Авдий шу севги туфайли бахтли бўла олди, шу ишқ сабаб ўз эътиқодига янада қаттиқ ишонди. Авдий Қозоғистонга бахтли оила қуриш учун қайтади, бироқ тақдир сўзи бошқача эди. Инга вақтинча шаҳарда йўқ эди. Тушқунлик ва чексиз ўй-хаёллар гирдобига тушган Авдий Обер-Кандалов билан учрашиб қолади. Икки-уч кунда дурустгина пул топиш фикри Авдийга маъкул келади, ишнинг нималигини билмай туриб рози бўлади. Чунки у Инга қайтгунча ёлғиз қолишдан қўрққан эди. Мўйинқумга келганда билди у пулни нима учун тўлашларини. Бутун бошли Мўйинқум саҳроси кийикларига қирғин солишлари керак эди. Айни шу нуқтада бузилди табиат -жамият меъёрлари, шу нуқтада етилди учинчи фожиа. Бу меъёрни бузиш учун сабаб эса ғайритабиий эди: областнинг гўшт топшириш борасидаги "беш йиллик план"и тўлмаган, шу сабаб ақлли сиёсатчилардан бири Мўйинқумдаги гўшт захиралари – сайғоқлардан фойдаланиш таклифини билдирган ва шу таклиф ягона чора сифатида маъқулланган эди. Табиатнинг жамиятдаги сиёсат учун қурбонлик келтиришига фатво берилган эди. Нега инсон ўзи тузган жамиятга ўзи яратган қонунларига табиатдан ҳақ талаб қиладию аммо ўзи бўйсунмайди табиатнинг Худо яратган қонунларига?! Инсон борлигидаги худбинликми бу?! Ахир бундай бўлиши мумкин эмас, табиатни сиёсат йўлида қурбон

қилиб бўлмайди, бунга ҳаққи йўқ Инсоннинг! Чунки Инсон табиат ҳоқими эмас, гарчи ўзи шундай ўйласа ҳам. Мўйинқумда қирғин бошланади, сайғоҳлар – чўл кийиклари ёппасига қирғин қилинади.

Адолатсиз, фақат бир томонлама қирғинбаротнинг ихтиёрсиз иштирокчисига айланган Авдийга бу хунрезлик бениҳоя оғир, руҳиятини ағдар-тўнтар қилар даражада таъсир кўрсатади. Авдий бу ваҳшийлик инсон ўзлигига ярашмаслигини, табиатга қарши бориб бўлмаслигини айтар, ҳамроҳларидан Худодан кечирим сўрашни, гуноҳларига тавба қилишни ялиниб сўрар эди. У пулга сиғинувчи эътиқодсизларга Худони танитмоқчи бўларди. Аммо бутун онгини бир шиша ароқ ва жарак-жарак пул наҳси босган бу одамлар на худони, на эзгуликни, на бандасини тан олар эдилар. Авдийни юксак ғоялари учун яна бир бор тепкилашди. Авдий уларни жаҳолатдан, ёмонлик, ёвузлик чоҳидан қутқармоқчи бўлди, инсоний руҳият, виждон билан юзлаштирмоқчи бўлди. Уларга инсон ўзига ўзи қилмоғи мумкин бўлган ягона эзгулик тортиғи – тавбани таклиф қилди. Обер-Кандалов бошлиқ жонзотлар эса инсон бўлишдан, Худонинг хилқати сифат яшашдан бош тортишди. Авдийни уларга ёруғликни кўрсатмоқчи бўлгани учун жазолашди. Аёвсиз калтаклар зарби жонидан ўтаётган Авдий сўнг лаҳзаларда инсониятдан эмас (чунки уни жамият рад қилди), ҳайвондан – тилсиз, забонсиз махлуқдан нажот кутади: "Мени қутқар, бўрижон" (Ш;9;454б). Бу инсониятнинг фожиаси эди. Инсон учун ягона умид ҳайвон қўлида қолса – бундан ортиқ фожиа, қиёмат борми замин устидаги инсонга! Қирғинчилар эса Авдий эътиқодини тортиб олмоқчи бўлар, "Худодан воз кеч" деб, ур калтак-сур калтакка соларди. Қанчалар аянч манзара! Авдий Каллистратов эса эътиқодидан қайтмади, зеро шундай қилса бутун умри йўққа чиқар эди, худди умуман яшамагандай. Эътиқодсиз обер-кандаловчилар уни дарахтга тортишди, ўзларича сазо қилишди. Қанийди билсалар дарахтга Авдийни эмас, балки ўзларига берилган сўнгги имконият – инсон бўлиш имкониятларини осганларини! Йўқ, улар ҳатто шундан ҳам махрум эдилар. Улар ҳеч қачон инсон бўла олишмасди, ҳеч қачон

тушунишмайди улар инсон бўлиш бу инсон сумбатига эга бўлиш эмаслигини. Уларнинг бахтиқаролиги ҳам, улар тақдиридаги қиёмат, ҳаётининг фожиаси ҳам шунда аслида. Эътиқод осилди, чорип қилинди. Авдий бутун умр Исо Масихни чормих қилганида томошабин бўлиб турган, уни қутқаришга ҳаракат қилмаган инсониятни айблади, ўша даврда туғилмаганидан, Исони қутқариш имконияти ўзига берилмаганидан азобланди. Қарангки, ўзининг бошида худди ўша тақдир айланди. Исо Масих ҳам ўз ақидаларидан кечганида жони омон қолар эди, аммо ғояни ўлдириб тирик қолмоқликдан нафратланди у. Авдий ҳам эътиқодидан, фикрларидан кечмади, жонидан эътиқодини устун қўйди. Тарих 1950 йилдан кейин қайта такрорланди Авдий қисматида. Бу билан Авдий Каллистратовни Исо пайғамбарга тенглаштириш ниятида эмасмиз, аммо уларда ҳаётий таомил – эътиқод собитлиги уйғунлиги бор. Шу сабаб қисматларидаги фожиа ҳам бир хил бўлди. Бу Авдий тақдиридаги сўнгги фожиа эди. Бир инсон қисматида бирдан ортиқ фожиа, қиёмат юз берсаю, аммо инсоният бунга бефарқ. Бу даврнинг фожиаси эди. Авдий Каллистратов ўлими эътиқод яшаши учун керак эди. Шу сабаб китобхон Авдий Каллистартовни ўлимни танлагани учун ёқлайди, зеро бошқа чора ҳам йўқ эди. Аммо Авдий яшаган бутун жамиятдан шундай буюк эътиқодни асрай олмагани учун нафратланади. Асарнинг бош ғояси ҳам шу – тақдирлардаги фожиаларни тасвирлаш орқали башариятни ундан огоҳ қилиш, Ер юзидаги қиёматларнинг олдини олиш. Инсоният бир-бирининг бошида қиёмат кўптиришдан тўхтамас экан, эзгулик қандай яшасин, меҳр-оқибат қандай тирик қолсин?! Китобхон асарни ўқирэкан, инсон сифатида ўзига баҳо беради, чин инсонийлик билан яшамокни ният қилади. Бу эса адибнинг буюк орзуси инсоннинг инсондек яшаши амалга ошганидир.

Авдий Каллистратов образи, таҳлилдан кўриниб турибдики:

- 1) асарнинг бош ғоясини бевосита ҳаракатга келтирувчи образдир;
- 2) бу образ асарнинг дастлабки, икки қисмида тўла иштирок қилган;

- 3) воқеалар ривожига бевосита, баъзан билвосита унинг иштироки билан боғлиқ юз беради;
- 4) Авдий Каллистратов асардаги Петр, Лъёнка, Инга Фёдоровна, Дмитрий ота, Гришан, Обер-Кандалов Гамлет-Галкин, Виктор Некофорович, Акбара каби образлар тақдирга дахлдор. Инга образига муҳаббат орқали боғланган бўлса, қолган образларга эътиқодини ҳимоя қилиш, ғоя қудратини кўрсатиш сабаб дахлдордир;
- 5) ҳар бир образ тақдир билан дахлдорлик эса уни асар сюжети яхлитлигини таъминловчи образ даражасига кўтаради. Чунки шу икки қисмда мавжуд турли сюжет чизиқларини Авдий Каллистратов образи бирлаштириб туради.

Демак, Авдий Каллистратов бош қаҳрамон сифатларига тўла жавоб бера оладиган образдир.

Инга Фёдоровна образи. У Авдий Каллистратов ҳаётига қувонч, бахт, ёруғлик олиб кира олган асардаги ягона образдир. Инга Авдий ғояларини кимдир тушуниши, кимдир қалбан ҳис қила олиши, дунёдаги энг яқин одамига айланиши учун зарур эди.

Авдий ва Инганинг илк учрашуви қозоқ ерларида – Учқудукда юз беради. Мақолани тўла ҳаётий ёзиш, бангилик ҳодисасининг ижтимоий, оилавий, руҳий-психологик сабабларини бор ҳолича англамоқ, ўз кўзлари билан кўрмоқ ниятида атай наша чопарлари гуруҳига қўшилган Авдий уни бу ерларга тақдир етаклаб келганини ҳис қилади ва нашазорлар сабаб топган муҳаббати учун тақдирдан миннатдор бўлади. Чунки у айна шу ерда атиги бир неча дақиқага бўлса-да умрини чароғон қила олган аёлни учратади. Ва шу дақиқалар Авдий ҳаётида муҳаббат машъаласининг ёнишига етарли бўлди. Тасодифдай кўринган бу учрашувда қисмат битиги намоёнлигини китобхон сеза олади. Умуман, Чингиз Айтматов ижодида тасодифларга ўрин йўқ, у барини тақдир ҳукми деб билади, зотан аслида ҳам шундай. "Биз

тасодиф деб атайдиган ҳар қандай нарсанинг ўз сабаби бор" деганда тўла ҳақ эди устози аввал Арасту.

Бир кўришда севиб қолган А.Каллистратов ҳаёлини янги ҳислар, самовий туйғулар эгаллайди. Эҳтимол, Авдийнинг бир мартада севиб қолмоғини далиллаш учун адиб Инганинг портретини чизади: ".. бениҳоя нозик, нафис чехраси, порлаб турган қора кўзлари, юзини текис ўраб елкаларига тўлқинланиб сочилган сарғиш сочлари ... кўзининг қорамтирлиги билан сочининг оқ-сариклиги бир-бирини ажиб тарзда тўлдириб, чехрасига ўзгача жозоба, латофат бағишларди" (III;9;365) . Бир назарлик муҳаббат учун етарли асос эди бу тасвир. Учқудукқа мотоцикл ҳайдаб келган гўзал ҳаёли Авдий Каллистратов ҳаётининг ажралмас бўлагига айлана бошлайди. Кимлигини, қаерданлигини, қандайлигини билмай туриб севиб қолади. Аслида энг соф, беғубор муҳаббат ҳам шудир. Кейинги учрашув эса Авдий яхшигина бадал тўлаши эвазига юз беради. Сўз билан чопар болаларга таъсир қила оламан, уларни оғу йўлидан қайтараман деб ҳаракат қилган, натижада чалажон ҳолда, поезддан улоқтирилган Авдий Жалпоқ-Соз бекат касалхонасида ҳайдовчи (уни бекатгача олиб келган), бекатдаги ёши ўтган хотин – ҳали қирилиб битмаган яхшилар вакиллари сабаб даволанади. Шу ерда уни тақдир тухфасининг ўзи – Инга излаб боради. Чунки Инга Фёдоровна ҳам айни Мўйинқум нашаси устида уч йилдан бери маълумот йиғаётган, ўрганаётган илмий ходим эди. Тақдир уларни бир муаммо атрофида бирлаштирган эди. Ингани – ҳаёлларида авайлаётган севгисини қайта кўрганидан Авдий ўзи билмас, англамас бир ҳолга тушади. Кутилмаган бахтдан эсанкираб, Ингага салом ўрнига "Доим сизни, ўйлаганимни қаердан билдингиз?" дейди. (III;9;442). Уларнинг иккинчи учрашувларида Авдий руҳияти шу қадар табиий ифодаланганки, китобхон бундан бошқача вазиятни тасаввур ҳам қилолмайди. Шундан сўнг Авдий ҳаётида янги давр бошланади: муҳаббат даври, мактублар даври. Авдий шу учрашувдан кейин Москвага қайтади. Инга билан эса тинимсиз хат ёзишади. Сал қолса умри завол топишига сабаб бўлиши мумкин бўлган туркум мақолалар – жамиятнинг

оғриқ нукталари кескин тасвирланган, гиёҳвандликка қарши ҳамма барча тенг курашмаса, бу иллат, аввало, мамлакат келажаги – ёшлар ҳаётига раҳна солиши муқаррарлиги баралла айтилган, ўзи гувоҳ бўлган ҳаётий лавҳалар газета томонидан рад этилади. Шу паллаларда Авдийнинг қалбини яралаган руҳий изтироблар, кўнгилнинг қийноқли сўровлари ўз тилидан мактублар шаклида китобхонга етказилади. Хатлар билан танишган ўқувчи англайдики, Авдийнинг қоронғу изтироб олаmidан кутулишига, яшаш учун куч топа олишига яқка бир қудрат – муҳаббат, Ингага бўлган муҳаббати сабабдир. Қисмат уларга учинчи учрашувни раво кўрмайди. Аммо шу икки учрашув ҳам, Авдий Каллистратов ва Инга Фёдоровна маънавиятини поклаш, эътиқодда янада мустаҳкам бўлиш, мудом эзгулик, ёруғликларни мақсад қилиш учун етарли бўлди. Авдий Каллистратов ўз эътиқодининг рўё эмаслигига фақат Ингага бўлган севгиси сабаб амин бўлди. Бу йўлдаги курашда муҳаббат уни тоблади, ўткирлади.

Инга Фёдоровна образи Авдий тақдирида муҳим ўрин тутувчи персонаждир. Аммо уни бош қаҳрамон сифатида талқин қилиб бўлмайди:

- 1) бу образ асарда санокли ўринлардагина иштирок қилган;
- 2) у фақатгина Авдий тақдирига алоқадор, бошқа қаҳрамонларга эмас;
- 3) сюжет иплари унинг эмас, Авдий Каллистратов воситасида боғланган;
- 4) демак, у бош қаҳрамон шахсиятини тиклашдаги ёрдамчи образ мавқеидадир.

Исо Масиҳ образи. Асарда Исо Масиҳнинг хочга тортилиши билан боғлиқ тарихий ривоят алоҳида сюжет тармоғини ташкил қилади. Айни шу сюжет тасвирида биз Чингиз Айтматовни христиан динининг чуқур билимдони, Иисус Христос яратган илоҳий таълимот илдизини чуқур англаган файласуф сифатида кўрамиз. Негаки, адиб христиан таълимоти битиги Инжилда берилган кичик маълумот асосида катта адабий персонаж ва унинг атрофида сермазмун ҳаётий фалсафа яратади. Ч.Айтматов диний

манбалар тадқиқотчиси ёки теолог сифатида эмас, инсоншунос, тақдиршунос ёзувчи сифатида моҳиятни таҳлил қилади.

Ч. Айтматов "Қиёмат"да тасвирлаган Исо тарихдаги, Инжилдаги Иисус Христоснинг айнан ўзи эмаслигидан, бундаги Исо ёзувчи ғояларининг воситачиси эканидан зукко китобхон хабардор бўлиши мумкин. Тўғри, воқеалар айнан Иисус Христос билан бўлгандек тасвирланган, аммо Рим императори Тиверийнинг Қуддусдаги нойиби – прокуратор Понтий Пилат билан бўлган суҳбат давомида Исо сиймосида ёзувчи турли даврлар, тақдирлар, таълимотлар моҳиятини жамлаганига гувоҳ бўламиз. Исонинг "Иккита ҳақиқат бўлмайди" (Ш;9;403) деган қатъиятида қадим юнон фалсафаси, "...Худога муҳаббат билан тўлмаган дил иллатларга тўлади. Инчунун, инсонга муҳаббат билан лиммо-лим бўлмаган дил ҳам, вовайлоким, ўликдир!" (Ш;9;413) деган хитобида ислом оламидаги тасаввуф таълимотининг мажозий ишқнинг ҳақиқий ишқ учун восита эканлиги билан боғлиқ қарашлар ўз ифодасини топган. Яна бир ўринда Исо "жамийки башарият Худонинг ердаги тажаллисидир" деб фикр юритади. Бу эса тасаввуф таълимоти асосидир. Исо шу гаплари билан ислом оламида ўзига хос ўрин тутган Аналҳақ (Мен Худоман!) – яъни зот - тажалли маслагига асос солган Боязид Бистомий, Имомиддин Насимий, Мансури Халлож, Бобораҳим Машраб каби дин пешволарини эсимизга солади. Демак, асардаги Исо образида аслий таълимотлар моҳияти уйғунлашган.

Исо Масих билан боғлиқ бу сюжетда воқеалар шиддати сезилмайди. Чунки сюжет хиёнат сабаб асир тушган Исонинг ўй-хаёллари ва прокуратор Понтий Пилат билан суҳбати асосига қурилган. Бироқ айтиш жоизки, асарнинг бош ғояси, ёзувчи дунёқарашини намоёнишида бу сюжет ғоят муҳим аҳамият касб этади. Исо ўз таълимотида собит, ҳеч қандай куч, ҳатто муқаррар ўлим ҳам уни фикридан қайтаролмайди. Зотан, у инсонларга Худони танитиш учун дунёга келган эди. Ҳаётининг мақсади шу бўла туриб, у бундан воз кечолмасди. Ягона Худо, ягона имон, ягона Адолат салтанати ҳақидаги ғоялар унинг қисмати эди. У ҳатто сўнгги манзил олдидан ҳам

бурчини адо этди: прокуратор П.Пилатга ғояларини айтиб улгурди, яна бир юракка Худони танитмоқликка ҳаракат қилди. Асардаги П.Пилат ихтиёрсиз қотил образини акс эттирган. П.Пилат гарчи прокуратор бўлса-да, ваҳшийлик ҳукм сурган империя нойиби бўлса ҳам, Исони ўлимга маҳкум этишни хоҳламайди. Унга раҳми келади, шу сабаб уни эътиқодидан қайтиш эвазига ҳаётини асраб қолишга даъват этади. Аммо Исо буни қатъий рад этгач, унинг умрини чўзиш ниятида имкон қадар у билан суҳбат қуради. Исодаги қатъият, сабот ва собитлик уни ҳайратга солади. Исо ўлимнинг ноҳақ эканлигини ҳис қила туриб, бунинг олдини ололмайди. Чунки агар Исо озод қилинса, "зоти боборакотлар, муҳтарам оқсоқоллар" ва улар тартиб берган жамият бари бунга қарши чиқиши аниқ эди. Содир бўлганидан то бугунга қадар инсоннинг ўз-ўзини англашига сабаб бўлаётган қатлдан олдин бўлиб ўтган суҳбат Бани Башар моҳиятини очиш ҳақида эди. П.Пилат Исодан қайта тирилиши борасидаги миш-мишлар ҳақида сўраганда у қуйидагича жавоб беради: "Шаҳардан Ғулқофга ўтиб боргунча яшаш муҳлати қолган мен эмас, сиз. Одамлар Исо Масиҳ каби яшаймиз деб келажак, билгисиз эндиги наслларга айланиб, олий солиҳот ичра мен томон келажак. Ўша менинг дунёга иккинчи келишим бўлади. Бошқача айтганда, мен азобларим орқали одамларда ўзимга қайтаман, одамларда одамларга қайтаман... Мен вақт ичида минг йиллар орқада қоламану, лекин сизнинг келажакнингизга айланаман" (III;9;412). Христианлик таълимотидаги илоҳий ҳақиқат шу бир неча гап мисолида ғоят теран очиб берилган. Суҳбатнинг, умуман олганда, шу сюжетнинг кулминацион нуқтаси Исонинг Қиёмат куни ҳақидаги саволга жавобида кўзга ташланади: "Одам Ато ва Момо Ҳаво жаннатдан қувилганларидан бери қандай зулм ўпқонлари очилмади, одамзоднинг боши не урушлар, шафқатсизликлар, қотилликлар, қувғинлар, адолатсизликлар, ҳақоратларни кўрмади. Яхшиликка қарши, одам табиатига қарши олам яратилганидан буён ер юзида рўй берган барча даҳшатли гуноҳи азимлар – нима, буларнинг қаери Қиёмат кун сўроғидан кам?.. Бу жаҳаннамнинг Қиёмат кунидан нима фарқи бор, ахир?" (III;9;413-414). Бу сўроқ асардаги

биргина Исо образида эмас, Авдий Каллистратов, Акбара, Гурам Жўҳадзе, Бўстон Ўркунчиев каби тақдирларда аксланади, ва асар бош ғоясига айланади. Сухбат давомида "қиёмат" сўзи 8 марта такрорланади. Аммо шугина санокнинг ўзида замин узра юз берган, юз бераётган, инсон ўзини англамаса, яна юз беражак саноксиз қиёматлар ифодаланади.

Гарчи Исо Масих образи асарнинг ўзак ғоясига дахлдор бўлса-да, бироқ уни фақат шу ривоят сюжетидагина бош қаҳрамон дея оламиз. Негаки, у Авдий ўй-хаёлларигагина алоқадор ҳолда тасвирланган. Демак, Исо ўз сюжет чизиғида етакчи образ саналса ҳам, бутун асар миқёсида оладиган бўлсак, бош қаҳрамон тақдирига, тафаккурига, эътиқодига таъсир кўрсатувчи образ мақомида қолади.

Гурам Жўҳадзе ва Сандро образлари. Асарнинг асосий сюжет тармоғига турли ривоят афсоналар, ҳикояларнинг рангли ипларини моҳирона туташтириш Ч.Айтматовнинг ўзига хос ёзувчилик услубига тегишли маҳоратдир. "Қиёмат" романида шу услубий маҳоратнинг ажойиб намоишини кўриш мумкин. Бу Авдий Каллистратов хотираси асосида асарга киритилган "Олтовлон ва еттинчи" ҳикоясидир. Ҳикоя заруратини руҳни самовот қадар юксалишга чорловчи мусиқа таъминлаган. Мўйинқумга илк сафари олдидан Москвани яна бир бор сайр қилиш истаги А.Каллистратовни тақдирнинг унга кўрсатган марҳамати – музейда ўтказилаётган Болгария черкови хор капелласини тинглаш сари етаклайди. Концерт ижрочилари ўнта бир-бирига ўхшаш ёш йигитлар эди. Ўнта юракнинг бир мақсад, бир интилиш билан бир хил ураётганлиги, руҳиятлар бирлашуви Авдийни ҳайратга солади. Ёзувчи шу ўринда мусиқа ва сўзнинг нақадар илоҳий қудрат эканлигига тўхталади. Қаҳрамон ва муаллиф шу ўринда бирлашади. Негаки, ёзувчи асарларида мусиқа ҳамда каломга Оллоҳнинг бандаларига атаган руҳиятни тозалаш, юксалтириш неъматини сифатида баҳо берилади ("Тоғлар қулаётган замон (Абадий қаллик)"даги Арсен Саманчин характерида сўз ва кўшиққа ошуфталикни эсланг). Шунга кўра, муаллиф руҳиятида илоҳий мўжиза – сўз ва оҳангга интилиш мавжуд,

шу интилиш у яратган қахрамонлар характерига таъсир кўрсатиши табиий ҳолдир. Негаки, бадиий асар ва ундаги ҳар ҳодиса ёзувчи тафаккури ҳосиласидир. Тафаккур эса руҳиятсиз мавжуд бўлолмайди.

Авдий черков кўшиқларини тинглар экан, уларнинг барисида ҳаёт фарёдини ҳис қилади ва "кўлларини кўкларга чўзган инсон боласининг нола-афғони" (Ш;9;330) дея баҳолайди. Кўшиқларнинг самовий оҳангида Авдий руҳияти вақт, макон тўсиқлари узра парвоз қилади, ўзи, ўтмиши, бугунги ва келажаги ҳақида ўйлайди. Кўшиқ оҳанглари унга қачондир газетада ўқиган баллада мазмунини эслатади: "Олтовлон ва еттинчи" ҳикояси асарга шу тахлит, ортиқча уринишларсиз, табиий йўсинда кириб келади. Ҳикоя номида ундаги бош мазмун акс этган. Олтовлон – Гурам Жўҳадзе бошлиқ озодлик учун курашаётган аксиланкилобчи грузин йигитлар, еттинчи – тўдага уларни йўқ қилиш истагида қўшилган чекист Сандро. Уларни олтовлон ва еттинчи қилиб турган куч бу мақсаднинг бошқа-бошқалигида эди. Сўнгги жангда Сандронинг тузоғига тушган Гурам Жўҳадзе тўдаси тамомила қирғинга учрайди: фақат етти киши омон қолади - олтовлон ва Сандро (унинг тирик қолиши табиий эди). Тўдасидан ажралган Гурам бу ерларни – она Ватанни абадиян тарк этишга қарор қилади. Чунки бу заминда энди уларнинг мақсадларига қарши мақсад ҳукмрон эди. Аммо тарқалиш олдидан хайрлашув ва видо кечаси ўтказишади. Гурам Жўҳадзе характеридаги улуғ бир куч – Ватанга чексиз муҳаббат ҳисси унинг нутқида ифода топади: "Ватанни олиб кетиб бўлмайди. Фақат соғинч ва армонларимизни олиб кетамиз. Агар ватанни хуржун каби олиб юриш ва ташиб кетиш мумкин бўлганда, у сариқ чақага ҳам арзимасди " (Ш;9;336). Бу оддий грузин – йилқибоқар йигитнинг ҳаётий ақидаси, чўнг эътиқоди эди. Ватанга бўлган соф, беғубор муҳаббат сиёсий элиталарнинг пўрим вакилларида кўра Ватан заминидан, унинг тоғу тошларидан ҳаётини айро тасаввур қилолмайдиган содда деҳқону, йилқибоқар, чўпонлар қалбида кучлироқдир. Гурам Жўҳадзе шу муҳаббатни теран англаган эди. Аммо Она Ватани энди на унинг ўзини, на муҳаббатини сиғдирмайди, сиғдиролмайди. Чунки Ватан энди бегоналар

хукми остида эди. Ватанга бўлган севгини фақат ундан олисларга кетибгина асраб қолиш мумкин эди, холос. Бу изтироблар олтовлон қалбидан кўшиқ бўлиб отилар эди. Грузинлар учун кўшиқ айтиш, куйни ҳис қила олиш улар табиатининг бир қисмидир. Айни шу табиий иқтидор гулхан алангаси билан самога бўй чўзар, чексизлик узра майин тарқалар эди. Улар кўшиққа дардларини, юрак ўртовчи қайғуларини кўшиб куйлашар, шу сабаб бу фақат олтовлоннинг кўшиғи эди. Кўшиқлар оҳангида уларни ўз юртидан қувғин қилаётган аламли жавобсиз сўроқлар бор эди: "Нега ахир бундай, нега ахир одамлар бир-бирлари билан урушадилар, қон тўкадилар, кўзёшларни дарё қилиб оқизадилар, хаммалари ўзларини ҳақ, бошқаларни ноҳақ деб ҳисоблайдилар, қани, ахир ҳақиқат, ким ҳақиқатни айтади, ким?" (Ш;9;337)

Охири йўқ эди саволларнинг, охири кўринмас эди кўшиқнинг, тонги йўқдек эди ҳижрон кечасининг. Аммо еттинчи ... бу кечага ҳам, бу кўшиққа ҳам у бегона бўлиши керак эди. Еттинчи фақат бурч ва буйруқни бажаришни ўйларди. Ниҳоят, шундай бўлди ҳам. Кўшиқлар билан дардлашаётган олтовлон оҳангдан узилмай туриб еттинчининг маузерига нишон бўлишди. Бари тугади – кўшиқ ҳам, куй ҳам, дард ва ҳижрон ҳам. Барига еттинчи – Сандронинг бурч масъулияти нуқта қўйди. Аммо ҳикоя Сандро тантанаси билан тугамайди. Еттинчи ўзини ўлимга маҳкум қилади. Нега буйруқни тўла бажарган Сандро яшашни, яшаганда ҳам Гурам Жўхадзени ер тишлатган қахрамондек яшашни истамади? Нега ўзининг еттинчи эканлигини била туриб олтовлон тақдирига шерик бўлди? Нега? Авдий хаёлига бу ҳикояни беихтиёр келтирган куч бу мусиқа – ўновлон уйғунглигидаги кўшиқ эди. Бу саволлар жавобини ҳам Авдий кўшиқ деб билади. Чунки Сандро ҳам грузин эди, у олтовлон билан ёнма-ён елкама-елка туриб, грузин имони, диёнати, муҳаббати ҳақида грузинча кўшиқ ижро этган эди. У ҳамма нарсага хиёнат қилса ҳам, кўшиққа, ундаги дардга хиёнат қила олмас эди. Чунки бу кўшиқларда ўзлик улуғланарди. Ўзликдан кечган эса Инсон эмас. Сандро шу сабаб ўзини ҳалок қилди. Бу олтовлон билан бирга дардлашган, куйлашган еттинчи грузин учун энг мақбул қарор эди.

Сандро образида мураккаб характер чизгилари акс этган. Бу образ қиёфасида унга ишониб топширилган вазифани охиригича тўла адо этиш иштиёқида ҳаракат қилаётган бурчига содиқ зобит чекист ва олтовлон куйлаётган самимиятга, умуман, қўшиққа бегона бўла олмаган, ўзини грузинлик табиатидан, ўзлигидан маҳрум қилолмаган еттинчи руҳияти гавдаланади. У чекист сифатида буйруқни бажарди. Олтовлонни ўлимга дучор қилди, аммо еттинчи руҳияти билан энди у учун ҳам бари қўшиқлар тугаганини билди. Ҳикоя ўлим ва қайғу билан якун топса ҳам, китобхон бундай хотимадан рози бўлади. Чунки онгдаги масъулиятдан кўра барибир кўнгилдаги руҳият – аслият кучлироқдир.

Муסיқа сеҳри, қўшиқ жозибаси инсон руҳиятига таъсир ўтказувчи ўткир восита эканлигини исботлаш учун асарга киритилган “Олтовлон ва еттинчи” ҳикояси асосий мазмун-моҳият тарозисида яхшигина тош босади. Аммо ҳикоя қаҳрамонлари фақат ўз сюжет чизиқларигагина тегишли бўлиб, асарнинг бошқа қаҳрамонлари тақдирига дахл қилмайди. Шу сабаб, Гурам Жўҳадзе ва Сандро образларини асардаги бош қаҳрамон характерини очишга ёрдам берувчи воситачи образ сифатида баҳоласак бўлади.

Бўстон Ўркунчиев образи. Аввал таъкидлаб ўтганимиздек, "Қиёмат" уч қисмдан иборат асардир. Дастлабки икки қисмда Авдий Каллистратов образи бош қаҳрамон даражасига кўтарилса, учинчи қисмда мутлақ бошқа тақдирлар ва улар билан боғлиқ воқеалар тасвирланади. Гарчи бу қисм воқеалари ўқувчига алоҳида ҳодиса сифатида туюлса-да, бунда ҳам романнинг қолган қисмларида амал қилган ўзак ғоянинг юзага чиқиши, қолаверса, ҳар учала қисмни боғлаб турувчи Акбара - она бўри образининг мавжудлиги асар яхлитлигини таъминлайди. Учинчи қисм воқеалари марказида биргина инсон – Бўстон Ўркунчиев образи ҳаракатланади. Бу образда ёзувчи ўта ҳалол меҳнаткаш, ҳаётнинг бор бахтини ҳалол меҳнатда кўрадиган, ишнинг кўзини билувчи омилкор ва, муҳими, ўз фикри ва қарашларида собит инсон характерини тасвирлайди. У ўз касбига меҳр билан ёндашадиган, чинакам тиниб-тинчимас чўпон. Шу сабаб ҳам уни ҳамма

илғор чўпон деб билади. Аммо асосийси бу эмас, асосийси унинг қарашлари эди. Бўстон ҳар мажлисда, ҳар йиғилишда ўз бригадаси учун доимий фойдаланишга ер ажратиб беришни талаб қиларди. Чунки у агар ҳар бир чўпон ўзининг ерига, ўзининг яйловига эга бўлса, унда меҳнатдаги самарадорлик юқори бўлишига ишонарди. Ахир умум учун кун ўтарга қўл учида ишлагандан, ишлагандай кўрингандан, ўзи учун ўз ерида чинакам меҳнат қилишни ҳамма афзал кўрарди. Агар шундай бўлса, совхозга – умумга қарашли ерлар чорвадорларнинг ўзларига ажратиб берилса, улар бу ерларнинг ҳар бир қаричи, ундаги ҳар бир ўт-ўлан учун ўзларини жавобгар ҳис қилишларини, олдингига нисбатан юз карра ортиқроқ масъулият билан ишлашларини Бўстон чўпон сифатида жуда яхши англади. Чунки инсон зоти бирон нарса ёки ким ўзига тегишли эканини ҳис қилсагина, шу ҳақида кўпроқ қайғуради, уни асраб-авайлашга ҳаракат қилади. Инсоният табиатидаги бу ўзгармас атворни ҳеч қандай олий маълумотга эга бўлмаган дипломсиз чўпон Бўстон Ўркунчиев тушунар ва ўз фикрларининг тўғрилигига янада қаттиқ ишонарди. Совхоз парторги Кўчқорбоевнинг социализм ва умумий жамоа ҳақидаги назарий писандалари ҳам, совхоз директори Ибройим Чўтбоевнинг у айтгандай қилишнинг иложи йўқлини таъкидлаши ҳам мустаҳкам фикрларини ўзгартиролмади: "Барибир мен тирик эканман, ишга қурбим етаркан, ўз ақлим билан яшайвераман" (Ш;9;501).

Бўстон Ўркунчиев янгилик қилмоқчи эди, аммо у яшаб турган жамият ҳар қандай янгиликдан кўрқар, табиийки, бунга йўл ҳам бермас эди. Ҳатто шундай бўлса ҳам, у чекинмади, бу йўлдаги биринчи қадам бригадасидаги чўпон Эрназар билан янги яйлов очиш сафари бўлди. Ола Мўнгу – қорликлар ва музликлар довонининг ортида ўт-ўлани белдан урадиган Кичибел яйлови бор бўлиб, агар чорвани ёз бўйи шу яйловда, боқишса, роса семирар ва бу катта фойда келтирар эди. Бўстон ва Эрназарнинг Кичибел яйлови ҳақидаги фикрлари бир жойдан чиқиб, улар йўлни билиш яйловни кўриб, шароитни ўрганиш учун Ола Мўнгу сафарига чиқишади. Бироқ қисматнинг битгани

бошқача эди. Довондан кечув вақтида Эрназар қор қоплагани сабабли кўринмай қолган чуқурлиги олти қаватли уйдек келадиган муз ёриғига тушиб кетади. Ҳаёт ҳамиша ўз фикрида, эътиқодида мустаҳкам инсонларни ана шу собитқадамлиги учун шафқатсиз жазолаб келган. Нега шундайлигини ҳеч ким тушунтиролмади. Бўстон ҳам собит қарашлари учун жазоланган эди. Яқин инсони ўзи учун, унинг ниятлари йўлида нобуд бўлганини билиш, уни қутқариш учун ҳеч қандай умид йўқлиги, бир умр ўзини айбдордай ҳис қилиб яшаш – Бўстон учун бундан оғир азоб, бундан даҳшатлироқ жазо йўқ эди. Рўй берган бу фалокатнинг олдини олмоқлик мумкин бўлмаганидек, ундан йўқотишсиз чиқмоқликнинг ҳам иложи йўқ эди. Эрназар абадий музликлар қаърида абадий қолди. Қутқарувчи алпинистлар гуруҳи Эрназарнинг музлаган жасадини олиб чиқиш имкони йўқлигини айтишади ва сўнгги видо учун Бўстоннинг ўзи муз ўйиққа тушади. Асарнинг шу ўрнида Бўстоннинг биз билган шаштидан қайтмас журъатли инсон қиёфаси кучли изтироб, йўқотиш алами, виждон азоби қийноғида қолган тақдир олдида ожиз банда қиёфаси билан алмашади. Айниқса, Эрназарнинг аёли Гулимхоннинг кўзига қараш, айрилиққа ҳеч тоқат қилолмаётган беванинг аянч ҳолини кўришдан кўра ўша муз қаърига минг бора йиқилиш, минг бора ўлиш осонроқ туюлади. Аммо банданинг эмас, тақдирнинг ҳукми амалга ошган, ҳеч нимани ўзгартиришга ҳеч қандай чора қолмаган эди. Тириклар учун ягона нажот яшашда эди. Китобхон нотавон аҳволда қолган Бўстоннинг ёниқ қайғусини ҳис қилади, бу аламни енгиш учун у яна яшаши кераклигини, Эрназарнинг бекордан бекор ҳалок бўлмаганини исботлашни истайди. Ёзувчи китобхон истагидай иш кўради. Ҳаёт давом этади. Тақдир Гулимхон ва Бўстон ҳаёт йўллари туташтиради. Оғир ётган аёлининг сўнгги васияти ва Эрназарнинг етим қолган болаларига оталик қилиб, озгина руҳини енгиллатиш истаги билан у Гулимхонга уйланади. Бўстон ҳаётига янги бахт кириб келади: "тақдир унга энг олий ва сўнгги туҳфа" (Ш;9;528) ҳадя этади – бу фарзанд эди. Умр қироғида берилган бу неъмат у учун ҳамма нарса, бутун борлиғидан азизроқ эди. Бу лавҳалар асардаги милт этган ёруғ нуқталар эди.

Аммо бу бахт ортида ҳам совуқ эпкин эсаётгандай туюлаверади. "Қиёмат"ни ўқиётган китобхон ҳар бир тасвирланган бахтли онларни қандайдир фалокат таъқиб қилаётганини сезиб, бундан чўчиб туради. Бу асарнинг ўзига хос тафаккур услуби маҳсули эканлигидан нишонадир.

Бўстоннинг оилавий бахтига раҳна солган, тақдирида қиёмат кўптирган фалокат нафс кули, ҳасадгўй Бозорбой ўғирлаган бўри болалари сабаб юз берди. Насл қолдириш йўлидаги энг сўнгги имкони ҳам одамзот – табиат қонунларини оёқ ости қилган жонзот томонидан барбод этилганидан ваҳшийлашиб кетган, болаларидан ажралиш алами қутуртирган она бўри Акбара ва унинг жуфти Тошчайнар қасоскорга айланадилар. Ҳимоясиз бўриваччаларни ифлос нафси йўлида ўғирлаган, бу ишидан зарра бўлсин пушаймон емаган Бозорбой бўрилар таъқибидан қочиб, Бўстоннинг уйига кирган ва шу билан барисига қазову қадар ўз ҳукмини ўқиган эди. Қаззоб махлуқ изидан қувган ота-она бўрилар унинг ёруғлик таратаётган инсонлар маконига кирганини кўришади ва шу макон болаларини яширган қўналға деб билишади. Бор фожиа шундан бошланади. Уларнинг ҳайвон ақли ўша ўғрининг бу ердан чиқиб кетганлигини, бўричаларни фақат инсонгагина қадри қиммат бўлган пулларга пуллаганини, энди зурриётлари жуда олисда эканлигини англашга, тушунишга ожизлик қилар эди. Улар шу макон атрофида тинимсиз изғишар, тун бўйи аламзада Акбара оналик изтироби билан йиғлаб-увлаб чиқар эди. Бўстон бўри болаларини қайтариш учун Бозорбойнинг олдига боради. Унинг бахти, эришган ютуқлари, обрў-мартабасига ҳасад қилувчи, шу ҳасад сабаб одамийлик сиёқидан буткул йироқлашган Бозорбой эса уни масҳара қилади: "Мен буларни сотиб, пулига ичаман, лекин сенга сотмайман!" (III;9;490) . Фожианинг олдини олиш учун қилинган ҳаракат бесамар кетади. Она бўрининг юрак-бағирни ўртовчи фарёди Бўстоннинг, оиласининг тинчини бузади. Шунда Бўстон хаёлан Акбарага юзланади: "Мендан ахир, нима истайсан? Сенга ёрдам бериш қўлимдан келмади. Мен ҳаракат қилдим, лекин ҳеч иш чиқмади, ишон менга, Акбара. Бўлди, бошқа увлама! Йўқ бу ерда сенинг болаларинг, йўқ, юз

чақирим наридан ҳам тополмайсан қидириб. Бас қил энди. Қачонгача қийнайсан? Кет-кет, Акбара! Унут энди барини" (Ш;9;506). Шу изтиробли ўйларда Бўстоннинг инсоний чизгилари яна ёрқинроқ ранг тортади. Хайвон қайғусини англаш, унга ёрдам бериш, унга инсонга гапиргандай мурожаат қилиш учун чинакам инсоний ҳис-туйғулар макон қилган қалб керак. Бўстон Ўркунчиев образида шундай қалб соҳиби гавдаланади. Болаларини йўқлаб уввос тортаётган бўрига дардларини айтади, унинг дардига шерик тутади ўзини: "Сенинг ҳам, менинг ҳам душманимиз битта – у , Акбара, сенинг болаларингни ўғирлади, мени эса бу бадмаст махлуқ ҳаром тили билан шарманда қиляпти.. Мен тушунмасам сени ким тушунади. Акбара!" (Ш;9;506-507) Ўша битта душман – Бозорбой эди. Бўстонга бўлган ҳасади сабаб унинг ортидан тинмай иғво тарқатар, бошига тухмат тоши ёғдирар, шу билан ҳасад алангалаган юраги ҳовурини босмоқчи бўларди. Билмасдики, бу аланга аввало ўзини ёндириб адо қиларди. Бўстон эса унга қарши жимлик билан курашарди. Аммо чўнғқайғу бўрилар жим туришни хоҳламас, ўз билганича ваҳшиёна йўсинда қасос олмоқда эдилар. Дуч келган инсон, дуч келган подага ҳужум уюштиришар, подага қирғин солишарди. Бунданам аянчлиси туни билан ув тортишар, нола кўтаришар эди. Улар ўзлари билмаган ҳолда ягона меҳрибонлари Бўстоннинг тинчини бузишар, унинг подасини бўғизлаб зарар етказишар, хотини Гулимхон ва митти ўғли Кенжашнинг кўрқиб уйғонишларига сабаб бўлишар эди. Бўстон уларни йўқ қилишга жазм қилади. У бу қарорни чўпон сифатида отарини асраш, инсон сифатида оиласи хавфсизлигини таъминлаш, мақсади билан ёқлар эди. Китобхон ҳам уни бўриларни – жабрдийда хайвонларни ўлдириш фикрига келгани учун қоралай олмайди. Чунки бошқа йўл, бошқа чора қолмаган эди. Қарори ижроси бўлиб бўриларнинг бири – эркаги ўққа учади. Тошчайнарнинг баҳайбат жасадини кўмишга қарор қилган Бўстон характерида яна бир жиҳат кўзга ташланади. У бу бўрининг ажабтовур терисини шилиб олиши ва уйига келганларга қаҳрамонлиги намунаси сифатида кўрсатиши мумкин эди. Аммо у бундай қилмади. Чунки Бўстон бу

бўрини шунчаки махлуқ деб эмас, Тошчайнар деб билар, унинг вужудида болаларидан айрилган, насл қолдириш имкони бадар йўқ бўлган чорасиз ота, жуфтини балолардан химоя қилишга чоғланган эр бўри юраги изтиробланганига гувоҳ бўлган эди. Бўриваччаларнинг ўғирланиши билан илдиз отган фожиа Тошчайнарнинг ўлдирилиши билан етила бошлаган эди. Умрлик жуфтдан айрилган Акбара бутун дунёдан совуқ нафрат билан совийди. У учун ҳаёт, тирикликнинг қиммати йўқолади. Барисига, барисига сабаб – Инсон! Аммо у инсондан қасд олишни ҳам истамай қолади. Фақат бир умид – ҳеч бўлмаса бир жигарпорасининг топилишига бўлган умид уни ҳаётга боғлаб турарди. Шу умид сабаб ёзлик яйловларга қўчган чўпонларнинг кимсасиз қолган уйларига яқин бориб, болаларини, уларнинг қадрдон ҳидини излайди. Ва шунда кичкина, ҳали энди юра бошлаган Кенжашга кўзи тушади. Ҳамманинг кўчиб кетиши, фақат Бўстон оиласининг кўчишда охирлагани – бунда ҳам қисмат муҳри бор эди. Кичкинагина одамчанинг худди ўз болалари каби эркаланишлари, ундан мутлақо ҳайиқмай бўйнидан кучоқлаши Акбаранинг кўксига йиғилган оналик меҳрини уйғотадию уни ўз уясига олиб кетишни аҳд қилади. Ва болани олиб қочади. Бўрини тўхтатиш учун Бўстон отган ўқ бўрига қўшиб ўз жигарпораси Кенжашни ҳам ҳалок қилади. Ота ўз фарзандини, уни яшашга ундаб келаётган ягона сабабни ўз қўллари билан ўлдириб қўйган эди. Ана қисмат фожиаси, тақдир қиёмати! Ёзувчи Бўстоннинг шу вазиятдаги руҳий ҳолатини кўрсатиш учун кўп уринмайди: "Дунё ғойиб бўлди, унинг ўрнида фақат олов вошиллаган зулумот қолди" (III;9;544). Шу сўзларнинг ўзиёқ Бўстон фожиаси тасвири учун етарли эди. Бу фожиа Бўстон шахсиятини ағдар-тўнтар қилиб юборади. Шу сабаб китобхон ҳайвон қайғусидан изтиробга тушган меҳрибон, бировга зиён етказиш ақидаларига зид бўлган Бўстоннинг ҳеч иккиланмай бор фожиалар сабабчиси Бозорбойни отиб ташлаганидан ҳайратга тушмайди. Бўстон образида тасвирланган фожиа "Қиёмат" нинг навбатдаги қиёмати эди. Аммо бу жуда аянчли, инсон зоти учун энг аламли, чидаб бўлмас қиёмат эди. Бўстон асар якунида Иссиққўл томон бадар

йўқолиш истагида йўлга тушади. Аммо кейин нима бўлгани ёритилмайди. Чунки Бўстон қисмати тугаган, у учун дунё охир бўлган, "буюк ҳалокатига етиб келган" (III;9;546) эди. Бундан буёғига нимадир дейиш, нимадир бўлишини тасаввур қилиш мумкин эмас эди.

Ушбу таҳлил хотимаси сифатида айтиш мумкинки, Бўстон Ўркунчиев образи ҳар томонлама бош қаҳрамон талабларига жавоб бера олади.

Биринчидан, асарнинг ўзак ғояси – казову қадарнинг абадий ҳукмронлиги ва инсон номига нолайиқ кимсалар сабаб ер юзида қиёматлар содир бўлишини кўрсатиш шу образ орқали амалга ошади.

Иккинчидан, асарнинг учинчи қисмида Бўстон Ўркунчиев бошдан охир иштирок қилади.

Учинчидан, шу қисм воқеалари Бўстон образи атрофида, унга алоқадор содир бўлади.

Тўртинчидан, Бўстон учинчи қисмда тасвирланган образлар тақдирига дахлдордир. У Эрназар учун дўст, Гулимхон учун вафоли эр, Кенжаш учун меҳрибон ота, парторг Қўчқорбоев учун гапуқмас, ўжар совхоз чўпони, Бозорбой учун унинг юрагини тилкалаган ҳасад нишони, Акбара учун гарчи ўзи англамас ҳам, у ҳақида қайғурган дунёдаги ягона инсон сифатида гавдаланади.

Асар образлари қисмати билан шу қадар боғлиқ экан, демак, сюжет яхлитлиги айнан унга – Бўстон Ўркунчиев образига боғлиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, Бўстон Ўркунчиев образи "Қиёмат" романининг Авдий Каллистратов билан тенг ҳуқуқли бош қаҳрамони эканига гувоҳ бўламиз.

Бозорбой Нўйғутов образи. "Қиёмат" романидаги бу образ характери ўз хаёллари, гап-сўзлари, хатти-ҳаракатлари орқали очиб берилади. Бу образ тимсолида ҳаётдаги омадсизликлари учун ўзини эмас, бировларни – омадлиларни айбловчи, бутун жисмини, ақлу онгини ҳасад илони заҳарлаган ношукр, ифвогар инсон характери гавдаланади.

Асарнинг учинчи қисм воқеалари айнан Бозорбой образи иштирокида бошланади. Шу қисмнинг I бобида Бозорбой Нўйғутовни ўй-хаёллар гирдобиди кўради. Ва шу хаёлот - унинг шахсияти ҳақида тўла маълумот беради. Бозорбой руҳиятида бировларнинг бахтли турмушини кўролмаслик туйғуси ҳукмрон. У "Нега бировлар бахтлию, мен бахтсиз?" деб ўйлайди, аммо бахтсизлигининг ягона сабабчиси ўзи эканлигини хаёлига келтирмайди. Бахтни иккиюзламачилик, бадмастлик, ичи қоралиқдан топиб бўлмаслигини тушунмайди. У ўзини маст бўлиб овутади, аммо бу ҳам бахтсизлик эканидан уялмайди. Бозорбой ҳаётда олдига бирор бир эзгу мақсад ҳам қўймаган тубан инсон. Ахир инсон мақсадлар билан тирик-ку! У қишлоққа келган геологларни тоғгача кузатиб пул ва геологлар ҳиммати билан ароққа эга бўлганини катта омад деб билади. Бир шиша ароқни ҳаётнинг катта тухфаси деб билган инсондан эзгулик чиқмаслигини сезади китобхон. Тоғдан қайтаётган Бозорбой йўлда бўри инига дуч келиб, ҳимоясиз бўриваччаларни ўғирлаб кетади. Ароқ оғуси захарлаган ақл Бозорбой вужудига чексиз журъат берган, у бўри инига ҳеч нимани ўйламасдан, катта бўрилар пайдо бўлиб қолишидан мутлақ чўчимай, ғайришурурий ботирлик билан кириб, Акбара ва Тошчайнар – қисмат қурбонларининг насл бобидаги сўнгги умидлари бўлган тўртта бўричани ўғирлайди. Ва бу ҳаракати билан ўзи ва яна бир қанча бегуноҳлар қисмати фожиасига йўл очади. Ёзувчи Бозорбойни китобхон нафратига дучор қилади. Табиатдаги ҳар бир жонзот учун ўз зурриёти – фарзанди энг қадрли, ўрнини бошқа нарса билан тўлдириб бўлмайдиган неъматдир. Айниқса, агар у сўнгги зурриёт бўлса. Қарангки, табиатдаги барча ҳайвон буни яхши тушунади, ҳатто ўта кетган ваҳший йиртқич ҳам бошқа жонзот боласини ўғирламайди. Аммо инсон тириклик қонуниятларига, табиат мезонларига амал қилмайдиган ягона жонзотдир. Ҳатто ҳайвонлар ҳам ўзига эп кўрмаган ишни – зурриёт ўмаришни инсон ҳеч нимани малол олмай амалга оширди - қўйди. Мукамал борлиқ деб аталган инсон зоти аслида жуда нотавон ва аянчли кўринади кўзимизга. Айниқса, болаларидан айрилган бўрилар Бозорбойни таъқиб қилиб қувганларида,

бирдан Худони ёдга олишида – “Худойим ўзинг қутқар!” (Ш;9;473) – ёки ҳар доим сабаб - бесабаб уриб тепкилайдиган хотини Турсундан кечирим сўрашида - "Сенга сўз бераман! Тирик қолсам, чертсам, одам эмасман!" (Ш;9;471), кўкка тавалло қилишида аянч бир ожизлик кўзга ташланади. Қўрқув сабаб берган ваъдалар саросима ўтгач унутилади. Бозорбой бўриваччаларни сотиб, пулига хуморидан чиққунча ичишни орзу қилганди (қанчалар жирканч орзу!), шундай бўлди ҳам. Нафс, ичкиликка ҳирс сабаб йўл қўйган мудҳиш хатонинг бадали оғир бўлди. Бозорбой бўриваччаларни инига қайтариш таклифи билан борган Бўстонни ҳайдаб солади. Чунки у Бўстон эди, ўз меҳнатсеварлиги билан илғор бўлиб, Бозорбойнинг кўнгил тинчини бузган Бўстон эди. Бозорбой Бўстонга шу қадар сабабсиз ҳасад қиладики, бу билан китобхон унинг инсон номига нолайиқлигига исбот топади. "Албатта, Бўстон яхши. Бунинг устига ичмайди. Ким ёмон? Бозорбой ва унга ўхшаганлар. Бунинг устига улар ичишади..."

Сал нарсага бармоқларини нуқиб пеш қилиб туришади тагин: Бўстон Ўркунчиевни кўр, ана илғор, ана ўрнак... Башарасига солиб-солиб юборсанг шу илғор тавиянинг! Бўстоннинг омади бор, унинг одамлари ҳам яхши, бир борган киши ҳеч қайтиб кетмайди, битта оиладек бўлиб ишлайди... Ҳа, Бўстоннинг омади чопгани чопган. Ҳаммасини қара, ҳаммаси ораста, ҳамма нарса жой-жойида, уйлари чироқлардан чароғон, гарчи қўй кўрасида турсалар ҳам, лекин ҳаммаёқ озода, супурилган, сидирилган" (Ш;9;475). Бўстон булар барига ўз меҳнати, ақли, инсоний қалби билан эришганини тан олмас, Бўстон бахти Бозорбойни алангада қовуради эди. Ҳасадгуй – дунёдаги энг бахтсиз одамдир. Чунки у бахтни кўролмайди. Бозорбой ана шундай инсон эди. Инсонга хатолари устида мушоҳода қилиш ва қайта шундай бўлишининг олдини олиш, гуноҳлари учун тавба қилиш имкони берилган. Бечора Бозорбой шу имкондан ҳам маҳрум эди. Ўқувчи асарни мунофиқ Бозорбой нафс туфайли қилган шафқатсизлиги ва ичи қоралиги учун қачон муносиб жазоланар экан, қандай жазоланар экан, деган ўй билан ўқийди. Шу сабаб борлигини зулмат қоплаган, ўз боласини ногоҳ ўлдириб қўйган

Бўстоннинг бу зулмат сабабчиси Бозорбойни итдек отиб ташлаганидан афсус чекмайди. Чунки Бозорбойнинг инсоният орасида яшашга ҳаққи йўқ эди, бундай қисматни у ўша бўри болаларини ўғирлашга жазм қилгандаёқ танлаган эди. Бозорбой – табиатнинг тириклик меъёрларини бузган ва оқибатда ҳам инсоният, ҳам ҳайвонот оламидаги қиёматга сабабчи бўлган кимса. Таъбир жоиз бўлса, бу образ романдаги энг салбий ва энг ожиз образдир. Негаки унинг ҳаракатларини на ижтимоий, на табиий, на инсоний сабаб билан оқлаб бўлмайди. Бу образ асарга яхши инсонлар қадрига етиш лозимлигини уқтириш учун олиб кирилган. Чунки айти Бозорбой образи фонида Бўстон Ўркунчиевнинг чинакам инсоний фазилатлари кўзга ташланади.

Бозорбой Нўйғутовнинг асардаги иштироки Бўстон Ўркунчиев билан тенг. Хўш, уни ҳам бош қаҳрамон дея оламизми? Тўғри, у асар охиригача иштирок қилган, аммо сюжет фабуласида Бўстон Ўркунчиев образи катта роль ўйнайди. Бозорбой образи асардаги барча образлар тақдирига дахлдор эмас (масалан, Эрناзар билан боғлиқ воқеаларга учун умуман дахли йўқ), демакки, яхлитликни таъминлаш вазифасини ҳам унга юклаб бўлмайди. Асарнинг бош ғояси – эътиқод собитлиги, қисмат фармонбардорлиги ва заминий қиёмат ҳам Бозорбой эмас, Бўстон Ўркунчиев образида намоён бўлади. Кўриниб турибдики, Бозорбой Нўйғутов образи бош қаҳрамон эмас. Бу образ асар бош қаҳрамонининг аслий сифатлари, шу билан бирга, асар бош ғоясининг юзага чиқишида муҳим аҳамиятга эга иккинчи даражали образдир.

Эрназар образи. Бу образ асарга Чингиз Айтматовга хос усул – воқеани хотирада жонлантириш йўли билан кириб келади. Бўстон ҳаётида юз берган даҳшатли воқеанинг аламли хотиралари уни бир умр қийнайди. Бу хотиралар бир шахс – Эрназар номи билан боғлиқ. Эрназар – Бўстон бригадасига ўз ихтиёри билан қўшилган чўпон. Бўстон ва Эрназар характерлари кўп жиҳатдан ўхшаш. Иккови ҳам меҳнаткаш, омадсизликдан қўрқмайдиган, тиниб-тинчимас, "ўз ишининг туғма эгаси" (Ш;9;496) эди.

Уларни бирлаштирган муҳим сабаб эса Эрназарнинг Бўстон қарашларини – совхоз ерларини чўпонларга ажратиб бериш ғоясини тўғри тушунганида ва ҳатто ёқлаб чиққанида эди. Бўстон ва Эрназарни фикрий бирдамлик, маслакдаги бирлик, ҳаётий эътиқод кучи бирлаштирган эди. Улар шу ҳаётий эътиқод учун курашиш ниятида Ола Мўнгу муз довонидан ўтиб, Кичибел яйловини қайта очишни режалаштирадилар. Хатарли сафар олдидан Эрназар руҳияти бир оғиз гап орқали янада ойдинлашади: "Иссиққўлнинг ойнасидан бир парчасини хуржунга солиб олиб кетсакмикин, а?" (Ш;9;502). Шугина сўзлардан иборат гапда содда бир чўпоннинг она заминга, она табиатга, ундаги ҳар бир гўзал ҳодисага чексиз муҳаббат туйғуси намоён бўлади. Шу биргина гап Эрназарнинг қанчалар беғубор ва эзгуликпарвар қалб эгаси бўлганидан далолатдир. Муаллиф бутун шахсиятни биргина гап орқали ифодалайди. Довонда тунаб қолишган биринчи кечада Эрназар Бўстонга довон дуосини айтиб беради: "Ё яхималак, осмоннинг ҳоқими Кўк Тангри , муздовон узра йўлимизни енгил қилгайсан.." (Ш;9;504) Дуони билганича айтган Эрназарни бу дуонинг тақдири ўйлантиради: "Ҳозир бунақа дуолар ҳеч кимга керак эмас. Энди мактабларда буларни қоқоқлик ва жаҳолат деб ўргатишади" (Ш;9;504). Аждодлар қадриятининг рад этилиши чўпонни ўкситади, аммо олимлар уни эскилик сарқити деб билишади. Ахир миллатнинг асрий қадриятлари, ўзлиги шундай дуоларда – қадим сўзларда сақланган-ку! Биз ундан жаҳолат деб юз ўгирсак, миллатдан, ўзликдан юз ўгирган бўлмаймизми? Бўстон ва Эрназарнинг шундай изтиробни ҳис қила олганларининг ўзиёқ уларнинг чинакам миллат фарзанди – аждодларнинг муносиб давомчиси эканлигини билдиради. Биргина дуо воситасида ёзувчи ўша даврнинг аламли манзараси – 80- йиллар охирига келиб миллийликка , миллий ўзликка қаратилган "эскилик сарқити" хуружини тасвирлашга эришади.

Тафаккури қордай тоза Эрназар шу суҳбатнинг эртасига қисматнинг ҳалокат тузоғига – тоғдаги муз қаърига тушиб кетади. Бу тақдирнинг адолатсиз ўйини эди. Эрназар ҳаётининг бундай якун топиши учун бирон

сабаб йўқ эди. У бахтли яшашга, узоқ умр кўришга кўплардан кўра ҳақлироқ эди. Аммо бундай бўлмади. Фикримизча, қисматнинг нишони бошқа – Бўстон эди. Бу фожиадан энг кўп азият чеккан, ўзини кечиролмай азобланган, то сўнгги нафасига қадар бу қийноқдан қутулолмайдиган инсон бу Бўстон бўлди. Чунки Эрناзар Бўстон қарашларини, фикрларини ҳимоя қилиш учун йўлга чиққан, унга ҳамроҳлик қилган эди. Ўз фикрига эга бўлмоқлик, уни ҳимоя қилмоқликнинг ажри шунчалар оғир ва даҳшатли эди. Қисмат Бўстон эътиқодини синамоқда эди. Аммо бу синов асарнинг аввалги қисмларига қараганда анчайин мушкул эди. Негаки, Авдий Каллистратов ҳам, Гурам Жўҳадзе ҳам, Исо Масих ҳам ўз эътиқодларида собитлиги учун қисмат уларнинг ўзларини жазолади – ўлимга маҳкум қилди. Бироқ Бўстонга келганда, тақдир бошқача йўл тутган эди. Унга яқинларини қийратиш орқали азоб бермоқда эди. Аввал ягона ҳамфикри Эрназарнинг абадий музликлар аро йўқликка юз тутиши, сўнг ўзи отган ўқ сабаб жон берган зурриёти Кенжашнинг фожиаси – қисмат аёвсиз қасос олган эди. Асарнинг бир ўрнида шундай фикрни ўқиймиз: "Дунё ўз фарзандларини уларнинг энг покиза ғоялари ва руҳий умтилишлари учун ҳаммадан кўпроқ жазолайди" (Ш;9;345). Бу асардаги ҳамма покиза ғоя эгалари, эзгу интилиш соҳиби бўлган образларга тегишли ҳукм сифатида жаранглайди. Уларнинг ғуборсиз қалбларини чирк босган дунё, жамият сиғдирмади. Шу сабаб улар қисматида фожиалар рўй берди.

Эрназар образи, хулоса қилиб айтганда, асарнинг маълум ўрнида иштирок қилган, ўз иштироки билан бош қаҳрамон тақдирида муҳим аҳамият касб этган, аммо асарнинг бутун сюжетида дахл қилмайдиган ўзига хос характерга эга иккинчи даражали образдир.

Гулимхон образи. "Қиёмат" романидаги аёллар образи қаҳрамонларнинг бахтли кунларини тасвирлашда муҳим ўрин тутади. Асарда барча аёллар ижобий характерга эга ва романнинг ёруғ лавҳаларида айнан улар иштирок қилади. Авдий ҳаётидаги энг нурли кунлар – Инга Фёдоровна билан ўтган, муҳаббат сабаб завқ-шавққа тўлган кунлар эди. Исо Масих ҳам

хаётининг поёнида хотирасидаги энг азиз дамлар онаси Марям билан боғлиқлигини англайди. Бўстон тақдиридаги саодатли палла эса Гулимхон образи билан боғлиқ. Гулимхон образида очик чеҳралик, эрига, оиласига вафодор аёл, фарзанди бахти ва тинчлиги учун ҳар нега тайёр она характерлари умумлашади. Гулимхон ва Бўстонни тақдир бирлаштирган эди. Гулимхоннинг эри Эрناзар ҳалок бўлгач, Бўстон учун бева қолган шўрлик аёлнинг мунгли кўзига қарашдан, унинг олдида ҳеч нима қилолмай чорасиз туришдан ортиқ алам йўқ эди. Негаки, Бўстон Эрназар фожиасида ёлғиз ўзини айблар, бу ҳақда ўзига ҳеч нима демаса-да, Гулимхон олдида, унинг етим қолган икки қизчаси олдида ўзини кечириб бўлмас айбдордек ҳис қилар эди. Бўстоннинг хотини Орзигул образида ҳам ҳаётнинг оғир-енгилини тушунган, турмуш нималигини англаган оқила аёл шахси гавдаланган. Биз буни умри оёқлаганини сезган Орзигулнинг эри Бўстонга ўзидан сўнг ёлғиз юрмасликни, маъқул топса, бева Гулимхонга уйланишини васият қилганидан билишимиз мумкин. Чунки ҳақиқий рафиқагина эрининг ҳеч кимга айтолмаган кўнгил изтиробларини сўзсиз тушуна олади. Орзигулнинг асардаги бир-икки иштироки ва сўнгги илтимосидан унинг чин рафиқа бўла олганига гувоҳ бўламиз. Бўстон марҳума аёлининг васиятини бажариш ва Эрназар олдидаги айбини ювиш, унинг болаларига оталик қилиб, виждонини озгина бўлса-да тинчлантирмоқ учун Гулимхонга уйланади. Гулимхон учун ҳам бу ягона тўғри қарор эди, чунки у ҳали яшаши, фарзандлари учун, улар бахти учун яшашда давом этиш лозим, бу учун эса унга тиргак керак эди. Бўстон унга тиргак бўла олди. Улар бир -бирига суянч бўлишган эди. Шундан сўнг гўё тақдир уларга бошдан кечирган бор азоблари учун кулиб боққандай бўлди: ширингина фарзанд ато қилди. Аммо бариси бирдан ғойиб бўлди бахтли турмуш ҳам, жажжи фарзанд ҳам. Отаси ўлдириб қўйган боласининг жажжи жасадига қараш – Гулимхон учун, муштипар она учун қиёматнинг ўзгинаси эди. Ёзувчи ўша вазиятдаги Гулимхон ҳолатини ортиқча сўзларсиз тасвирлайди: "Шунда Гулимхон жасад пойига тиз чўқди ва худди Акбара тунлари ув тортган каби увиллай бошлади" (Ш;9;544). У

инсонми, ҳайвонми, бошқа жонзотми, барибир фарзанд доғи Она учун – тирикликнинг қайси вакиласи бўлмасин бир-бирига ўхшаш. Шу учун ёзувчи Гулимхон қайғусини биргина "Акбара тунлари ув тортган каби" сўзлари билан, Акбара қайғуси билан ифодалаб беради. Чунки болаларидан айрилган она бўрининг аламлари тасвири асарда салмоқли ўрин эгаллайди. Яна шундай айрилиқ учун қоғоз қоралаш шарт эмас, негаки Гулимхоннинг ҳам, Акбаранинг ҳам – айрилиқ доғидаги оналарнинг дарду изтиробини бир хил рангу бир хил ўлчамда эди. Бу эса Гулимхон ва Акбара образларида ўзаро ўхшашликни, яқинликни таъминлайди. Акбара насл қолдириш жазмида сўнги бор курашди, аммо бариси йўқликка юз тутди. Гулимхон ҳам яшаш ва бахтли бўлиш учун ҳаракат қилди, аммо барча эришгани бир зумда зулмат қаърига чўкди. Гулимхон тақдириги бу даҳшатли фожиа қисматнинг сўнги зарбаси эди.

Гулимхон образини Бўстоннинг оила бошлиғи, эр, ота қиёфаларини тиклаш учун зарур эди. Шу образ орқали Бўстондаги бурч, масъулият, виждон каби юксак туйғулар тасвирини кўриш мумкин. Аммо бу образда бош қаҳрамонликка даъво қилгулик асослар етарли эмас. Шу сабаб Гулимхон образини бош қаҳрамон шахсиятини очиб беришда муҳим ўрин тутувчи ёрдамчи образ сифатида баҳолаймиз.

Асарда булардан ташқари Виктор каби образлар ҳам ҳаракат қилади. Уларнинг воқеалар ривожига ўз ўрни бор. Аммо улар фақатгина воқеаларга туртки бериш (Авдийни черковдан ҳайдаган ота Дмитрий ёки уни наша йиғувчи чопарларга қўшилишига ёрдам берган Паша, Бозорбойнинг Бошат дарага келишига сабаб бўлган геологлар ва ҳ.) ёки айрим ҳолатларни тўлдириш, изоҳлаш (Бозорбойнинг характерини тўлароқ тасвирлаш учун Кўк Турсун образини) вазифаси учунгина керак. Бу образлар бош сюжет чизиғига ва асарнинг бош ғоясига умуман дахл қилмайди. Шу сабаб бу образларни учинчи даражали образлар сифатида кўрсатишимиз мумкин.

"Қиёмат" романида тасвирланган инсоният образлари орасидан бош қахрамон сифатида иккита образни – Авдий Каллистратов ва Бўстон Ўркунчиевни кўрсатиш мумкин. Чунки шу иккала образ бош қахрамонга қўйилган барча талабларга тўла мос келади ва биз бунга юқорида – шу образларни таҳлилга тортиш жараёнида гувоҳ бўлдик.

2.2. АСАРДАГИ ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ ТАСВИРИДА БОШ ҚАҲРАМОН МУАММОСИ.

Акбара образи. Акбара образи ва у билан боғлиқ воқеалар асарнинг бош сюжет чизиғини ташкил қилади. Фикримизни романнинг учала қисми узвийлигини таъминлаб турган образ Акбара эканлиги билан исботлашимиз мумкин. Дарҳақиқат, биргина Акбара образи ҳар учов қисмнинг тўла қонли иштирокчисидир.

Акбара – ёллари калин, оқиш-кўкиш тусли, ҳайбатли ва унга дуч келган инсонларнинг барчаси хайратига сазовор бўлган тип-тиниқ кўккўзли бўри. Аввало, унинг номи ҳақида. Маълумки, "Акбара" сўзи арабчадан олинган бўлиб, улуғ, буюк деган маъноларни билдиради. Табиатнинг ёввойи йиртқич фарзандига нега бундай ном берилди? Эҳтимол, бу унинг бошқа бўриларникига ўхшамаган тақдирига, аламу изтиробларига ишорадир. Нима бўлганда ҳам бўри учун танланган бу номда қандайдир сирлилик, пинҳонийлик аломатлари сезилади.

Асарда Акбара ва унинг жуфти Тошчайнар тимсолида бўриларга хос ҳаёт, ҳайвон руҳияти беқиёс даражада ҳаётини акс эттирилган. Демак, адиб Ч.Айтматов бўрилар ҳаётини яхшигина ўрганган. Бу хусусда носирнинг ўзи шундай дейди: “Акбара билан Тошчайнар тўғрисида ёзишдан аввал бўриларнинг табиатини, юриш-туришини, ҳаётини ўргандим. Кўплаб ҳар хил китобларни ўқиб чиқдим. Умуман, бўриларнинг ҳаёти қатъий интизомга бўйсундирилган. Қизиқ ҳаёт кечирадилар” (Ш;11;143) Инсонлар образини яратиш у қадар мушкуллик туғдирмайди, чунки инсоний ҳис-туйғулар, кечинмалар, тасодифий ҳолатлар ёзувчи ва қаҳрамонни инсон сифатида бирлаштиради, ёзувчи ўзи ҳис қилган туйғулар тасиврини чизишда ва уларни қаҳрамонга сингдиришда оқсамайди. Аммо бўри образини тиклашда бўридай фикрлаш, дунёни ҳайвон нигоҳи билан кузатиб баҳо бериш, бўридай сезиш, бўри руҳиятини ҳис қилиш керак бўлади. Бу эса ёзувчидан жуда катта билим, тажриба ва маҳорат талаб қилади. "Қиёмат"да тасвирланган зоомакон,

зоорухият, зоосезим шу қадар ҳаққоний ва табиий манзара касб этганки, бу асарнинг, демакки, адибнинг муваффақиятига, дунё томонидан тан олиншига, миллионлаб китобхонлар эътирофига сабаб бўлишига асосий омил бўлиб хизмат қилди.

Акбара образи орқали табиат қонунларининг, мезонга солинган табиий меъёрларнинг инсоният томонидан бузилиши, барбод этилиши оқибатида ҳам инсон, ҳам ҳайвон борлигида юз берган офатлару балолар – қиёматлар тасвирланган. Акбара образида бешафқат тақдири билан охиригача кураша олган, аммо ҳеч нимани ўзгартиришга қурби етмаган она бўри характери гавдаланади. Асарнинг ибтидоси бўрилар – Акбара ва Тошчайнар тасвири билан бошланади. Бу ўринда Акбара ҳамма нарсадан кўнгли тўқ, садоқатли жуфти ҳимоясида, вужудидаги митгивойлари тафтидан бахтиёр она бўри қиёфасида тасвирланади. Асар воқеаларига инсондан олдин кириб келган бўри образлари орқали ёзувчи бетакрор сюжет тармоғини чизади. Чунки I бобда тасвирланган Иссиққўл тоғ ёнбағирларида макон топган, зурриёт учун сўнг бор курашаётган жуфт бўрилар асарнинг III қисм воқеалари ҳолати билан боғлиқ аслида. Хўш, унда ўртадаги сюжет қаердан пайдо бўлди? Ёзувчи бу учун ноодатий хотира – бўри хотирасидан фойдаланади. Акбаранинг кечмиш изтироблари оқимидан янги-янги сюжет чизиқлари учун сабаб топаверади.

Акбара шунчаки оддий йиртқич бўри эмас, у зийрак ва одил – номи билан Акбара. Шу сабаб унинг ўтмишдаги аламли воқеаларни, қийноқли йўқотишларни эслашига, эслай олишига ўқувчи ишонади. Тоғ тошлари билан муҳофаза қилинган бежавотир инида Акбара вужудида ҳали дунё юзини кўрмаган болаларининг вужудини ҳис қила туриб, ўтмишини, фожиаларини эсга олади. У жуфти Тошчайнар билан тақдирини боғлаган кунларни, олис Мўйинқум саҳроларида кечган бахтли дамларни, баракатли ва муваффақиятли овларни, илк бор оналик бахтини ҳис қилганини – ҳаётига ҳали қисматнинг совуқ нафаси дахл қилмаган кезларни эслайди. Ундан уёғи эса даҳшат, бу воқеаларни хотирада сақлаш, унута олмаслик эса яна бир

дахшат. Чунки Акбара бу воқеаларни ҳар эслаганда ўша еру замин оловланган дамга қайта тушгандай, ўша тасвирсиз изтиробни қайта ҳис қилгандай бўлаверади. Мўйинқум саҳроларида у ўзининг илк фарзандларини дунёга келтирган эди. Уларга ўзича ном беради: Хумкалла, Илдам, Суйгиной. Бу ўринда ёзувчининг чегарасиз бадиий хаёлига, бўриларча дунёқарашдан муносиб ном топа олганига тан бермоқ керак. Акбара тўқис оилавий бахт – жуфти ва бўричалари оғушида эди. Аммо бу бахт бир зумда саробга, аччиқ хаёлга айланди - қолди. Ягона сабаб эса инсон эди. Чунки ёлғиз Инсонгина табиат йўриғини издан чиқара олади, ўзи ҳам шу табиатнинг бир бўлаги, у билан тирик эканлигини унута олади. Мўйинқумда давлатга гўшт топшириш, режани бажариш буйруғи остида сиёсату жамиятнинг қондасиз ўйинлари қурбони сифатида бошланган сайғоқларга қирғин нафақат сайғоқларнинг, балки Мўйинқумни макон тутган бошқа жониворлар, жумладан, Акбара оиласининг тақдирида қиёмат кўптирди. Табиатдаги меъерий тириклик тарзини остин-устун қилиб юборган инсон муаллифлигидаги аёвсиз қирғинбарот Акбарани ҳам вояга етиб улгурмаган болаларидан абадий жудо қилади. Мўйинқумдаги сайғоқ қирғини манзарасини бадиий сўз қудрати билан кўз олдига келтирган китобхон беихтиёр инсон зотининг нафс учун ҳар қандай ёвузликка қодир тубан қиёфасидан нафратланиб кетади. Бу қиёфа шунчалар даҳшатли эдики, ҳатто йиртқичлик, ваҳшийлик табиатига хос хусусият бўлган бўрилар ҳам ундан ҳадиксирайди: "Бошдан оёқ қонга ботган бу одамларга қараш жуда кўрқинчли эди" (III;9;307). Аслида йиртқич ваҳший ким: одамми ёки бўри? "Қиёмат" романи бу саволга табиатдаги барча жонзотлар ичида ҳеч бир меъерга бўйсунмай ўз билганича яшовчи, бу йўлда ҳеч нимани, ҳатто ўз тури вакилларини ҳам аямайдиган энг даҳшатли, мурасасиз ваҳший бу одам дея жавоб беради. Табиатнинг бор яратиклари аслида қандай яшаши керак бўлса, шундай умр кечиришади. Фақат одамзотгина аслида қандай яшаши лозимлигини бир умр тушунмайди. Англаганда эса умри хотималанган бўлади. Мўйинқумдаги воқеалар тасвирининг икки ўрнида Акбара ва Авдий Каллистратовнинг юзма-юз

учрашганини кўришимиз мумкин. Авдий Каллистратов наша деган офат ўсимликни биринчи бор кўрганида ва унинг ширасини йиғиш учун ярим яланғоч ҳолда тинмай у ёқдан- бу ёққа югуриб ўткир ҳиддан маст бўлиб қолганида бўри болаларига кўзи тушади. Ва уларни эркалай бошлайди. Бўричалар ҳам ҳеч нимадан хайиқмай бу ғалати мавжудот билан ўйнамоқчи бўлишади. Шу пайт она бўри Акбара пайдо бўладию, одамга ўқдай отилади. Аммо ҳимоясиз , жуда нотавон ва ожиз, даҳшатли кўрқув ичида қолган бир жонзотни тилка-пора қилиш ҳатто ваҳший бўри учун ҳам адолатсиз ҳол бўлиб туюлади. Авдий Каллистратов ўша шафқатли кўккўз бўрини унга қилинган инсонлар муаллифлигидаги ваҳшийликлардан нажот сўраб ёдга олади. Чунки бундай шамойилкаслардан кўра бўриларда инсоф-адолат кўпроқдек эди. Авдийни Обер-Кандалов тўдаси ўласи қилиб, дарахтга тортганларида умрининг сўнгги лаҳзаларида тақдир яна ўша забонсиз махлук Акбара билан учраштиради. У Акбаранинг шишадек тиниқ кўзларига қараб, “Келдингми...” (Ш;9;459) дея олади холос, инсоннинг сўнгги сўзи ҳайвонни йўқлаш бўлди. Акбара ва Тошчайнар қирғинда ҳалок бўлган болаларини ёдга солувчи бу даҳшатли жойни ташлаб кетишаётганди. Акбара дарахтда осилиб ётган одамга кўзи тушиб, уни бахтидан айирган қаттол душманга ҳамла қилмоқчи бўладию, сўнг дамда уни таниб қолади. Ва болаларини эслаб увлаб юборади. Ўзи ёрдамга муҳтож бу одамдан ёрдам тилайди. Табиатнинг қизик уйғунлиги: ҳаётий ақидаларидан қайтмаслик учун жонини тиккан одам ва бор дунёси остин-устун бўлган дилбандларидан айрилган бўри; улар иккаласи ҳам бир-бирига ёрдам бера оладиган ягона жонзот, аммо бундай қилишолмайди, бир-бирини қутқаришолмайди. Чунки қисмат бунга йўл қўймайди. Акбара учун Авдий бошқа одамларга – қонхўр махлуқларга ўхшамайдиган ғалати одам эди. Авдий учун ҳам Акбара бўриларга ўхшамаган бўри эди. Уларнинг тақдирларидаги ўхшашлик, уларни юзлаштирган ҳодиса ҳам шу эди – улар бошқаларга ўхшамас эдилар. Қисмат эса уларнинг ҳар икковини айнан шу учун аёвсиз жазолади. Акбара ва Тошчайнар барбод бўлган бахтларини унутиш учун узоққа кетишади, Алдаш

қамишзорларини макон тутиб, яна тўқис бахтга – бешта фарзандга эришишади. Бироқ бу бахт инсон зоти томонидан барбод этилади: тоғдаги янги очилган конга йўл очиш учун бутун қамишзорга ўт қўйишади. Акбара тақдирида иккинчи қиёмат олови ёнган эди. Бу олов уни яна зурриётларидан ажратди. Тақдиридаги бу икки оғир фожиа Акбара юрагига чуқур изтироблар солган уларни ҳар эслаганида вужуди чидаб бўлмас алам алангасида ўртанарди. Мана шу хотиралар асар қисмларини боғлаб турувчи кўприк вазифасини ўтаган. Асарнинг учинчи қисми Акбаранинг хотираларига эмас, жонли ҳаётига бағишланади. Бу қисмда Акбара қисматида сўнгги қиёмат, дахшатли фожиа юз беради. Бехатар жой деб топишган Иссиқкўл яқинидаги тоғликларда Акбара ва Тошчайнар қайта ҳаёт бошлаб, тўртта фарзанд кўришади. Бу тайлоқлар насл қолдириш йўлидаги сўнгги имкон эди. Аммо шу охир имкон яна заминдаги бор балолар ижодкори томонидан ўғирланади. Бўри ҳимоясиз одамга хужум қилишни ўзига эп билмайдию, бироқ одам – коинот гултожи, олий яратик – ҳимоясиз бўридан болаларини номардларча ўғирлашни ўзи учун катта ютуқ, жасорат деб билади, бу иши учун фахрланади. Романда инсон табиатдаги бор жонзотлар тубан деб билган ишларга ҳам қодир сифатида кўрсатилади (Бозорбой тимсолида). Демак, шундай одамшакллар ва уларнинг нафратгагина арзирли қилмишлари бор экан, замин узра, табиат ва жамият ичра фожиалар юз бераверади, тақдирлар қиёматга юз тутаверади. Акбара, Авдий, Бўстонлар қисматида юз берган ҳодисалар қайси қиёматдан кам? Ёзувчи асар давомида фожиаларни тасвирлар экан, бундай ҳоллар юз бермаслиги учун, инсонлар қиёматсиз яшамоқлари учун фақат бир нарса зарурлигини уқтиради. Гарчи бу ҳақда романда конкрет фикр берилмаган бўлса ҳам, аммо бутун сюжет мазмунидан зийрак китобхон буни дарров илғаб олади. Бу атрофдаги борлиққа, оламга озгина эътибор билан қараш, бефарқ бўлмаслик ғоясидир. Агар авдийлар, бўстонлар, акбаралар кўпайса, ҳар бир нотўғри ҳодисага эътибор бера олсак, ўзимизни шу табиат учун масъул деб билсак, шундагина фожиаларимиз камаяр, бахтга ҳамроҳ бўлганлар кўпаяверарди. Бу учун кўп нарса шарт эмас:

инсон инсондек яшашни ўрганиши керак. Шунда инсоният ҳам, ҳайвонот ҳам, наботот ҳам, жонлию жонсиз табиат ҳам инсонни деб ҳасрат чекмайди, йўқликка юз тутмайди. Бу асарнинг етакчи ғоясидир ва бу ғоя Акбара образи тасвири билан юзага чиқмоқда. Демак, Акбара бевосита бош ғоясига дахлдор образ сифатида бош қаҳрамон сифатларидан бирини қўлга киритади.

Асарнинг сўнгги қисмида Акбарани чексиз қайғу-изтироблар комидаги, дунёсини зулмат қоплаган, фарзандларидан , умрлик жуфтидан айрилган бўри қиёфасида кўрамиз. Бирор фалокат ё табиий офат сабаб эмас, балки инсон сабаб учинчи бор болаларидан айрилиш захрига чидай олмаган Акбара қасос олишга чоғланади. У то жуфти ўққа учгунга қадар лаънатга қолган баттол ўғри, зурриёт кушандаси инсондан ўз билган йўриғича ўч олади, қандай бўлмасин унга зарар етказиш учун ҳаракат қилади. Акбара бўри эди, аммо ёзувчи унинг дардини худди ўзи ҳис қилган каби жонли тасвирлайдики, натижада бўри дарди инсоний тафаккур чизгилари билан уйғунлашиб кетади: “Майли, гарчи Акбара тилсиз, забонсиз эди, лекин унинг тил билан ифодалаб бўлмас қийноқлари бор эди. У вужуди хирмонини ёққан ана шу азоблардан ҳеч қутулолмасди... Акбара болаларининг иси қолган ҳамма нарсаларни, ҳамма бурчакларни яна бирма-бир искаб чиқди ва яна юраги эзилиб, аламига чидолмай дод деб юборди, ингради, йиғлади, увлади: “Қани менинг бўлтуруқларим? Қанисиз, эй ширин-шакар болажонларим? Кошкийди сиз вояга етсангиз, тишларингиз чиқса, менинг ёнимда юрсангиз, қанчалар танимга мадор, жонимга жон, оёғимга қувват бўлар эдингиз, болажонларим...” (Ш;9;507) ёзувчи Акбара дардини, изтиробини ғоят рангли, таъсирчан тасвирлайдики, китобхон учун бўри образи шунчаки жонзот эмас, юраги қувонч ва ҳасратни бор бўйича ҳис қила олгучи табиат фарзандига айланади. Бўрининг даррандавий сезимлари инсоний ҳиссиётлар фонида ифодаланади. Чингиз Айтматов синчков носир сифатида Акбара образини яратишда маҳорат кўрсата олган. Айниқса, Акбаранинг ойни маскан қилган бўрилар илоҳаси Бўри Онага ёлвориб, дардини айтиш лавҳаси ҳам бўрилар табиатида ойга тикилиб ув тортиш хусусияти мавжудлиги билан табиийлик

касб этади. Қайғули Акбаранинг “одам сиёқи демаса, ўз болаларининг баайни ўзгинаси” (Ш;9;542)бўлган кичкинтой Кенжашни уяси томон олиб қочиб кетишида ҳам ғайритабиийлик сезилмайди. Чунки қанчалар йиртқич, ваҳший бўлмасин, она даррандаларнинг ҳимоясиз гўдакка зиён етказмаслиги фанда исботланган ҳақиқатдир. Акбара образи шу сабаб ҳам ўзига хос характер касб этади. Кенжашни олиб қочишда “боланинг нозик бўйнини тирнаб қўймаслик учун оҳиста унинг камзули ёқасидан тишлаши” (Ш;9;542) тасвирида ҳам оналарча меҳр ҳисси сезилади. Оналик саодати учун сўнг бор уринган Акбара оталик бахтини қутқаришга чоғланган Бўстон отган ўқдан ҳалок бўлади, у билан бирга мурғак вужуд ҳам. Акбаранинг қиёматлар қўпган тақдири интиҳо топади. Фарзанди ўлимига сабаб бўлган Бўстон қисмати ҳам йўқликка юз тутаяди. Асар воқеалари фожиалар чўққисида тугайди. Бу эса романнинг “Қиёмат” деб бежиз номланмаганидан даракдир.

Акбара образи ва унга хос характер тасвири таҳлилларидан хулоса қиладиган бўлсак, бу образ барча ўлчовларга мослиги билан асар бош қаҳрамони деган эътирофга лойиқдир. Бунга қуйидаги сабаблар асносида амин бўлиш мумкин:

Биринчидан, Акбара “Қиёмат” романининг бош ғояси – инсониятнинг табиат қонунларига бўйсунмаслиги, табиий меъёрларни оёқости қилишижамиятда ҳам, табиатда ҳам омонсиз қиёматларга сабаб бўлади деган фикрнинг асар бўйлаб ҳаракатини таъминловчи образдир.

Иккинчидан, у роман воқеаларида бошдан то охиригача иштирок қилади.

Учинчидан, айти шу иштироки сабабли у роман сюжетларини таъминлайди. I-II қисмдаги Авдий Каллистратов ва III қимдаги Бўстон Ўркунчиев билан боғлиқ воқеалар Акбара образи орқали узвийлик касб қилади.

Тўртинчидан, у асарнинг ҳар учала қисмини боғловчи образ сифатида романдаги бошқа образлар тақдирига ҳам дахлдордир.

Бешинчидан, роман воқеалари Акбара тақдири атрофида юз беради.

Демак, Акбара образи “Қиёмат” романининг тўла қонли бош қаҳрамони даражасига муносиб образдир.

III БОБ. “ТОҒЛАР ҚУЛАЁТГАН ЗАМОН (АБАДИЙ ҚАЛЛИҚ)” ВА БОШ ҚАҲРАМОН

3.1. “ТОҒЛАР ҚУЛАЁТГАН ЗАМОН (АБАДИЙ ҚАЛЛИҚ)” ДАГИ БАШАРИЯТ ТАЛҚИНИ

Башарият тан олган даҳо ижодкор, афсонавий ёзувчи Ч.Т. Айтматовнинг "Тоғлар қулаётган замон (Абадий қаллиқ)" романи қисмат чизгиларининг ўзгармаслиги, эътиқод ва ҳаёт ўртасидаги абадий кураш тасвирланган замонавий фалсафий асардир. Ёзувчи умри якунида дунё юзини кўрган ушбу асарда Ч.Айтматовнинг ҳаёт, тақдир, инсон ва табиат ҳақидаги хулосалари, теран мушоҳодалари ўз аксини топган. Асар ижодкорнинг бошқа асарларидан кўп жиҳатдан фарқ қилади.

1. Аввало, давр фарқи. "Тоғлар қулаётган замон (Абадий қаллиқ)" да эндигина мустақилликка эришган, янги сиёсий тузумга қадам қўйган мамлакатдаги бозор иқтисодиёти даври тасвирланади. Бозор иқтисодиёти – бизнес мамлакат фаровонлигига хизмат қилмоғи даркор, аммо буни ўзича тушунган замонасининг замонавий "долларбой"лари тоғдаги лолагача, булоқдаги сувгача, ҳатто қор уюмлари аро савлатқадам юрган қор барсларига қадар ушбу бизнес қуролига айлантирмоқда. Айтматов даҳоси бу ҳақда нимадир ёзмаслиги мумкин эмас эди.

2. Маънавий ҳаётдаги эврилиш. Бугун бутун дунё халқи азият чекаётган оммавий маданият. Ҳар бир миллат ўз қадри қиммат тили, анъаналари, урф-одатлари, бир сўз билан айтганда, маънавияти ва маданияти билан тирикдир.

Демакки, маънавиятга бўлган хуруж шу миллатга бўлган хуруждан ўзна нарса эмас. Айтматов ўз асарида бутун инсониятни айни шу хавфдан - оммавий маданият хавфидан, миллийликни, ўзликни йўқотиш хавфидан огоҳ этади. Бу даъват асардаги ҳар бир образ, ҳар бир деталл, ҳар бир манзарага айтматовча маҳорат билан сингдирилган.

3. Сюжетнинг нисбатан кам тармоқланганлиги .

Ч. Айтматов ижодидаги ўзига хос услуб бу сюжет кўп тармоқли эканлигидадир. Мисол учун, "Қиёмат"да Акбара, Авдий Каллистратов, Исо, "Олтовлон ва еттинчи" баллада - ривояти, Бўстон Ўкунчиев сюжет чизиклари орқали бадиий ғоя сурати чизилган бўлса, "Асрга татигулик кун" романида Эдигей, Абутолиб Қуттибоев, Найман она, Раймали оға, романга илова қилинган "Чингизхоннинг оқ булут" ривоят-қиссаси каби сюжет тармоқларини учратамиз. Аммо юқоридаги икки романдан фарқли ўларок, "Тоғлар қулаётган замон (Абадий қаллик)" Арсен Саманчин, Жаабарс ва Абадий қаллик – учта сюжет чизиғига эга.

Демак, "Тоғлар қулаётган замон (Абадий қаллик)" романи чингизий тафаккурнинг ғоят бетакрор зоҳирга айланган маҳсулидир.

"Тоғлар қулаётган замон (Абадий қаллик)" романида Ч.Айтматовни биз шунчаки ёзувчи эмас, балки руҳшунос, инсоншунос ёзувчи сифатида яна бир бор таниймиз. Чунки асар қаҳрамони Арсен Саманчин тимсолида ёзувчи бани башар мудом қизиққан руҳият сирларини, қалб асрорини, инсон табиатининг ғоят дақиқ қирраларини моҳирона тадқиқ этади. Романда А.Саманчиндан ташқари Айдана Самарова, Эртош Қурчалев, Бектур Саманчин, Элас Жаабарсова, Тоштанафгон, араб шайхлари Ҳасан ва Мисир каби образлар тасвирланган бўлиб воқеалар ривожиди уларнинг ҳиссаси салмоқлидир. Бош қаҳрамонга қўйилган беш томонлама сифат талаби орқали биз асарда тасвирланган образлардан қай бири бош қаҳрамон мавқеига даъвогар бўла олишини аниқлаймиз.

Аввало, асардаги энг фаол образ **Арсен Саманчин** ҳақида. Ёзувчи асар бошида уни китобхонга "қиссамиз қаҳрамони" сифатида таништиради. Хўш, бу образ бош қаҳрамон сифатидаги талабларга қай даражада жавоб бера олади? Саволимизга ушбу образни таҳлил қилмоқ орқали жавоб олишимиз мумкин.

Арсен Саманчин образида ёзувчи, мустақил эгамен журналист, нозикфаҳм сиёсатчи, атрофида юз бераётган воқеаларга безътибор бўлмаган шахс, ўз даври иллатларини пайқай олган ва уларга қарши қуроли – қалами

билан курашган эркин фикр эгаси, муסיқа санъатини "Худога етишиш, рух галактикаси" (III;16;30) деб билган, шу сабаб операчига кўнгил қўйган ошиқ, сўнг бор умидлари йўққа чиққан, аммо эътиқодидан қайтмаган чинакам Инсон қиёфаларини айтматовона даҳолик билан уйғунлаштира олган. Айни шу хусусиятлари билан А.Саманчин "Қиёмат"даги Авдий, Исо Масих, "Асрга татигулик кун"даги Эдигейни, Абутолибни беихтиёр эсимизга солади. Бу хислатлар Ч. Айтматов асарларидаги умумий туташ чизиқларни ташкил этар экан, демак, улар ёзувчи шахсиятини, борлигию борлигини, ҳатто ижодий тафаккурини бошқара олган кучлар бўлган дея хулосага келишимиз мумкин. Негаки, устози аввал Арасту ўз "Поэтика"сида қуйидаги фикрни келтиради: "Ўзи ҳаяжонлана оладиган шоир томошабинларни ҳаяжонлантира олади, ўзи ғазаблана оладиган киши томошабинларни ҳам ғазаблантира олади" (44). Шу сабаб Арсен Саманчин шахсиятидаги исёнкорлик, эътиқод кучи ва ҳатто ўз давридан илгариланган дунёқараш аслида Ч.Айтматовга тегишлидир, А.Саманчин эса унинг асардаги, бадииятдаги аксидир. Биз бу билан А.Саманчин образи аслида Ч.Айтматовнинг ўзи (прототипи) деган фикрдан йироқмиз. Фақат ёзувчи тафаккури, ҳақиқатлари шу образда акс этган демоқчимиз.

"Тоғлар қулаётган замон (Абадий қаллик)" романида бош ғоя - одамийлик, инсон ва табиат ўртасидаги гармониянинг шу муштараклик асоси бўлган Инсон томонидан бузилаётганидан ўксиш, табиатни асраш, борлиқни, инсон борлигини асраш ва тақдир. Хўш, қаҳрамонлардан қай бири бу ғоянинг асар бўйлаб ҳаракатини таъминлайди? Бу А. Саманчин образидир. Асар бошида китобхонга нотавон, ожиз ва ҳатто кўримсиз бўлиб кўринган (ресторандан ҳайдалиш воқеасини эсланг) - А.Саманчин воқеалар изчиллиги давомида ўз ҳаётини эътиқодига эга, қалбига хиёнат қилмаган, миллати учун, унинг миллий ўзлиги учун курашган ва ҳатто эътиқоди йўлида иссиқ жони - мислсиз тафаккурини қурбон қилган қаҳрамонга айланади.

А.Саманчин образида инсониятни туғилганидан то сўнгги лаҳзасига қадар таъқиб қилувчи азалий, тақдир сири намоён бўлади. Ёзувчи Арсен

Саманчин ҳаётини тақдир битиги, қисматнинг тизгинсиз ўйинлари сабаб фожиага рўбарў қилиб қўядики, китобхон тафаккурида азалий ҳақиқат - тақдир ҳақиқати жонланади. Асар бошида қўйидаги фикрларни ўқиймиз: "Абадий бир ҳақиқат мавжуд - тақдирини, пешонасига ёзиб қўйилганини ҳеч ким олдиндан билишга қодир эмас, кимнинг қисмати қандай бўлажагини ҳаётнинг ўзи кўрсатади, тақдир дегани шу" (III;16;16). Ёзувчи нега айти шу фикрлар билан бошлади асар муқаддимасини? Негаки, бу фикр роман воқеаларини ҳаракатга келтирадиган ва шу ҳодисалар мобайнида исботлана борган қисмат чизгиси ҳақидадир. Яъни ёзувчи китобхонни асар ибтидосидаёқ қутилмаган интиҳога тайёрлайди. Шу сабаб ўқувчи асарни ҳар қандай ҳолатга тайёр ҳолда ўқийди ва ҳар бир воқеани ҳаётини, табиий қабул қилади, сохта ҳислардан йироқлашиб, чинакам ҳисларни туя олади. Бу эса Ч. Айтматовнинг мислсиз бадиий тафаккур қудратидан нишонадир.

Арсен Саманчин образи билан танишар экансиз, унинг ҳар қандай сохтакорликдан, иккиюзламачиликдан холи эканини кўриб ҳайратланасиз. Аслида дунё устунларини шундай чин виждон эгалари тутиб турганига иймон келтирасиз. Бу образ орқали ҳар қандай давр - ҳатто бозор иқтисодиёти даври ҳам, ҳар қандай глобализация, "оммавий маданият" ҳам одамийлик, эзгулик, муҳаббат каби инсоний мезонлардан устун бўла олмаслиги кўрсатиб берилган. Арсен қирғиз миллати вакили сифатида миллий маънавий бойлик - "Абадий қаллик" учун курашди, биринчи севгиси Айдананинг чин истеъдоди улгуржи маданият қўлида қўғирчоқ бўлмаслиги учун ёниб куйди, табиатнинг қирғиз халқига атаган ноёб тухфаси – Узангилаш қор барсларининг қирилмаслиги учун, Жаабарс учун курашди, эътиқодига, ҳаётини ақидаларига ҳиёнат қилмаслик учун ҳаётдан воз кечди. Замона унинг исёнкор шахсиятини, ҳақиқат билан омукталанган ақидаларини зиддиятлар билан чегараланган қолипларига сиғдирмади. Қисмат олий ҳукмини ўқиди. Бу ҳукм раддияси учун бутун борлиқда ҳеч қандай қудрат йўқ. Китобхон шу боис ҳам худди шундай бўлиши шартлиги, бошқа нажот йўқлигига ишонади. Шу яқун, шу фожиа табиий туюлади,

аслида ҳам шундай. А.Саманчин фожиасида бутун бир замон, миллат ва хатто дунё фожиаси аксланади. Бозор иқтисодиёти даври бу сувни, гулни, хавони ҳайвонотни сотиш, сотиб олиш мумкин деганими? Ахир, булар инсонга тегишли эмас, ҳеч қачон тегишли бўлмаган. Наҳотки, бозор иқтисодиёти ягона олий қудрат қўли билан мувозанатга солиб қўйилган инсон ва табиат уйғунлигини бузишга йўл қўйса?! Инсоният миллий тафаккурини, миллатини унутиб, ўзи, фақат ўзи учун ғоят бебаҳо ҳисобланган олтину кумушлар билан яшаса?! Ахир, бу абадият қонунларининг бузилганию қиёматнинг яқинлашгани эмасми?! Ана фожа – дунёвий фожа. Агар инсоният ўзлигини англамаса, ўзи яратган антимилий маданият болтаси билан ўзини яралайверса, бу фожа ҳар кун такрорланаверади, ҳар сафар А.Саманчинга ўхшаш дунёнинг инсоний устунлари қулайверади. Шундай экан, ҳар бир инсон ўзини инсондек тутмоғи, ҳаётни, тирикликни асраши лозим. Ана шундагина тоғлар қуламайди, табиат ўз қонунлари билан, инсон ўз эътиқоди билан яшайди.

Арсен Саманчин образи асардаги ҳар бир персонаж ҳаётига маълум даражада дахлдордир. Бу эса уни бош қаҳрамон мавқеига кўтарилишидаги навбатдаги пиллапоядир. У илк муҳаббати, қалб туйғулари, қолаверса, "Абадий қаллик"нинг абадий сиймосини гавдалантириш сабаб Айдана Самарова тақдирига боғланади. Ўз эътиқодлари ҳимояси учун отланганда илк севгисини бизнес-эстраданинг кўзни қамаштирувчи мансаб тузоғига илинтириб, тортиб олган Эртош Қурчал билан бир-бирига қарама-қарши дунёқараш, қолаверса, нафрат сабаб боғланади. Бектурған оға билан эса, аввало, қариндошлик иплари (амаки-жиян) билан боғлиқ бўлса, кейин ов дастури орқали учрашади. Тоғлардан топган сўнгги севгиси сабаб Элас билан кўришади. Ва ҳаётида бир неча соат ўзини тушунган, қалбини ҳис қила олган, фикрини сўзсиз ўқий оладиган маҳбубага ёндошлик бахтини ҳис қилади. Тоштанафғонга эса тақдир унинг эътиқодини синаш учун рўбарў қилади. Ва Жаабарс. Умрининг сўнгги лаҳзаларида қисматдоши Хумқалла-Думдор қор барси билан юзма-юз бўлиш ва жонсиз Жаабарс кўкси узра

якуний нафасини олиш бу тақдир ҳукми эди. А.Саманчин бу образлар ҳаётига қай даражада алоқадорлиги ва уларнинг Арсен тақдиридаги ўрни борасида иш давомида ҳар бир образ таҳлилига бағишланган ўринларда батафсилроқ фикр юритамиз.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда Арсен Саманчин образининг бош қаҳрамон борасидаги имкониятларини баҳолаймиз:

1. Арсен Саманчин "Тоғлар қулаётган замон (Абадий қаллик)" романидаги бош ғояни ҳаракатга келтира олувчи образ.

2. У роман воқеаларида бошидан то интихосига қадар иштирок қилади.

3. Асарда тасвирланган бошқа образлар тақдирига ҳам маълум даражада тааллуқлидир.

4. Романнинг асосий воқеалар оқими А.Саманчин иштирокида юз беради.

5. "Тоғлар қулаётган замон (Абадий қаллик)" даги Абадий қаллик , Жаабарс сюжет чизиқларини айна шу образ яхлит ҳолда бирлаштира олади.

Демак, Арсен Саманчин образи бош қаҳрамон талабларига тўла жавоб беради. Шундай экан, уни "Тоғлар қулаётган замон (Абадий қаллик)" романининг бош қаҳрамони деб бемалол айта оламиз.

Айдана Самарова образи. Асарда Айдана Самарова А.Саманчиннинг покиза муҳаббати эгаси, унинг қалб кечинмалари сабабчиси ва "ҳам севиш, ҳам ўлдириш" (Ш;16;38) маҳорати юқори, севгисидан бойлик ва машхурликни устун қўйган опера артисти сифатида жонланади. Жаҳон адабиётида ҳам, мумтоз адабиётимизда ҳам, халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам муҳаббат, ишқ асосий мавзу сифатида бўй кўрсатади. Бош қаҳрамоннинг севгилиси орзу-умидлар ушалишида, эзгулик тантана қилишида ошиқ йигитга ҳар жабҳада ёрдам беради. Шу сабаб Алпомиш-Барчиной, Отабек-Кумуш, Ромео-Жульетта, Фарҳод-Ширин номлари ёнма-ён тилга олинади. Адабиётшуносликда бу образлар асар бош қаҳрамонлари сифатида таҳлил қилинади. Аммо биз "Тоғлар қулаётган замон (Абадий қаллик)" да Арсен Саманчин образи билан гарчи қачонлардир улар ўртасида

мухаббат бўлган эса-да Айдана образини ёнма-ён кўя олмаймиз. Чунки Айдана Самарова Арсеннинг ёниқ мухаббатини қадрлай олмади, у билан "романтизмни кўмсаб, тиланчилик қилишдан кўра, поп-шоу-бизнес оламида от суриб, юлдузни уриш" (Ш;16;119) ни афзал кўрди. Арсен Айданани Абдий қаллик йиғисини куйлай оладиган ва шу йиғини мухаббат, садоқат рамзига айлантира оладиган истейдод эгаси деб билган эди. Бизнингча, Арсеннинг Айданага кўнгил кўйиб қолганига ҳам айни шу – Абдий қаллик сабаб бўлган, яъни Арсен Айдана сиймосида Абдий қалликни кўришни истаган. Шу истак туфайли улар бирлашди. Аммо бизнес қудрати билан янада порлоқ, янада ёниқ порлаётган эстрада чирокларининг жуда ёруғ нурлари бу истакни зулматга – йўқликка маҳкум этди, унга кўшиб бир қалбдаги оташин севги, ёруғ келажак ўйлари ҳам йўқлик қаърига қулади. Бунда яккаш Айданани айблаш ҳар томонлама хатодир. Айдана ҳам аслида шундай бўлишини хоҳламайди; Арсен Саманчин таклиф қилган "Абдий қаллик" операси ғоясини катта қувонч билан кутиб олади. Бироқ у ҳам замона зайлининг қули. Етим қизчасини, ота-онасини таъминлаш учун пул керак, "Абдий қаллик" эмас. Пулга кўмилган остона олдида эса шоу-бизнес саройи қироли Эртош Қурчал кутиб турибди, ғоя жинниси Арсен Саманчин эмас. Арсен-Айдана жуфтлигини, уларни жуфтлаштирган "Абдий қаллик"ни бозор иқтисодиёти бир ҳамлада турли томонларга сомон парчадек ирғитиб юборди. Кўриниб турибдики, ҳодиса сабаби ҳеч қачон битта бўлмайди, чунки ўша битта сабабнинг юзага келишига яна ўнлаб сабаблар сабабчи бўлади. Айдана қисмати бунинг радланмас далилидир. У Арсен дунёқарашига, ғояларига ҳамфикр бўлолмади, шунинг учун Айданани "Тоғлар қулаётган замон (Абдий қаллик)" асарида бош қаҳрамон эмас, балки асар бадий образларидан бири сифатида баҳоласак, мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, Айдана Самарова образи асар давомида бевосита иштирок қилмайди, балки Арсен Саманчиннинг хотиралари, ўй-изтироблари ва хаёллари ичра гавдаланади, холос. Воқеалар гирдоби чизиғи ҳам унинг атрофида эмас, балки Арсен Саманчин атрофида айланади. Демак, бош

қахрамонга қўйилган талабларга Айдана Самарова образи муносиб жавоб бера олмайди. Бу образни ёзувчи асарга Арсен Саманчин иродасини, ҳиссиёти – қалбини, тафаккурини тақдир синовидан ўтказмоқ учун киритган десак, янгилашмаган бўламиз. Арсен Айданага бўлган муҳаббати учун эътиқодидан воз кечмади, балки бу муҳаббат олови унинг эътиқодини янада мустаҳкамлади, тоблади. Негаки, ёзувчи фикрича, "эътиқод - ардоқли образни маънавий идрок этиш ва унга муҳаббат қўйиш маҳсулидир" (Ш;16;64).

Эртош Қурчалев образи. Китобхон асар воқеалари мобайнида бу образнинг шахсан ўзини мутлақо учратмайди. У фақат Арсен Саманчин хотиралари ва ўйларидагина таништирилади. Унинг ташқи кўриниши, портрети ҳам ўқувчига қоронғу. Аммо, бор йўғи бир -икки хотира лавҳаси ва мушоҳадалар уни шу қадар ёрқин тасаввур қилишимизга имкон берадики, бу ҳам бўлса, фақатгина Ч.Айтматовга тегишли ўзига хос маҳорат ифодасидир. Эртош Қурчалев истеъдодлар олди-сотдиси билан шуғулланувчи замонавий шоу-бизнес раҳномаси – асарда у фақат шу қирраси билан намоён бўлган. Чунки истеъдодни (инсонни эмас!) бизнес, шоу-бизнес воситасига айлантира олган шахс ҳаётида бошқа қирралар бўлиши мумкинлиги ақлга ҳайратдир. Ёзувчи бу образни фақат бир томонлама – инсон эмас, шунчаки эстрада олами раҳномаси, ҳомийси сифатида тасвирлаганининг сабаби, бизнингча, Эртош Қурчал образида бугунги эстрада олами муҳити, оммавий маданият босими, миллий маданиятга қаратилган хавф умумлашганидир. Арсендан Айданани, у билан бирга ёруғ орзу - "Абадий қаллиқ" операсини айна шу куч, умумлашма қудрат: шоу-бизнес - оммавий маданият - Эртош Қурчал тортиб олди. Ҳеч қандай ортиқча ҳаракатсиз, бозор иқтисодиёти ва унинг чархпалагини айлантираётган пул билан. Бу образ Саманчин эътиқодига зид, қарама-қарши томон моҳиятини ифодалайди. Чинакам эътиқод эса зиддиятларда тобланади, курашларда чархланади. Арсен Саманчин тафаккурининг, виждонининг, ҳаётий ҳақиқатларининг рўёбга чиқиши, учун Эртош Қурчал образи керак эди. Чунки оқнинг аслида оқлигини фақат

қоранинг ёнидагина тўла англашимиз мумкин. Шу сабаб бу образ ҳам Арсен Саманчин характерига хос хусусиятларни очишда ёрдам берувчи эпизодик образ мақомида қолади.

Бектурған Саманчин образи. У Арсен Саманчиннинг яқин қариндоши - амакиси, унинг тақдирдан, оилавий ҳаётдан ростакамига ташвиш тортувчи қондоши. Муаллиф шу образ орқали халқона тил, ифода услубини тасвирлай олган. Бектур оға билан бир бор юзлашган китобхон тоғликларга хос жўшқинлик, тўғрисиқўзлик ва самимиятни ҳис қилади. Ҳатто уни асардаги энг жонли образ деб баҳолашимиз мумкин. Чунки унга хос барча фазилат, барча камчиликлар ҳаммаси ҳаётий, бари табиий. Бектур оға ишнинг кўзини биладиган, ҳаракатчан инсон, шу сабаб бизнеснинг янги шакли – овчилик фирмасини ташкил қилди. У бизнес моҳиятини, бозор иқтисодиётини анча яхши тушунган эди. Аммо Арсен Саманчин учун бу тушуниб бўлмас ғайритабиий жумбоқ эди. Тоғдаги , чўлдаги, Ер юзидаги ҳайвонлар, ўсимликлар ҳеч қачон инсонга тегишли бўлмаган. Қандай қилиб ўзингга тегишли бўлмаган нарсани сотиш мумкин?! Бу чиндан ғайритабиий. Бироқ бу бизнес, бу янги давр талаби эди! Бу даврга ҳамма мослашаётган, фақат Арсенгина ҳалиям ўз даври ҳақиқатлари билан яшаётганди. Гарчи, шундай бўлса ҳам, Арсен Саманчин Арабистондан ташриф буюраётган муҳтарам араб шайхлари учун уюштирилаётган қор барси ов дастурида амакиси Бектур оға илтимосига кўра таржимон бўлишга рози бўлади. Амакиси билан ўтказилган учрашув ва нефт магнатларига таржимонлик қилиш - бу ҳам тақдир эди. Чунки шу учрашув сабаб ўзини ва муҳаббатини ғояси ўғриси Эртош Қурчални ўлдириш қароридан - ўзлигига зид қадам қўймоқ шаштидан қайтади. Шу учрашув олис ва кадрдон Узангилаш тоғларида уни сўнгги муҳаббати билан юзлаштиради. Демак, Бектурған Саманчин образи асар воқеаларининг изчиллигини таъминлаш ва шу билан бир қаторда, Арсен Саманчининг бош қаҳрамон сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи иккинчи даражали образдир.

Тоштанарфгон образи. Асл исми Тоштонбек бўлган бу образ Арсеннинг болалик дўсти, синфдоши, уруғдоши. Афғонистонда армия хизматини ўтагани сабаб Тошафгон дейишади. Афғонистон муҳити нафақат унинг исми ўзгаришига, балки ҳаётини қарашларида ҳам эврилишларга боис бўлган. У дунёдаги тенгсизликни тушунмайди, тушунишини истамайди: "Нега дунёда шундай бедодликлар бўлади? Ва бунга ким жавоб беради - бировлар эрмак учун машиналарини ёндирадлар бошқалар эса, масалан бизлар мактабга бориши учун болаларимизга пойафзал олиб бера олмаймиз" (Ш;16;126) Унинг изтиробларида ҳам ҳақиқат бор. Аммо бу дунё азалдан зиддиятлар, курашлар, тенгсизликлар пўртанасида саргардон. Бу учун айна бир шахсни айбланиши ўзи аҳмоқликдан бошқаси эмас. Бу шунчаки глобаллашув, глобализация қонуни, яшаш учун кураш қонуни. Дунёни бу қонун босимидан халос қилиб бўлмайди. Тошафгон учун бунинг зарра бўлсин қизиғи йўқ. У барс ови туфайли тоғларга йўли тушган олигарх араб шайхларини гаровга олиш ва тирик қолишлари учун 20 млн \$ талаб қилиш режасини тузади. Фақат бир муаммо: араблар билан ким гаплашади? Улар билан гаров пулини гаплашиш учун тил билиш керак-ку. Шунда режанинг давоми А.Саманчин тақдирига боғланади. У Арсенни шу ишни амалга оширишда воситачи бўлишга мажлур қилади. А.Саманчин эса бу даҳшатли ҳодисанинг юз бериши халқаро жанжалларни келтириб чиқаришига, бутун қирғиз миллати, қирғиз жамиятига азият етишига сабаб бўлишидан изтиробга тушади. У бу мудҳиш жиноятни – террористик ҳаракатни тўхтатиб қолиш йўлини қидира бошлайди. Аммо китобхон сўнгги лаҳзага қадар А.Саманчиннинг қандай қарорга келганидан беҳабар қолади. А.Саманчин бу жиноятни, араб шайхларига эмас, жамиятга, дунёга, миллатига, виждонию эътиқодига қаратилган бу даҳшатни ҳаёти бадалига тўхтатиб қолади. Руҳиятининг софлиги, эътиқодининг бутунлигини асраш у учун умри, орзулари, севгиси бадалига тушади. Аммо эътиқод омон қолди, виждон булганмади. А.Саманчин учун бу ҳаётдан тириклик бахтидан-да қадрлироқ эди. А.Саманчин образида шу жасоратни кўриш учун Тошафгон

ва унинг фитнаси бўлиши шарт эди. Роман воқеаларидаги иштироки, барча образлар тақдирига алоқадор эмаслиги, асар яхлитлигини таъминлай олмаслигидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Тошафгон Арсен Саманчин образидаги аслий сифатлар жилоланиши учун воситачи бўлиб хизмат қилган ёрдамчи образдир.

Элас образи. Бу образни агар таъбир жоиз бўлса, асардаги энг ёруғ, нузли образ деб атаган бўлардим. У асар воқеаларининг чигал бир нуқтасида Арсен Саманчин ҳаётига, беўлчов шодлик бахш этолган, умр шомида бахт қуёши бўлиб порлаган бир неча кунга бўлса-да қалбини, борлигини ёритган аёл образи. Арсенга сўнгги муҳаббат, сўнгги саодатни ҳадя қилган Элас унинг эътиқодлари чинлигига ишонди. Чунки бу эътиқод танга эмас, руҳга тегишли эди. Руҳ мангу, абадий экан, демак, руҳий эътиқод ҳам абадийдир. Элас бунга ишонади. Шу ишонч боис уларга тақдир мўжизавий инъом муҳаббат совға қилди. Айниқса, Арсен учун бу чинакам бахт эди: "Наҳотки муҳаббат ногаҳон бостириб келса, жони хавф остида қолган теракт иштирокчисининг жони учун тақдирнинг юборган инъоми бўлса!" (Ш;16;167) Элас ҳар томонлама Арсен ва унинг тафаккур тарзига муносиб эди. Чунки у тил ва дил бирлигини хушлайди. Атрофида бўлаётган воқеаларнинг хоҳ у сиёсий, хоҳ у ижтимоий, хоҳ у маиший бўлсин, моҳиятини англай олади. Шу сабабдан ов бизнеси тоғдаги овул аҳолиси учун бош даромад манбаи эканлиги уни жиддий ташвишга солади. Ахир, одамлар ҳеч нима экмай, етиштирмай, фақат табиатгагина тегишли ҳайвонларни қиришда давом этишса, бир неча йиллардан кейин болаларимизга қор барсларининг суратини, какликларнинг видеолавҳаларини кўрсатишимизга тўғри келади. Келажак авлод эса биздан улардан табиатни тортиб олганимиз учун нафратланишади, уларни ўлик табиатда яшашга маҳкум этганимиз учун орланишади. Бу фикрлар Элас изтиробларидан китобхон изтиробига айлана оларлик даражада сўнг маҳорат билан ифода қилинган. Эласдаги бу изтироблар ундаги эътиқод алангаси эди. У ҳатто араб овчилари олдида "Қор барсларимизга тегманглар" деган ёзувли тахтача кўтариб чиқмоқчи бўлди.

Аммо яна ўша бозор иқтисодиёти уни тўхтатиб қолди. Чунки у шундай намоишни амалга оширганда эди, миллионлаб ақчадан курук қоладиган овул халқининг ўзи уни тошбўрон қилишига имони комил эди. Шундай қилиш Эласнинг ғояси эди. Аммо ҳар қандай ғоянинг аҳамияти амалиётга юзлангандагина сезилади. Элас уни амалга оширмади. Бироқ эътиқодда у билан яқдил бўлган Арсен учун бу ғоя сўнгги нажот бўлиб хизмат қилди. Араб шайхларининг жонини омон сақлаш, халқаро жинойтнинг олдини олиш, энг муҳими, ҳаётий тиргаги - эътиқодини ҳимоя қилиш мақсади ғояни амалга оширди. Зеро, бундан ўзга чора ҳам йўқ эди. Шу чорасизликда ҳам қисмат битиги аксланарди. Тақдир буюргандай бўлди, фақат ёзувли тахтача ўрнида мегафон бўлди, Элас ўйлаганидек тошбўрон эмас, ўқбўрон ҳукми ўқилди. "Ғоя жинниси", ашаддий идеалист Арсен Саманчин ғоялари яшаши учун умрини қурбон қилди. А.Саманчин ҳаётига ўзлигини йўқотмаслиги, тушкунлик гирдобидан қутулиши, сўнаётган журъатининг оловланиши учун кимдир керак эди ва ўша кимдир масъулияти Элас зиммасига тушди. У Арсен Саманчин образини бош қаҳрамон поғонасига кўтарилишидаги энг фаол образдир. Лекин Элас образи гарчи Арсен тақдирида муҳим ўрин тутса-да, асарнинг фақат якуний қисмида иштирок этгани, образлараро яхлитликка дахли йўқлиги, фақат Арсен ҳаётига алоқадор экани сабабли, бош қаҳрамон бўла олмайди. Аммо, яна бир бор таъкидлаш жоизки, айна Элас образи А. Саманчин шахсиятини очиб беришда муҳим мавқега эгадир.

Сергей образи. Сергей романга илова сифатида келтирилган "Ўлдир - ўлдирма" ҳикоясининг бош қаҳрамони. Ҳикоя муаллифи эса Арсен Саманчин. Бу ҳикоя ҳақида у асарнинг бир ўрнида Жаабарс ов дастури учун қўним қароргоҳдан туриб Саратовга кетаётган поездга – Элас олдига хаёлан бориб, умр сўнгидаги юлдузига айтиб беради ва хаёлан унга ҳикоянинг қўлёмасини топширади. Бу ҳикоя инсоният тарихини ларзага солган II жаҳон уруши ҳақида. Митти асар елкасига жуда залворли ғоя ортилган – инсон руҳиятидаги зиддият: жонини тирик сақлаш учун бировларни ўлдириш ва инсониятни асраш учун эса ҳеч кимни ўлдирмаслик. Ҳикоянинг номи ҳам

шунга ишора қилади. Бу кичик асарга эпиграф сифатида лўли хотин фоли келтирилади: Фақат қуёшгагина қон сачрамаяжак, от эгасиз қочиб кетажак. Бу эпиграф орқали II жаҳон урушининг ва умуман ҳар қандай урушларнинг ваҳшату қиёмат қўпган қонли манзараси ифодаланади. Сергей Воронсов – ҳали энди ўн тўққизга кирган ёш йигит – ана шу ўлим ўчоғига, фронтга сафарбар қилинган. Аммо уйдан чиқар чоғда онаси ундан бир нарсани – уруш қоидасига зид бўлган амални илтимос қилади: “Серёженка, ҳеч кимни ўлдирма кўрма, қон тўкма...(III;16;240) Ҳамма ўлдир-ўлдир дейди, холос. Душман бизларга ажал уруғини сепса, биз уларга ажал уруғини сепсак! Шундан кейин дунёда қандай яшаймиз? Дунёда фақат қотиллар қоладими? Сен ўлдирмасанг, сени ўлдиришларини мени тушунмайди , дейсанми? Ўлдирдингми – барибир қотилсан” (III;16;242). Бу сўзларда инсониятни аслича, пок асраш илинжи бор. Она ўз ўғлининг қотилга айланишини истамайди. Сергей ҳам бировни ўлдирма олишини тасаввурига сиғдирилмайдиган инсон. Шундай бўлгани учун ҳам саф тортиб поездга минишаётганда бир лўли аёл унинг кафтларига қараб: “Сен умрбоқийсан, ўлмайсан! Юрагим айтиб турибди. Кўрдингми – сен умрбоқийсан! Сенинг юлдузинг шундай! Мен билган эдим...” (III;16;238) дея фол очади. Бу фолдаги умрбоқийлик Сергей руҳиятидаги тозалик, кўнглидаги шаффофликка ишорадир. Чунки у жангга – ҳаёт-мамот курашига кета туриб, кимнидир ўлдириши кераклиги, фақат шу орқалигина ўз жонини асраб қолиши мумкинлиги, аммо бу ҳол унинг тонгги шабнамдай тоза руҳияти учун, инсоний ўзлиги учун ювилмас доғ бўлишини ўйлар ва виждони қийналар эди. У ана шундай ўйлай олгани учун ҳам умрбоқийдир. Бутун башарият аро кимдир шундай тафаккур қиялпими, демак, ҳали ер юзида инсонийлик тирик, ҳали эзгуликка умид қилса бўлади. Ҳикоя Сергейнинг шу изтиробли ўйлари билан яқунланади, унинг қандай қарорга келгани эса айтилмайди: “Релслар туташган жойда ғилдираклар ўлдир-ўлдирма, ўлдир-ўлдирма, ўлдир-ўлдирма деб тақиллар эди...” (III;16;245) Аммо фолбин

аёлнинг Сергей тақдири борасидаги башоратидан унинг ҳеч қачон ўзлигига, пок қалбига қарши бора олмаслиги сезилади.

Романга илова қиинган ҳикоянинг бош қаҳрамони юқорида таъкидлаганимиздек, Сергей образидир. Аммо у асарнинг умумий сюжет чизиғида мутлақо иштирок қилмайди. Шу туфайли бу образ роман миқёсида Арсен Саманчин дунёкараши маҳсули сифатида унинг тафаккур тарзини, ҳаётий эътиқодларини, шахсиятини ёритишга хизмат қилувчи образ даражасида қолади.

Араб шайхлари образи. Саудия Арабистонидан ва Қувайтдан атайин улар учун ташкил қилинаётган барс ови сабаб қирғиз заминида кадам қўйган араб шаҳзодалари Ҳасан ва Мисир образлари орқали ёзувчи бойлик, ҳокимият қудратини олигархлик имкониятини кўрсатиб берган. Китобхон иккала шаҳзода шахсиятидаги ўзига хосликни Арсен Саманчин уларга Абдий қаллиқ афсонасини ҳикоя қилиб берган пайтда сезади. Бу афсона уларда ажиб таассурот уйғотади ва ҳатто Шаҳзода Ҳасан: "Ўша Абдий қаллиқ бутун дунёга муҳаббат ва садоқат фариштаси деб эълон қилинса. У ҳаммининг дилига яқин бўлган бўлур эди." (Ш;16;197) деб орзу қилади. Шундай, ажойиб инсоний орзу билан тирик мавжудотни ўлдиришдан завқ олиш ҳиссининг бир инсон шууридан жой эгаллаши бир-бирига тескари, ғайритабиий ҳол, албатта. Аммо улар шаҳзода, олигарх. Уларга ҳамма нарса мумкин (аслида шундай бўлмаса ҳам). Бундай ҳашаматли ҳаёт эса Тошафғонга ўхшаш глобаллашув қонунларини сариқ чақага ҳам олмайдиганларнинг ғашига тегар, "Нега мен эмас, нега улар?" деган мезонсиз савол ичини кемирар эди. Тошафғон ўз ҳаётидаги тақчиллик учун чет эллик меҳмонлардан ўч олмоқчи бўлди. Аммо бу фитнадан амакивачча шайхлар хабарсиз ва ҳеч қачон хабар топишмайди ҳам. Чунки шу фитнанинг амалга ошмаслиги, фитна сири тоғлар бағридаги абадий суукнатга сингиб йўқ бўлиши учун А.Саманчин ўзини ҳалок қилди.

Араб шаҳзодалари асарда қисқа фурсатга кўзга ташланадиган эпизодик образлар бўлса-да, улар иштироки зарурият эди. Шайхлар образи айнан

Арсен ҳаётий мезонларининг бузилмаслиги учун керак эди. "Абадий қаллиқ" ҳақида чет элликлар ҳам билиши, ундан ҳайратга тушиши учун керак эди.

Асарда бундан ташқари Ардоқ Саманчин (Арсеннинг акаси), унинг хотини, Ўшандай ("Евросиё" ресторани хўжайини), Қамаш Байсалов (газета бош муҳаррири), Хадича (Арсеннинг опаси), унинг эри Ўрмон, Сақсан (овулдоши), Роберт Лукас (араб шайхлрининг матбуот котиби), Хумор (Эласнинг опаси) ва унинг эри Жўра каби бир қатор эпизодик образлар ҳам борки, улар асар сюжетининг узвийлигини таъминлашда восита бўлиб хизмат қилади.

3.2. РОМАНДАГИ НОРЕАЛ ОЛАМ ВА ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ ВАКИЛЛАРИ ОБРАЗИ

Абадий қаллик образи. "Тоғлар кулаётган замон (Абадий қаллик)" асарида Ч.Айтматовнинг бошқа кўплаб асарларидаги каби қирғиз халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш – фолклоризм ҳодисаси учрайди. Аналитик фолклоризмнинг мумтоз кўриниши сифатида асар таркибидан жой олган Абадий қаллик афсонасидаги Абадий қаллик муҳаббат ва садоқат рамзига айланган руҳ – нореал олам вакили образини ифодалайди.

"Тоғлар кулаётган замон (Абадий қаллик)" романи IX бобга ажратилган бўлиб (бу ўринда Суюн Қораев таржимаси назарда тутилмоқда), IV бобда Абадий қаллик афсонаси сюжети келтирилади. Афсонани асар бош қаҳрамони Арсен Саманчин чексиз муҳаббат билан кўнгил қўйган маҳбубаси – "ўзининг Аясига" (III;16;67) ҳикоя қилиб беради. Бу дамлар Арсен учун ҳам, ҳали бозор иқтисодиётига иқтидорини тикиб улгурмаган Айдана учун ҳам энг бахтли, энг саодатли дамлар эди. Олис Европада Хайделберг тепалигида ўзгача илҳом билан сўзланган афсона воқеаси ғоят таъсирчандир.

Маҳобатли Узангилаш тоғларидаги овулларда эпчиллиги ва ботирлиги билан ном қозонган ёш чопқир овчи йигит қўшни овулдаги гўзал қизни севиб қолади. Буюк бир муҳаббат қудрати ила бир-бирига кўнгил боғлаган ошиқ-маъшуқлар севгиси учун ҳеч қандай тўсиқ йўқдай эди. Бироқ фолбиннинг қиз тақдири ҳақидаги "бахт юлдузингни қора булут қопламаса бас" деган хавотири ва худди шу ҳадикнинг йигитга ҳам бошқа бир фолбин томонидан айтилиши севишганларни қандайдир синов кутиб турганлигига ишора қилади. Орадан кўп ўтмай уларнинг унаштирув тўйлари бўлади. Ва айти шу тантанада фолбин башоратидаги ҳадик – "қора булутлар" кўланкаси қуюқлашади. Ичи қоралар, ҳасадгўйлар фитна режасини туза бошлайдилар. Машҳур овчи куёвнинг ёш бўлишига қарамай бунча обрў-эътиборга, изат-

хурматга сазовор бўлаётгани, овулдаги энг гўзал қиз билан оила қураётганлиги, бунинг устига, келажакда қабила сардорига ҳам айланиши мумкинлиги бировнинг бахт ва омади юрагига наштардай ботгувчи ҳасадгўйларнинг тинчини бузиб, вужудини адоват оловида ёндира бошлайди. Шу сабаб улар – инсониятнинг энг жирканч иллат вакиллари яширин суиқасд учун режа тузадилар. Ёзувчи шу ўринда бир фикрни келтиради: “Одамзот ҳийла-найрангларининг чегараси бормикан?” (Ш;16;71) Бу саволга фақат “йўқ” деб жавоб бериш мумкин. Чунки инсоният кўп нарсаларнинг чегарасини бузиб, катъий меъёрларни ўзгартириб, ўз куч-қудрати тантанаси учун ҳадсиз, чеку чегарасиз имкон яратиб олган. Бу имкон сабаб у на ўтмиш олдида, на бугун олдида, на келажак тақдирлар олдида ва на табиат олдида ўзини ҳеч нима, ҳеч қандай ҳодиса учун жавобгар санамай қўйган. Афсона воқеалари юз берган олис тарихда ҳам ана шундай ҳеч нима учун чегарани тан олмайдиган разил инсонлар тўдаси машъум ва макнун фитна тайёрлашади. Бу фитна шунчалар пинҳон режалаштириладики, ундан на қуёш, на булут, на дарё ва на инсон хабар пота олмайди. Агар буни сезиб қолишганда эди, “ҳатто вазмин табиат ҳам бу қабихликга қарши чиққан бўлар эди” (Ш;16;71) номусдан юзини яширган қуёши, тескари оққан дарёси, тинмай жала ёғдирган булут билан. Аммо бундай бўлмайди. Унаштирув маросими ҳам, бахтли келин-қуёв пойгаси ҳам кўнгилдагидай ўтади. Бироқ ҳақиқий тўй маросими бошланишига яқин қолган кунда тўй дастурхони учун ов қилиб келатган овчи йигитни қабиладошлари машъум хабар билан қаршилашади: унаштирилган қаллиғи бошқа бир йигит билан катта шаҳарга қочиб кетибди. Бу гапнинг ёлғонлигини, бунда фитна борлигини билдириш учун қизни ўғирлаб кетган манфурлар тўдаси қилмишига гувоҳ бўлган табиат ғалаён кўтаради: ёзда қишнинг аёзли қорбўрони бошланиб, бутун атрф довулда қолади. Аммо буни қалби тилка-пора бўлган йигит тушунмайди. Бутун борлигини ағдар-тўнтар қилган хабардан донг қотган овчи номуссиз келинни топиб жазолаш учун ўзини шошилтираётган қариндош-уруғларига шундай дейди: “...Мен ҳеч қаяққа бормайман! Менинг

шундай қарғишга қолганим рост бўлса, мен ҳам ўша ярамасни қарғайман. Буткул одам зотини қарғайман! Одам бўлгандан кўра ҳайвон бўлганим яхши, энди жўнаб қолинглар. Дунёда биронта одамни кўргани кўзим йўқ ва бундан буён мени ҳам ҳеч ким кўрмайди...” (III;16;75) Шундан сўнг у тоғу тошга чиқиб кўздан йўқолади, уни қидирган яқинлари ҳам топишолмайди. У ном-нишонсиз йўқолади. Овчи йигит қалбини тўлдирган нафрат, алам сабаб кимгадир зиён етказмаслик учун ҳам бадар кетганди. У борини атаган севгилисининг хиёнатини кечиролмади, аслида ҳеч қачон юз бермаган хиёнат сабаб у бутун башариятдан юз ўгирди ва ҳайвонлар макони сари йўл олди. Чунки қалбини аёвсиз парчалаган онгли, тилли инсонлардан кўра дардларини сўзсиз тинглагувчи забонсиз жонзотлар орасидаги ҳаёт маъқул кўринади. Келин-чи? Тухматга қолган бечора келин уни ўғирлаб қочган бадкирдорлар кўлидан дарёдан кечув пайтида қутулиб қолади. Ўзини дарёга ташлаган жасур қизни тўлқинлар қутқариб қолади ва омон-эсон қирғоққа етказди. Чунки дарё уларнинг муҳаббат қасамига гувоҳ бўлган эди, шу гувоҳлик бурчи сабаб ҳам дарё овчининг қаллиғини қутқарган эди. Аммо овулга қайтган қаллиқ ошиқ йигити тоғу тошлар аро нишонсиз кетганини эшитадию, у ҳам ҳеч кимга ҳеч нима демай йўқолиб қолади. Ўшандан бери Узангилаш тоғларидан вафодор қаллиқнинг ўз ёрини излаб, нолаю фарёд қилиши, маҳзун йиғиси эшитилади:

Қайдасан, қайдасан? Қайси тоғларда?

Қайдасан, қайдасан, югурсам сенга...

Сенсиз юз кўрсатмас ҳатто Ой менга.

Сенсиз ҳаёт ҳам, яшамоқ ҳам йўқ...

Мен сенинг ёрингман, қайдасан, қайда!

Романда афсонани сўзлаб бераётган Арсен Саманчиннинг ҳаяжонлари, қалб кечинмаларига кўпроқ урғу берилади. У учун бу кечмиш афсона эмас, ҳақиқат! Арсен Абадий қаллиққа айланиб, ҳамон зор-интизор, овчи куёвини садоқат ва муҳаббат билан тоғма-тоғ излаб юрган ўша келиннинг пок қудратли муҳаббатига таъзим қилади. У ҳатто айни шу суҳбат чоғида ҳам

Абадий қаллиқнинг иштирок қилаётганига ишонади: “Абадий қаллиқнинг ўзи шу ерда, биз билан бирга боғда, фонус ёнидаги дарахт орқасида турибди” (III;16;80). У Айданани ҳам шунга ишонтирмоқчи бўлади. Арсен Абадий қаллиқнинг буюк йиғисининг – Абадий қаллиқ тақдирининг, соф ишқ ва вафодорлик рамзига айланган кўшиқнинг опера сахнасида куйланишини истайди. Ва бунга Айани муносиб кўради: “Рухлар Худо сени қайта тирилтирган ва сен Абадий қаллиқнинг вакили бўлиб қоласан, – дейди. Улар Абадий қаллиқнинг кўшиқларини сенинг ижроингда халойиқ олдида эшитишни кутмоқдалар... Сен ишонмаяпсан, бир қара, фонус ёнидаги дарахтнинг тагига қара, Абадий қаллиқнинг соясини кўрмаяпсанми? Унинг раҳматлар айтиб, бош эгаётганига ва умид билан боқаётганига аҳамият бер. Унинг абадий ёш ва гўзал эканига қара – у харир шойи кўйлак кийиб елкасига қанотга ўхшаш ёпинчиқ ташлаб олибди ” (III;16;88). Арсен ўз орзу-истакларига Айданани ишонтиради, Айдана опера ижрочиси сифатида Абадий қаллиқ йиғисини куйлашга рози бўлади. Ўша Хайделберг қасридаги оқшомда улар “Абадий қаллиқ” операсини яратиш ҳақида узоқ суҳбатлашишади. Аммо кейин тақдир чархпалаги бошқа йўсинда айланади, орзулар орзулигича қолиб кетади. Бу афсона бевосита Арсен тақдири билан боғлиқдир. Чунки у ёшлигидан Абадий қаллиқ ҳақидаги афсонаю қиссаларни эшитган, тоғда Абадий қаллиқ учун ёқилган гулханлар атрофида шўрлик келин қисматига юз марталаб ачинган, дунёда шундай садоқатли қаллиқ борлигига ишонч руҳида катта бўлган эди. У ўз ишончини реаллаштирмоқчи бўлиб, бу йўлда Айданадан мадад кутади – аммо шоу-бизнес тузоғига илинган Айаси ундан ҳам, “Абадий қаллиқ” операсидан ҳам воз кечади. Шу билан Арсен тақдири ўзи кутмаган йўсинда ўзгариб кетди.

Афсонадан қад ростлаган Абадий қаллиқ образи фақатгина шу фольклор намунаси сюжетида қолдирилмайди. Ёзувчи бу образни бутун асар бўйлаб шундай ҳаракатлантирадики, китобхон ҳам Абадий қаллиқнинг мавжудлигига ишониб қолади. Афсонада бош қаҳрамон, шубҳасиз, бахтини абадий изловчи келин образидир, бу борада ёзувчи Арсен тилидан шундай

дейди : “Бу кечмишда айтсанг адо бўлмайдиган қийноқларда жасорат кўрсатган, ҳақиқат учун курашган бош қаҳрамон ўша келин, Абадий қаллиқдир” (III;16;79). Биз эса шу фикрни давом қилдириб, бу образ нафақат афсонадаги, балки бутун асар доирасидаги бош қаҳрамон образларидан биридир деган қарашни илгари сурмоқчимиз. Чунки Абадий қаллиқ “самовий образи” (III;16;79) асардаги иштироки ва эгаллаган мавқеига кўра шу даражага муносибдир. Бу фикр исботи учун қуйидаги сабабларни келтирамиз:

Аввало, бу образ муҳаббатга абадий содиқлик ғоясининг асар бўйлаб ҳаракатини таъминлайди ва бу ғояни асар бош ғояларидан бирига айлантиради.

Иккинчидан, Абадий қаллиқ образи асардаги қаҳрамонлар тақдирига бевосита ва билвосита дахлдордир. Хусусан, бош қаҳрамон Арсен Саманчиннинг тақдирини муҳим рол ўйнайди. Арсеннинг сўнгги севгиси Элас тақдирини эса севгига содиқлик билан Абадий қаллиққа ўхшашдир.

Учинчидан, “Абадий қаллиқ” деган номнинг роман сарлавҳаси даражасига кўтарилиши, унинг асар воқеалари учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатувчи исботдир.

Тўртинчидан, Абадий қаллиқ гарчи реал, ҳаётини бўлмаган нореал олам вакили, руҳ образи бўлса ҳам, у асар сюжетида бошдан охир иштирок қилади. Бу иштирок изчил воқеалар асосида эмас, баъзи-баъзида кўзга ташланади. Дастлабки бобларда Арсен Саманчиннинг ўй-хаёллари оқидамида гавдаланса, VI бобда ёзувчи уни айнан тасвирлайди. Ва бу тасвирни Жаабарс тақдирини билан боғлайди: “Тоғлар кезиб юрган Абадий қаллиқнинг, ўша қизнинг шу теграда пайдо бўлиб қолганини Жаабарс билса эди. “Қайдасан? Қайдасан? Жавоб бер! Бу менман – Абадий қаллиқман, мен сени чорламоқдаман, мен сенга чопиб бораётирман, қайдасан, қайдасан...” ва Абадий қаллиқ бу гал йиғлади, ингради, айюҳаннос солди. “Вой, вой, энди нима бўлади? Нима бўлади?” Нега энди у шунчалик кўрқиб кетди. Худди бир нарсани сезгандай.

Жаабарс Абадий қаллиқнинг ҳасратларига, кўрқинчларига бардош бера олмади, ўрнидан турди-да йўлакдан юриб бошқа томонга ўтди” (Ш;16;129).

Романнинг VIII бобида қалбида ишқ қайта оловланган Арсен ўзини, дунёқарашларини борича қабул қила олган Эласни севиб қолади. Икки севишганнинг тоғ ёнбағридаги дийдорлашуви лавҳасида яна Абадий қаллиқ образига дуч келамиз: “...Абадий қаллиқ эса уларнинг бахтларини юракдан сезгандай тоғдан-тоғга учиб ўтиб, уларнинг ёнига чопиб келди, Эласнинг гитара чалиб кўшиқ айтаётганини кўриб тоғ тепасида тўхтади-дамириқиб кўшиқ эшитар экан, йиғлаб юборди ва пичирлаб бундай деди: “Мен ҳам шуни орзу қилган эдим... Сен қайдасан, сен қайдасан, менинг овчи йигитим? Мен сени қачон топаман?” (Ш;16;172) Асарнинг араб шайхлари билан боғлиқ ўрнида “Абадий қаллиқ” афсонасига яна юзланилади: Арсен шаҳзода шайхларга афсонани айтиб беради. Бу кечмиш воқеаси меҳмонларни ҳаяжонга солади. Бу лавҳада Абадий қаллиқ ҳақида сўз борса-да, аммо унинг ўзи бўй кўрсатмайди. Шундан кейинги Жаабарснинг қандайдир хавфни сезгандай ингроқланиши тасвирида яна мангу қаллиқ образи тилга олинади: “У ҳам, Абадий қаллиқ ҳам ухлай олмаётган эди” (Ш;16;198). Жаабарс ҳам, Абадий қаллиқ ҳам даҳшатли хавфни – эртанги кун фалокатини сезишган эди.

Асарнинг сўнгги IX бобида Арсен сирли келин нидосини эшитади. Қор барси овида жасорат кўрсатган, миллати шаъни ва ўз эътиқодини асраш учун жонини қурбон қилган Арсен бир неча жойидан ўқ еб, сўнгги нафасини олар экан, Абадий қаллиқ нидосини эшитади: “Сен қайдасан, сен қайдасан, менинг овчи йигитим!”. Арсен тили калимага келмай, пичирлади : “Алвидо, энди биз сен билан ҳеч қачон кўришмаймиз...” (Ш;16;216)

Демак, гувоҳи бўлганингиздек, Абадий қаллиқ самовий образи асар бўйлаб “учиб” юради ва қаҳрамонлар тақдиридаги ўзгаришларга сабаб бўлади. Унинг аламли кўшиғи, севгига, садоқатга йўғрилган йиғиси оҳанги асарнинг ҳар бир сатрида, ҳар бир лавҳасида садоланиб, роман умумий сюжет куйини ҳосил қилади. Юқоридаги сабаблардан келиб чиқиб, Абадий

қаллиқ образини "Тоғлар қулаётган замон (Абадий қаллиқ)" романининг учинчи бош қаҳрамони деб топдик.

Жаабарс образи. Чингиз Айтматов ижодини кузатар экансиз, ёзувчининг нафақат тенгсиз инсоншунос, балки ҳайвонот оламининг ҳам пухта билимдони бўлганига шубҳаланмайсиз. "Тоғлар қулаётган замон (Абадий қаллиқ)"да тасвирланган Жаабарс образи фикримиз исботидир. Жаабарс - бу қор барси, юксак тоғни макон қилган йирткич дарранда. Асар айнан Жаабарс ҳаёти тасвири билан бошланади. Гарчи ёзувчи "...қиссамиз қаҳрамонлари – икки мавжудотнинг қайсидир маънода қисматлари ўзаро боғлиқ, самовий жиҳатдан қардош деб тахмин қилса бўлар.." (Ш;16;16) дея қаҳрамонларнинг иккита эканлигини билдирса ҳам, то иккинчи бобга қадар китобхон иккинчи қаҳрамон кимлигини билмайди. Биринчи боб тўлалигича Жаабарс қисмати тасвирига бағишланади. Ёзувчининг дақиқ маҳорати билан Жаабарснинг даррандавий ҳаёти худди жонли тасвир каби кўз олдимизда аслича гавдаланади. Жаабарс бир вақтлар Тиёншон тоғ тизмаларидаги энг донгдор, қудратли, пурвиқор барс бўлган. Куч-қувватда ҳам, келишган қадда ҳам, аёвсиз олишувда ҳам унга тенг келадигани йўқ эди. Аммо вақт ҳукми ҳар қандай салобатни йўққа чиқармоққа, ҳар қандай қудратни нотавон ожизликка айлантarmoққа қодир. Жаабарс – камон ўқидай тезликда ҳамла қилувчи барс (қирғизча "жаа" - ёй) ҳам вақт ҳукмидан қочиб қутулолмади. Асарда тасвирланган йил мавсумида размиёлик бор. "Қуз яқинлашиб қолган пайт" (Ш;16;18). Куз - бу табиатнинг хазонга юз тутган яшаришдан қаришга томон юзланган фасли. Куз файласуф фасл, негаки шу даврда инсонни ҳаёт, тириклик қадри, ўлим ҳақидаги ўй-хаёллар кўпроқ безовта қилади. Эҳтимол, бунда табиатнинг илоҳий бир сири бордир. Ёзувчи асар ибтидосидаёқ ўқувчини куз яқинлашаётганидан огоҳ қилади. Бу куз табиатдаги, борлиқдаги куз бўлиб қолмасдан қаҳрамонлар тақдиридаги куз ҳамдир. Жаабарснинг ўтли ёшлик даври, кучи танига сиғмай чопган соҳибқудрат даври секин-аста уни тарк этди. Энди у қарилик ҳукми остида. Тақдирнинг унга атагани биргина қувватдан айро тушиш эмас. Даҳшатли ҳукм олдинда

эди. Унга жуфти хиёнат қилди, ёш ва бақувват бегона барсга илакишиб, уни ташлаб кетди. Ғурури топталган Жаабарс эса хиёнатчилардан қасос олиш учун аёвсиз жанг қилди. Аммо ёшлик қудрати қариллик ғазабини ер тишлатди: жуфтидан айирган ёш барс Жаабарсни мағлуб қилди. Бу жанг бир марта эмас, уч-тўрт мартаба такрорланди. Бироқ натижа ўзгармади. Арлонлик мавқеидан, ғуруридан айрилган Жаабарс тўдадан кетди, йўқ, у ўз галасидан ўз жуфти томонидан қувғин қилинди. Фожиа шунда эди. Энди Жаабарсга ҳеч ниманинг аҳамияти қолмаган эди. Юрагида ёнган аланга билан бутун дунёдан нафратланди. Бу нафрат шунчалар кучли эдики, орадан ўтган бир йилга яқин вақт ҳам уни камайтира олмади. Жаабарс ўз изтироблари, ўз қайғуси билан қолган қувватини ҳам емираётганди. Энди у чинакамига қариётган эди. Қувғиндилик қисматига дучор бўлган Жаабарснинг ҳайвоний табиатида ҳаётга, тақдирга исёнкорлик кучи оловланаётган, ўзини радди маърака қилганлар яшовчи бу маконни тезроқ тарк этиб, фақат ўзи учун аталган янги дунёга сафар қилмоқчи эди. Аммо бу учун осмонга орқа берган улкан тоғ тизмасини ошиб ўтиш керак эди. Жаабарснинг яшаш иштиёқи сўнишига йўл қўймаётган ягона умид шу - Узангилаш доводидан ошиш эди. Бироқ сўнгги умид ҳам пучга чиқди, чорасизлик фарёди-ла ўқирган Жаабарс овози тоғу тошни ларзага солди. Бу ҳам дарранданинг қисмати эди. Тақдир унинг умрига тоғ ортида эмас, балки тоғ этагида нуқта қўймоқлик борасида ҳукм ўқиб бўлган эди. Асарда тақдир ҳукмининг азалий ва ўзгармас эканлиги ёввойи йиртқич ҳаётида исбот талаб қилмас даражада ифодаланган. Асар давомида қор барсини ўй-хаёллар гирдобида учратамиз, зоолам вакилига хос психология шу қадар табиий тасвирланадики, ёзувчи барслар ҳаётини ипидан-игнасиғача ўзгача моҳирлик билан кузатганига гувоҳ бўламиз. Айни шу табиий ифода сабаб биз Жаабарс қайғусини Арсен изтироблари билан уйғун кўра оламиз. Улар қисматидаги ўхшашликдан ҳайратга тушамиз. Жаабарс ўз қудрати билан галасида мавқеи баланд эди: Арсен ҳам эгамен, эркин фикр журналист сифатида машҳур ва ҳурматга сазовор эди; Жаабарсни ўз жуфтидан ёшлик қудрати ажратади,

Арсенни эса севиклиси бойлик, ҳокимият деб ташлаб кетди; икковидан ҳам ўз жамияти юз ўгирди. Қисматлараро бу ўхшашлик бежиз эмас, уларнинг тақдирлари бир бурж остида битилган эди. Шу сабаб уларни бир хил қисмат таъқиб қилади. Бир-бирининг ҳаётда мавжудлигини билмайдиган инсон ва йиртқич қазову қадарнинг қудратли қўли билан сўнгги манзилда, сўнгги лаҳзада учрашишади. Бу қисмат зафари эди.

Фикрларимизни умумлаштирган ҳолда, Жаабарс – Хумкалла -Думдор барс образида асардаги тақдир таъқибидан йироқ кетолмаслик ва табиатни асраш каби етакчи ғоялар ифодаланган, китобхон фақат шу образ орқали бу ғоялар моҳиятини теранроқ хис қилиши мумкин деб айта оламиз. Бу эса Жаабарсни бош қаҳрамон сифатида ўрганиш учун биринчи асос бўла олади.

Жаабарс образининг ўзи асарда алоҳида сюжет чизиғини ташкил қилади. Ва бу чизиқ асарнинг бошидан то охирига қадар ҳаракат қилади. Унда воқеалар оқими тўла даррандавий кўриниш касб этади. Аммо бу китобхонни зериктирмайди, билъакс, асарга қизиқишини янада орттиради. Жаабарснинг ҳайвоний руҳиятини ёзувчи инсоний қалб билан беқиёс тасвир қиладики, ўқувчи кўнглида Жаабарс – йиртқич бир даррандага нисбатан чексиз илиқлик уйғонади. Демак, Жаабарс образи ўзига хос характер чизиқларига эга экан. Бу фикрлар эса уни бош қаҳрамон даражасига яна бир қадам яқинлаштиради.

Асардаги воқеалар Жаабарс тақдирига дахлдордир. Гарчи у бу воқеаларга аралашмаса-да, асар якунида барча ҳодисотлар Жаабарс қисмати учун рўй берганига гувоҳ бўламиз. Арсен Саманчининг севгиси ва ғоят қадрли ғоясининг рад этилиши, ов дастури сабаб Узангилаш тоғларига келиши, бу ерда Элас билан учрашиши – барслар ҳимояси ҳақидаги фикрлашув, Тошафғоннинг ёвуз фитнасидан хабар топиши, мажбурий иштирокчи сифатида танланиши ва ниҳоят виждонига қарши чиқолмай фитнани барбод қилиш учун ўзини қурбон қилиши – буларнинг бари бир юлдуз остида туғилган табиатнинг қисматдош икки фарзанди Арсен ва Жаабарснинг сўнг нуктада, ҳаёт хотимасида юзлашмоғи учун содир бўлган

эди. Уларнинг ҳаёти ҳам, мамоти ҳам бир хил кечди. Бу ҳам ёзувчи таъкидлаганидек, тақдирнинг сирли жумбоғидир. Роман воқеаларининг Жаабарс тақдирига дахлдор эканлигини инобатга олсак, бу образ бош қаҳрамон сифатларидан яна бирига эга бўлади.

Демак, Жаабарс бош қаҳрамон талабларига, сифат ўлчовларига тўла жавоб бера олувчи асардаги иккинчи образдир. Шу сабаб уни Арсен Саманчин образи билан тенгма-тенг равишда бош қаҳрамон мавқеига кўтаришга ҳақлимиз.

Қалдирғочлар образи. Асар воқеаларига ўзига хос сирлилик бағишлашга хизмат қилган бу образлар икки ўринда тасвирланади. Дастлаб Арсен Саманчин ва амакиси Бектур оғанинг суҳбати чоғида бўлса, иккинчи дафъа Тоштанафгон билан Арсен баҳси пайтида. Хўш, нега қалдирғоч, бошқа қуш эмас? Ёзувчи бу саволга асар ичида жавоб бериб ўтади: ".. Қалдирғочлар энг олийжаноб, энг гўзал, энг беозор қушлардир" (Ш;16;103). Қолаверса, "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" да қалдирғоч сўзининг кўчма маъноси қуйидагича берилган : "Бирор нарсанинг пайдо ёки содир бўлиш белгиси, хабарчиси" (544). Демак, қалдирғоч энг беозор қуш бўлгани ва кўчма маънода ҳодиса элчиси сифатини бергани боис асардаги келажак башоратчилари образига муносибдир. Амаки-жиян Саманчинларнинг суҳбати қизиган бир пайт очиқ деразадан бир жуфт қалдирғоч учиб киради. Ва нимадандир дарак бермоқчидай, қандайдир ҳалокатдан огоҳ қилмоқчи каби хонада тинмай учишар ва чуғурлашарди. Улар бу хонага адашиб кириб қолгани йўқ, чунки Бектур оға уларни ҳайдаб солиб, деразани бекитганида ҳам, дераза ёнида чириллалашарди. Қалдирғочлар тақдир хабарчилари, қисмат элчилари эди. Улар Арсенни айна суҳбат мавзуси бўлган тоғдаги ов дастури хатаридан огоҳ қилишмоқчи эди. Ўша тоғларда уни фожиа - ўз мақоласида айтганидек "тақдирнинг кўрикмас ҳалокат эшиги" кутаётганидан хабар бермоқда эди улар. Афсуски, инсон буни англамади, табиат фақат унгагина ато қилган онг, тафаккур билан-да тақдир хабарини тушунолмади. Қалдирғочларнинг асардаги иккинчи иштироки VII боб воқеалари жараёнида

юз беради. Тошафгон ўз мудхиш режасини амалга ошириш учун Арсендан фойдаланиш ниятида уни ўзлари бирга ўқиган мактабга таклиф қилади. Сухбат бошланмасдан туриб худди Арсеннинг уйидаги каби бир жуфт қалдирғочлар пайдо бўлади: “...қалдирғочлар бирон нарса демокчи ёки огоҳлантормоқчи бўлгандай шифт тагида айланиб уча бошлади. Арсен хангманг бўлиб қолди ва бир зумда ўйлай кетди – нахотки бу бирон такдирдан дарак бўлса, нахотки ўша хабарчи қалдирғочлар бирон шум хабар келтиришган бўлса?” (III;16;137) Хонадан ҳайдаб чиқарилган қалдирғочлар яна ўзларини дераза шишасига уриб, бетиним чуғурларди. Бу такдирнинг беозор кушлар қиёфасидаги огоҳлантириши эди. Улар Арсеннинг фожиали қисмати, жаабарс ҳаётининг аянчли хотимаси ҳақида хабар келтиришган эди. Аммо бу қисмат чизиғини ўзгартиролмади, содир бўлиши керак бўлган ҳодиса барибир юз берди.

Романда қалдирғочлар образи эзгуликни ёқловчи, ёвузликдан ҳазар қилувчи, шу сабабдан қабоҳатни сезди дегунча ундан башар авлодини огоҳ қилмоқлик ниятида тинмай ҳаракат қилувчи кушлар сифатида талқин қилинади. Бу эса уларни қисмат хабарчилари – рамзий образлар деб баҳолашимизга асос бўла олади.

Умумий хулосалар:

1. Бадиий асар бош қаҳрамониға таъриф берилган турли манбалар ўрганилиб чиқилди, уларда шу муаммо юзасидан билдирилган фикрлар умумлаштирилди ва бош қаҳрамонға қуйидаги умумий таъриф берилди: бош қаҳрамон бу асар сюжет тармоқларига алоқадор, тасвирланаётган даврнинг сиёсий, маданий, маърифий, иқтисодий, ижтимоий манзаралари анализида ҳам иштирок қилувчи , асарнинг ўзак ғоясини илғари сурувчи образдир.
2. Юқоридаги таъриф асосида бадиий асар бош қаҳрамонининг беш томонлама сифат ўлчови аниқланди:
 - А) асарнинг бош ғоясини ҳаракатға келтирувчи , уни китобхонға етказувчи образ;
 - б) асарнинг бошидан то охириға қадар иштирок қилувчи образ;
 - с) асардаги бошқа образлар тақдириға ҳам маълум даражада дахлдор образ;
 - д) асосий воқеа-ҳодисалар ҳалқаси унинг атрофида айланувчи образ;
 - е) асар сюжети яхлитлигини таъминловчи образ.
3. Ч.Айтматовнинг тадқиқот объекти сифатида танланган уч романидаги асосий образлар тизими ўрганилиб, қуйидагича тасниф қилинди:
 1. Инсоният образлари.
 2. Ҳайвонот образлари.
 3. Нореал олам вакиллари образлари.
 4. Ч.Айтматов ўз асарларида халқ сўз санъати билимдони сифатида оғзаки ижод намуналаридан моҳирона фойдаланган. Бу эса аналитик фольклоризм кўринишида келтирилган ривоят, афсона, эртаклар асарда алоҳида сюжет тармоғини, демакки, алоҳида образлар тизими ва алоҳида бош қаҳрамонни талаб қилишиға замин яратади.

5. Бундай алоҳида сюжет тармоғидаги бош қаҳрамон фақатгина шу воқеалар чизигига алоқадор бўлгани боис бутун асар миқёсида бош қаҳрамон талабига жавоб бера олмайди. Хусусан, “Қиёмат” даги Исо Масих, Гурам Жўҳадзе, “Асрга татигулик кун” даги Раймали оға, Найман она образлари.
6. Ч.Айтматов услубидаги алоҳидалик бу асарларга иловалар берилганидир. “Асрга татигулик кун” романига илова “Чингизхоннинг оқ булуту” қиссаси бўлса, “Тоғлар қулаётган замон (Абадий қаллик)” романи учун “Ўлдир-ўлдирма” қиссаси илова қилинган.
7. “Асрга татигулик кун”даги образлар тизими ўрганиб чиқилиб, бош қаҳрамон сифатида Эдигей Бўрон образи танланди.
8. “Қиёмат” романи ўзига хос композицион тузилишга эга бўлиб, асар воқеалари уч қисм доирасида юз беради. Дастлабки икки қисм учун бош қаҳрамон сифатида Авдий Каллистратов образи танланди, учинчи қисмда эса Бўстон Ўркунчиев. Аммо ҳар учала қисмга ҳам дахлдор образ бу Акбара – она бўри образидир. Шу сабаб Акбара “Қиёмат”нинг умумлаштирувчилик хусусияти юқори бўлган бош қаҳрамонидир.
9. “Тоғлар қулаётган замон (Абадий қаллик)” романи ёзувчининг ўзига хос замонавий фалсафий асари бўлиб, ушбу роман бош қаҳрамонлари сифатида Арсен Саманчин, Жаабарс, Абадий қаллик образлари танланди.
10. Ҳар учала романдаги бош қаҳрамонлар характер хусусиятлари ўрганиб чиқилиб, улардаги умумий сифат эътиқодда собитлик дея топилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Сиёсий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т .: “Ўзбекистон” ,2010.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т .: “Ўзбекистон” ,1997.
3. Каримов И. А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т .: “Ўзбекистон” ,1997.
4. Каримов И. А. Жамият мафкураси: халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. –Т .: “Ўзбекистон”, 1999.
5. Каримов И. А. Миллий истиклол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. –Т .: “Ўзбекистон”, 2000.
6. Каримов И. А. Ўзбекистон ХХI асрга интилоқда. –Т.:“Ўзбекистон” ,2000.
7. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т. :“Маънавият”, 2008.
8. Каримов И.А. Энг асосий мезон- ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.:“Ўзбекистон ”, 2009.
9. Азизхўжаев А.А. Мустақиллик, курашлар, изтироблар, қувончлар. –Т .: Адлия, 2001.
10. Қодирова М. Ёшлар онгида ғоявий дунёқарашни шакллантириш. –Т .: Янги аср авлоди, 2002.

II. Илмий ва методик адабиётлар :

1. Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 4-китоб. –Т.: Ўзфанакадемнашр, 1962. – 526 б.
2. Алимова Д. Тақдир тилсимларига таяниб... durdona-alimova.livejournal.com. 15.01.2011.

3. Айтматов Ч. Муҳаббат эътирофи. “Советская Киргизия”, 1962, 7 сентябр.
4. Айтматов Ч. Очерки, статьи и рецензии о творчестве. Фрунзе, 1975.
5. Арагон Л. Самая прекрасная повесть о любви в мире. // Культура и жизнь, 1959, № 7.
6. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. - Т.: Янги аср авлоди, 2012. – 352 б.
7. Брандис Е.П. , Дмитриевский В.И. Мир будущего в научной фантастике. - М. : Знание, 1965.
8. Гачев Г. Чингиз Айтматов. Фрунзе, 1989.
9. Ҳомидий Ҳ. ва б. Адабиётшунослик терминлари луғати. - Т.: Ўқитувчи, 1970. – 274 б.
10. Ҳотамов Н. Адабиётшуносликдан қисқача русча-ўзбекча терминологик луғат. - Т.: Ўқитувчи, 1969.
11. Жўрабоев А. Сўз – башарнинг жонбахш ўзаги. anvarjuraboev.blogspot.com. 6.06.2012.
12. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. - Т.: Шарқ, 2011. – 319 б.
13. Лебедева Л. Повести Чингиз Айтматова. - М., 1972.
14. Левченко В. Чингиз Айтматов. - М., 1983.
15. Маллаев Н. Навоий ижодиётининг халқчил негизи. –Т.:Ўқитувчи, 1980. – 175 б.
16. Миф – фольклор – литература. - Л.: Наука, 1978.
17. Мирза-Ахмедова П.М. Национальная эпическая традиция в творчестве Чингиза Айтматова.- Т., 1980.
18. Мирзаева С. Ўзбек реалистик адабиётида фолклор анъаналари. – Т.: Истиклол, 2005.
19. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш.-Т.: «Халқ мероси» нашриёти, 2004 .
20. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. -Т. “Академнашр”, 2010.

21. Қўшжонов М. Ойбек маҳорати. -Т., 1965.
22. Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. -Т.: 1994.
23. Рашидов А. Сўнмас юлдузлар. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1981.
24. Рашидов А. Чингиз Айтматовнинг бадиий олами. - Т.: Ўқитувчи, 2008. – 183 б.
25. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. –Т.: Ёш гвардия, 1987. – 160 б.
26. Саломов Ғ. Мен сув ичган дарёлар. –Т.: Ёш гвардия, 1990. – 272 б.
27. Смелков Ю. Фантастика – о чём она? - М.: Знание, 1974. – 64 б.
28. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. - Т., 1997.
29. Султон И. Адабиёт назарияси. - Т. : Ўқитувчи, 2005. – 272 б.
30. Таржима санъати. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – 304 б.
31. Тўхлиев Б. Адабиёт. -Т.: Ўқитувчи, 2002. – 288 б.
32. Усмонов Р. Юқори синфларда ёзувчи биографиясини ўрганиш. - Т.: Ўқитувчи, 1968. – 102 б.
33. Воронов В.Ю. Чингиз Айтматов. Очерк творчества. - М., 1976.
34. Храпченко М.Б. Горизонти художественного образа. - М., 1982.
35. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. - Т.: Шарқ, 2008. – 368 б.
36. Йўлдошев Қ. ва б. Адабиёт (7-синф учун дарслик). - Т.: Шарқ, 2013. – 160 б.
37. Зуннунов А., Ҳотамов Н. Адабиёт назарияси. -Т.: Ўқитувчи, 1982. – 160 б.
38. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. I жилд. -Т.: ЎзМЭ, 2000. – 736 б.
39. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. VI жилд. -Т.: ЎзМЭ, 2003. – 704 б.
40. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. X жилд. – Т.: ЎзМЭ, 2005. – 656 б.
41. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I жилд. – М.: Рус тили, 1981. – 632 б.
42. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. – М.: Рус тили, 1982. – 715 б.

43. Шарафиддинов О. Инсониятнинг буюк вакили. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 6.08.2008.
44. Шукуров Н. ва б. Адабиётшуносликка кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1979. – 229 б.
- 45.

III. Бадий адабиётлар:

1. Айтматов Ч. Сарвқомат дилбарим. -Т. : Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1964. – 544 б.
2. Айтматов Ч. Сомон йўли. - Т. : Тошкент, 1965. – 304 б.
3. Айтматов Ч. Алвидо, эй Гулсари. - Т. : Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1968. – 208 б.
4. Айтматов Ч. Танланган асарлар. II томлик. I том. - Т. : Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – 408 б.
5. Айтматов Ч. Танланган асарлар. II томлик. II том. - Т. : Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – 391 б.
6. Айтматов Ч. Эрта келган турналар. -Т. : Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – 278 б.
7. Айтматов Ч. Соҳил ёқалаб чопаётган олапар. -Т. : Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – 76 б.
8. Айтматов Ч. Қиссалар. - Т.: Ўқитувчи, 1986. – 224 б.
9. Айтматов Ч. Асрга татиғулик кун. Қиёмат. - Т. : Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 559 б.
10. Айтматов Ч. Буранний полустанок. Плаха. - М. : Профиздат, 1989. – 605 б.
11. Айтматов Ч., Шохонов М. Чўққида қолган овчининг оҳи-зори (Аср адоғида айтилган истиғфор). –Т.: Шарқ, 1998. – 432 б.
12. Айтматов Ч. Охирзамон нишонлари. Чингизхоннинг оқ булути. - Т.: Шарқ, 2001. – 301 б.
13. Айтматов Ч. Оқ кема. - Т.: Шарқ, 2003. – 176 б.

14. Айтматов Ч. Жамила. - Т. : Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2005. – 84 б.
15. Айтматов Ч. Танланган асарлар. I жилд. - Т.: Шарқ, 2009. – 496 б.
16. Айтматов Ч. Тоғлар қулаётган замон (Абадий қаллиқ). - Т.: ВЕКТОР-ПРЕСС, 2009. – 252 б.
17. Айтматов Ч. Қулаётган тоғлар (Мангу қайлиқ). Қиёмат. - Т.: “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – 648 б.
18. Айтматов Ч. Танланган асарлар. II жилд. - Т.: Шарқ, 2012. – 527 б.
19. Манас. I бўлим. 1-китоб. - Т.: Тошкент, 1964. – 424 б.